




ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL

***9 апрель – Соҳибқирон Амир ТЕМУР
бобомиз туғилган кун!***



“ODILLIK MEZONI”

илмий-амалий, ҳуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси
Одил судлов академияси**Ҳамкорлар**Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши,
Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси**ТАҲРИР КЕНГАШИ**Холмўмин ЁДГОРОВ
Убайдулла МИНГБОЕВ
Шерзод АБДУҚОДИРОВ
Дилшод АРИПОВ
Малика ҚАЛАНДАРОВА
Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ
Дилшод ИСРОИЛОВ
Худойқул АЗИЗОВ
Илхом НАСРИЕВ
Собир ХОЛБАЕВ
Шавкат ҲАҚНАЗАРОВ
Ботир САМАРХОДЖАЕВ
Толибжон ОБИДОВ
Фозилжон ОТАХОНОВ**Бош муҳаррир**

Арслон ЭШМУРОДОВ

Навбатчи муҳаррир

Шахбоз САИДОВ

Сахифаловчи дизайнер

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январ-
даги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар
бўйича диссертациялар асосий илмий нати-
жаларини чоп этиш тавсия этилган илмий
нашрлар рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй

Электрон манзил:
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда
0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.

Обуна индекси: 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.

Журналда эълон қилинган материаллардан
фойдаланилганда манба қайд этилиши керак.

Босишга 28.04.2026 да рухсат берилди.

Бичими 60x84 13/8,8 босма табоқ.

Буюртма № 87. Адади 1670.

Баҳоси келишилган нарҳда.

“OLTIN NASHR” МЧЖ

матбаа корхонасида чоп этилди.

Корхона манзили:

Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 42-уй

Телефон: +998 97 735 11 88

МУНДАРИЖА**КУН МАВЗУСИ****4****СОҲИБҚИРОН САЛТАНАТИНИНГ ПОЙДЕВОРИ****5****БУНЁДҚОРЛИК ВА АДОЛАТЛИ БОШҚАРУВ:
ТАРИХ ВА ТАРАҚҚИЁТ****МУТОЛАА****6****УЧ МАШҲУР ЎЗБЕК АЁЛ СУДЬЯГА ЭҲТИРОМ****9****МУТАХАССИС МУЛОҲАЗАСИ****ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ:
ҚОНУНЧИЛИК, АМАЛИЁТ, МУАММО ВА ЕЧИМ****12****ҲИМОЯ ҲУҚУҚИ ИНСТИТУТИ: ТАҲЛИЛ, ТАКЛИФ****14****МЕДИАТИВ КЕЛИШУВНИ МАЖБУРИЙ АМАЛГА
ОШИРИШ УЧУН ИЖРО ВАРАҚАСИ БЕРИШ ТАРТИБИ****ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО****15****ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРГА НИСБАТАН ЖИНОЯТЛАР УЧУН
ҚОНУНЧИЛИҚДА ҚАНДАЙ ЖАЗОЛАР БОР?****16****ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ТАФТИШ
ИНСТАНЦИЯСИНING ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТИ****ТАҲЛИЛ****18****ХОДИМНИНГ МАЛАКАСИ ВА КАСБИЙ
СТАНДАРТ ТУШУНЧАЛАРИ****20****МУЛОҲАЗА****БОЛАЛАРНИ ЗЎРАВОНЛИҚДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ
ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА:
ЯНГИ БОСҚИЧ, ЯНГИ ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАР****СУДЬЯ МИНБАРИ****22****АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ
ҚИЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ****23****БЕФАРҚЛИК ВА НАЖОТ ОРАСИДАГИ БИР ҚАДАМ****24****БАРТЕР ШАРТНОМАСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ**

25

ОИЛА– МУҚАДДАС ҚЎРҒОН

26АЁЛЛАР ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИНГ
ҚИЁСИЙ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ**27**

ТАДҚИҚОТ

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШДА ИНСТИТУЦИОНАЛ
ҲАМКОРЛИК: ҚОНУНЧИЛИК ВА УНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАРУРИЯТИ**30**ТОВАРЛАР, ХИЗМАТЛАР ВА МОЛИЯВИЙ
МАБЛАҒЛАРНИНГ ЭРКИН ҲАРАКАТИ
ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИНИНГ МУҲИМ ТАМОЙИЛИ**32**

АКЦИЯДОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

34ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ҚЎРИҚЛАШ
ХИЗМАТЛАРИДА ШАРТНОМАВИЙ
МУНОСАБАТЛАР**36**СУД БОСҚИЧИДА ЖИНОЯТ ИШИНИ
ТЎХТАТИБ ТУРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ
АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**38**РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДА РЕГУЛЯТОР
ВА ФИНТЕХ-СУБЪЕКТЛАР ЎРТАСИДАГИ
ТЕХНОЛОГИК ТЕНГЛИК ҲАМДА
ГЛОБАЛ КАДРЛАР ТРАНСФЕРИ ЗАРУРИЯТИ**40**ЭРГАШМА ҲУҚУҚ ИНСТИТУТИНИНГ ТАБИАТИ
ВА УНИНГ САНЪАТ БОЗОРИДАГИ АҲАМИЯТИ**42**РАҚОБАТ БИЛАН БОҒЛИҚ МАЪМУРИЙ-
ҲУҚУҚИЙ НИЗОЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ**44**ДАЛИЛЛАРНИ ТЎПЛАШ ВА МУСТАҲКАМЛАШ:
ТАШКИЛИЙ ВА ТЕХНОЛОГИК ЁНДАШУВЛАР
УЙҒУНЛИГИ**46**КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИЧКИ НАЗОРАТ:
РАҚАМЛИ ДУНЁ, РАҚАМЛИ КОМПЛАЕНС**48**

ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

МУҲИМ ОБЪЕКТЛАР КИБЕРХАВФСИЗЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА
ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИ**50**МУАЛЛИФЛИК ВА ТУРДОШ
ҲУҚУҚЛАРНИНГ ЯНГИ ЭҶТИМОЛИЙ
ОБЪЕКТЛАРИ**52**ЕВРОПА ИТТИФОҚИДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК
ҲУҚУҚИ: ШАКЛЛАНИШИ, УНИФИКАЦИЯСИ
ВА РИВОЖЛАНИШИ**53**ЕВРОПА КЕНГАШИ ТИЗИМИДА ИНСОН
ҲУҚУҚЛАРИНИ СУД ЙЎЛИ БИЛАН ҲИМОЯ
ҚИЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИ**54**ТОВАР БЕЛГИЛАРИНИНГ
ДУАЛИСТИК МОҲИЯТИ ВА ХАЛҚАРО
ХУСУСИЙ ҲУҚУҚДАГИ ИФОДАСИ

НОВЫЙ ЭТАП

55НЕКОТОРЫЕ ОСОБЕННОСТИ
ГОСУДАРСТВЕННОГО
РЕГУЛИРОВАНИЯ РЫНКА ТРУДА В
РОССИЙСКОЙ ФЕДЕРАЦИИ**58**

ТЕМА ДНЯ

ВНУТРЕННЯЯ НЕЗАВИСИМОСТЬ И
ФОРМИРОВАНИЕ УБЕЖДЕНИЯ СУДЬИ

ANALYSES

60MODERN REQUIREMENTS FOR THE TRAINING
OF JUDICIAL CANDIDATES IN THE PROCESS OF
FULL DIGITAL TRANSFORMATION OF JUSTICE**62**

IMPORTANT TOPIC

INTERNATIONAL LEGAL COOPERATION IN
COMBATING CYBERCRIME:
POWERS AND LIMITATIONS OF STATE
AUTHORITIES



СОҲИБҚИРОН САЛТАНАТИНИНГ ПОЙДЕВОРИ

Адолат ҳар қандай давлат барқарорлигининг асосий омили ҳисобланади. Қонун устуворлиги таъминланмаган жамиятда нафақат тараққиёт, балки ижтимоий ишонч ҳам издан чиқади. Шу нуқтаи назардан, тарихда адолатли бошқарув тамойилларини шакллантиришига ҳаракат қилган давлат арбоблари тажрибаси бугун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бундай шахслар қаторида Амир Темурнинг давлат бошқаруви ва ҳуқуқий қарашлари алоҳида ўрин тутади.

Амир Темур шахси ва унинг давлат бошқарув тизими ҳақида сўз юритар эканмиз, аввало, бир ҳақиқатни тан олишимиз керак: у нафақат буюк саркарда, балки юксак даражадаги давлат арбоби, нозик сиёсатчи ва пухта қонуншунос эди.

Амир Темур ўз ҳукмронлигини фақат куч билан эмас, балки сиёсий легитимлик орқали ҳам мустаҳкамлашга ҳаракат қилди. Унинг Чингизийлар авлодидан бўлган Сарой Мулхонимга уйланиши бежиз эмас эди. Бу никоҳ унга “кўрагон” — яъни хон авлодига куёв мақомини бериб, унинг ҳокимиятига расмий тус бағишлади.

Шу билан бирга, Соҳибқирон томонидан шакллантирилган бошқарув тизимида адолатга давлат сиёсатининг марказий тамойили сифатида қаралган. Унинг “Куч — адолатдадир” деган ғояси шунчаки шиор эмас, балки давлат ва жамият ўртасидаги мувозанатни таъминловчи амалий қоида сифатида хизмат қилган. Бу ёндашувда ҳокимият қанчалик кучли бўлмасин, у қонун ва адолат меъёрлари билан чекланган бўлиши шартлиги таъкидланган.

Дарҳақиқат, унинг давлатида қарор қабул қилиш жараёни ўта пухта ташкил этилган эди. Даргоҳда ўтказилган хос мажлисларда давлатнинг энг муҳим масалалари — бошқарув, тайинловлар, хавфсизлик масалалари муҳокама қилинган. Бу жараёнлар махфийлик ва интизом асосида олиб борилган, ҳатто махсус котиблар қарорларни қайд этиб борган.

Амир Темур давлат бошқарувида энг муҳим тамойил сифатида кенгаш ва машваратни эътироф этган.

Амир Темур давлат аппаратини мукамал тизимга солди. Олий девон — марказий бошқарув органи сифатида фаолият юритиб, вазирликлар ишини мувофиқлаштириб борган. Ҳар куни вазирлар ҳисобот бериб тургани эса давлат бошқарувида очиклик ва назорат мавжуд бўлганидан далолат беради.

Темур бобомиз бошқарувидаги диққатга сазовор жиҳатлардан яна бири — аҳоли билан мулоқот тизими. Даргоҳдаги арзбеги орқали ҳар бир фуқаро ўз шикоятини бевосита етказиш имконига эга бўлган. Шу билан бирга, махсус вакиллар — аминлар жойларга бориб, адолатни тиклаш билан шуғулланган. Бу эса давлатда икки томонлама назорат механизми мавжуд бўлганини кўрсатади.

Ҳарбий тизим ҳам пухта ташкил этилган эди. Тавочилар нафақат кўшин тўплаш, балки унинг тайёргарлиги, таъминоти ва интизومي учун жавобгар бўлган. Бу эса Темур армиясининг муваффақиятларида ҳал қилувчи омил бўлган.

Амир Темур давлатчилигининг энг юксак жиҳати эса унинг қонунчилик соҳасидаги фаолиятидир. “Темур тузуқлари” — бу оддий қоидалар эмас, балки давлат ва жамият ҳаётини тартибга солувчи мукамал ҳуқуқий тизимдир. Бу тузуқларда энг муҳим тамойил — адолат ва инсон манфаати ҳисобланади. Масалан: янги ерни обод қилган

шахсдан биринчи йил солиқ олинмаслиги, солиқлар ер унумдорлигига қараб белгиланиши, давлат аввал шароит яратиб, кейин талаб қўйиши каби адолатли тизим амал қилган. Бу нормалар замонавий ижтимоий давлат ғояларига ҳамоҳанг эканини кўриш қийин эмас.

Амир Темур жамиятни шартли равишда 12 тоифага ажратиб, барча қатлам манфаатини ҳисобга олган. Бу эса унинг давлатчилик ғоясида ижтимоий мувозанат муҳим ўрин тутганини кўрсатади. Энг муҳими, у шундай деган: “Раият хонавайрон бўлса, хазина камбағаллашади, бу эса салтанатнинг кучсизланишига олиб келади”. Бу фикр бугунги кун учун ҳам долзарб. Чунки кучли давлат аввало, фаровон халқ демакдир. Демак, Амир Темур давлатчилиги уч устунга таянган бўлиб, улар адолат, тадбир ва ақл, кучли бошқарув тизими. Унинг мероси нафақат тарих, балки бугунги давлат бошқаруви учун ҳам муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга. Шунингдек, Амир Темур даврида:

фуқаролар ўз арз ва шикоятлари билан бевосита даргоҳга мурожаат қилиш имконига эга бўлган; арзбеги орқали мурожаатлар қабул қилиниб, олий ҳукмдорга етказилган, аминлар жойларга бориб, муаммоларни ўрганиб, адолатни тиклаган. Бугунги тизимда эса, Халқ қабулхоналари орқали фуқаролар мурожаатлари қабул қилинади; сайёр қабуллар орқали раҳбарлар жойларга чиқиб, аҳоли муаммоларини ўрганади; мурожаатлар ижроси устидан назорат тизими мавжуд.

Яна бир муҳим жиҳати, Амир Темур даврида суд-ҳуқуқ тизими ҳам пухта ва ихтисослашган ҳолда ташкил этилган эди. Суд ишлари бир нечта йўналиш бўйича амалга оширилган:

Қози ул-қуззот — олий қози сифатида диний ва ҳуқуқий масалаларда энг юқори суд ваколатига эга бўлиб, айрим ҳолларда амалдорлар ишини ҳам кўриб чиққан. Сипоҳ қозиси эса, ҳарбийлар ўртасидаги низолар ва интизом масалаларини ҳал этган. Қози раият — оддий фуқаролар ўртасидаги мулкӣ ва ижтимоий низоларни кўриб чиққан ҳамда барча суд фаолияти асосида шариат қоидалари муҳим ҳуқуқий манба сифатида хизмат қилган.

Хулоса қилиб айтганда, Амир Темур нафақат ўз даврининг буюк саркардаси, балки жаҳон миқёсида тан олинган давлат арбоби сифатида тарихда ўчмас из қолдирган.

Унинг давлат бошқаруви, адолатга асосланган сиёсати ва мукамал тизими бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бежиз эмаски, унинг шахсига бўлган юксак эҳтиром рамзи сифатида Европа ҳудудларида ҳам ёдгорликлар ўрнатилган. Бу бежизга эмас албатта, адолатни устувор қиймат сифатида қараш ҳар қандай жамиятнинг барқарор тараққиётини таъминловчи энг муҳим омил бўлиб қолади.

Шоҳрух ФОЗИЛОВ,

Тошкент вилоят маъмурий суди судьяси.

БУНЁДКОРЛИК ВА АДОЛАТЛИ БОШҚАРУВ: ТАРИХ ВА ТАРАҚҚИЁТ

XIV асрда Мовароуннаҳр замини беаёв низолар, ўзаро қирғинлар ва тахт талашларидан чарчаган, тупроғи қонга ва кўз ёшига тўйган эди. Мўғул истилосидан кейинги бўшлиқ мамлакатни парокандалик гирдобига улоқтирган, марказий ҳокимият заифлашиб, ҳар бир воҳада ўзбошимча амирлар “ўз қонунини” ўрнатган эди. Халқ нажоткор кутар, аммо бу нажот нафақат қилич кучида, балки бузилган адолат тарозисини қайта тиклайдиган, элнинг тарқоқ бошини бирлаштирадиган юксак иродада эканини қалбан ҳис қиларди. Ана шундай зиддиятли пайтда сиёсат саҳнасиغا Соҳибқирон Амир Темур чиқиб келди. У нафақат забардаст саркарда, балки кучли низом ва тартиб ўрнатувчи сифатида пайдо бўлди. Темур бобомизнинг илк қадамлари заминни босқинчилардан тозалаш бўлса, асосий мақсади кучли ва марказлашган давлат барпо этиш эди. У келгач Туронзаминда парокандалик ўрнини тартиб, бошбошдоқлик ўрнини қонун, қўрқув ўрнини эса эртанги кунга бўлган ишонч эгаллади. Унинг сиймоси нафақат забт этувчи, балки буюк бунёдкорлик ва адолатли бошқарувнинг қуёши бўлиб чиқди.

Соҳибқирон салтанатининг дарвозасига, давлат муҳрига ва ҳар бир фармоннинг тагига нақш қилинган “Куч адолатдадир” шиори шунчаки жарангдор жумла эмас, балки салтанатнинг энг олий мафкуриси эди. Ушбу сўзлар замирида теран маъно бор: агар куч адолатга хизмат қилса у бунёдкорликка айланади, агар адолат кучга таянса у жамиятда тартибни таъминлайди. Амир Темур яхши англарики, фақат зулм ва қилич билан эгалланган ўлкалар вақтинчалиқдир, аммо адолат билан суғорилган илдишлар асрларга чидайди. Унинг машҳур “Темур тузуклари” асари шунчаки қонунлар тўплами эмас, балки салтанатнинг маънавий ва ҳуқуқий харитаси бўлди. Унда Соҳибқирон шундай ёзади: “Салтанат ишларининг тўққиз улушини кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улушини эса қилич билан амалга оширдим”. Бу давлат бошқарувида куч ишлатиш энг охири чора бўлиши кераклигини англаувчи олтин қоидадир. Амир Темур ҳар бир қарорида қонуннинг устуворлигини биринчи ўринга қўйди. У салтанатни “дин ва қонун” асосида бошқаришни энг тўғри йўл деб билди ва ўз фарзандларига ҳам давлатни адолат билан идора этишни васият қилди. Унинг наздида, адолатли ҳукмдор Парвардигорнинг ердаги сояси бўлиб, унинг олий бурчи мазлумлар ҳақини золимлардан олиб бериш эди.

Соҳибқироннинг адолат фалсафаси, аввало, давлат амалдорларига бўлган ўта қатъий ва муросасиз талабчанлигида намоён бўлди. У яхши билардики, салтанатнинг заифлашиши ташқи душмандан эмас, балки ичкаридаги амалдорларнинг нафси ва адолатсизлигидан бошланади. Шу сабабли, Темур ва зир ёки вилоят ҳокими тайинлаганда, уларнинг нафақат ақлий салоҳиятига, балки иймони, насл-насаби ва энг муҳими — инсофига алоҳида эътибор қаратди. Агар бирор ҳоким ёки амалдор ўз мансабини суиистеъмол қилиб, раиятга озор етказса ёки закот ва солиқларни йиғишда ноҳақликка йўл қўйса, Соҳибқирон унга нисбатан энг шафқатсиз ва кескин чораларни кўрган. Бу ҳақда “Тузуқлар” да шундай баён этади: “Заифларга озор етказган кучлиларни жазоладим, ҳеч бир зўравонга мазлум устидан ҳукмронлик қилишга йўл қўймадим”. Ушбу қоида салтанатнинг энг чекка ҳудудларида ҳам амал қилган. Бу эса энг қудратли амирларнинг ҳам оддий фуқаронинг ҳақиқаи ҳиёнат қилишдан ҳайиқиб яшашига, мазлумнинг ҳақидан ҳазар қилишига сабаб бўлди. Бу оддий деҳқон ёки қосибнинг ҳукмдор адолатига ишониб хотиржам ҳаёт кечиришини таъминлади. Зеро, адолатли ҳукмдорнинг кўзи ва қулоғи салтанатнинг ҳар бир нуқтасида эканини ҳамма биларди.

Адолат нафақат судхўрликни жиловлашда, балки мамлакат иқтисодиёти ва хавфсизлигида ҳам ўзининг юксак мевасини берди. Соҳибқирон салтанатида Буюк Ипак йўлининг қайта жонланиши ва халқаро савдонинг гуллаб-яшнаши айнан қонун ва адолат устуворлигининг натижаси эди. Ўша даврнинг тарихий йилномаларида ҳайрат билан ёзилган бир тасвир бор: “Соҳибқирон ҳукмронлиги даврида бир ёш гўдак ёки муштипар аёл бошида тилла тўла лаган билан салтанатнинг кун чиқиш томонидан кун ботишига қадар беҳавотир сафар қилиши мумкин эди”. Бу афсонавий тасвир замирида жуда катта ҳақиқат ётибди. Темур йўллардаги қароқчилик ва безориликни нафақат жисмоний жазо билан, балки тизимли масъулият билан тартибга солди. Агар бирор савдо қарвони қайсидир ҳудудда тананса ёки зарар кўрса, ўша ҳудуднинг ҳокими ва хавфсизлик учун масъул шахслари етказилган зарарни ўз ҳисобидан тўлашга мажбур эди. Бундай қатъий интизом туфайли савдогарлар Мовароуннаҳр заминиде кўрқмасдан тижоратларини юритдилар. Солиқ тизими эса “инсоф мезони”га асосланган эди: деҳқон ва хунаромандни хонавайрон қилмайдиган, лекин давлат хазинасини бойитадиган адолатли меъёрлар жорий этилди. Бу эса нафақат иқтисодий бойликни, балки халқнинг ҳукмдорга бўлган чексиз ризолигини ҳам таъминлаган.

Соҳибқирон адолатли жамиятни илмсиз барпо этиб бўлмаслигини теран англаган. У олимлар, фозиллар ва шоирлар билан суҳбатлашишни энг олий машғулот деб биларди. Самарқанд ва Шаҳрисабзда қад кўтарган улугвор обидалар шунчаки меъморчилик санъати эмас, балки адолатли ва қудратли давлатнинг дунёга кўрсатган юзи эди. У олимларни саёҳатга юборган, дунёнинг энг яхши ақл эгаларини пойтахтга жамлаган. Темурнинг назарида, илм аҳли салтанатнинг кўзи, уларнинг маслаҳати эса ҳукмдорни хатолардан ва адолатсиз қарорлардан асровчи восита эди. Амир Темур вафотидан асрлар ўтган бўлса-да, унинг давлатчилик фалсафаси ҳамон тирик. У бизга қолдирган мерос шундан иборатки: давлатнинг умри қанчалик узун ёки қисқа бўлиши унда адолат тарозиси қанчалик тўғри ишлашига боғлиқ.

Биз унинг сиймосида фақат зафарли юришларни эмас, балки инсоний ҳақ-ҳуқуқларни ҳимоя қилган, жамиятни қонун билан бирлаштирган мутафаккир ҳукмдорни кўришимиз керак. Зеро, адолат бор жойда нафақат давлат, балки инсониятнинг қадри ҳам юксак бўлади.

Йўлдош НОРБЕКОВ,

Тошкент туманлараро иқтисодий суди судьяси.

УЧ МАШХУР ЎЗБЕК АЁЛ СУДЬЯГА ЭҲТИРОМ

(Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан нашр этилган
“Уч машхур ўзбек судьяси” китобини ўқиш асносидаги мулоҳазалар)

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг суд тизимини ислоҳ қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. 1992 йилда қабул қилинган Конституция суд ҳокимиятини мустақил ҳокимият тармоғи сифатида белгилади ва унга инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ҳимоя қилишда асосий кафолат (гарант) вазифасини юкледи. Ушбу ислохотлар жараёнида миллий суд анъаналарини сақлаш ва ривожлантириш, собиқ совет даври ҳуқуқий тизимидан мустақил ҳуқуқий тафаккурга ўтиш зарурати юзага келди. Шу нуқтаи назардан, миллий суд тизимининг шаклланишида муҳим роль ўйнаган шахслар фаолиятини ўрганиш фақат тарихий эмас, балки методологик аҳамиятга ҳам эга.

“Уч машхур ўзбек судьяси” китоби ана шу эҳтиёждан келиб чиқиб тайёрланган бўлиб, у миллий судьялик мактабининг ривожланишини уч авлод вакиллари фаолияти мисолида комплекс равишда ёритади. Китоб Хадича Сулаймонова, Мамлакат Восиқова ва Ҳалима Муҳитдинова каби йирик ҳуқуқшунос ва судьяларнинг ҳаёти, касбий фаолияти, ҳуқуқий қарашлари ҳамда инсон ҳуқуқларини таъминлашга қўшган ҳиссасини қамраб олади. Ушбу шахслар турли даврларда яшаб ижод қилган бўлса-да, уларни бирлаштирувчи асосий жиҳат — адолатга садоқат ва ҳуқуқ устуворлиги тамойилига амал қилишдир.

Асар Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан нашрга тайёрланган бўлиб, бу ҳолат унга расмий ва институционал хусусият бахш этади. 684 саҳифадан иборат мазкур китоб ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр этилган. Уч тилдаги нашр — бу нафақат матнни кенг аудиторияга етказиш истаги, балки Ўзбекистон ҳуқуқий тажрибасини халқаро ҳамжамиятга тақдим этишнинг стратегик қадами ҳамдир.

Кўп тилли форматнинг амалий аҳамияти бир неча жиҳатдан намоён бўлади. Биринчидан, рус тилидаги нашр МДҲ давлатлари ҳуқуқшунослари ва тадқиқотчиларига Ўзбекистон суд тарихини яхлитлигича ўрганиш имконини беради. Иккинчидан, инглиз тилидаги нашр асарни халқаро ҳуқуқий жамоатчилик учун, хусусан Европа, Америка ва Осиё ҳуқуқ мактаблари учун муҳим манба сифатида тақдим этади. Учинчидан, ўзбек тилидаги нашр миллий аудитория учун асосий қўлланма сифатида хизмат қиладди ва ёш юристлар учун ватанпарварлик ва касбий руҳни уйғотади.

Нашрнинг 2026 йилда эълон қилиниши ҳам бежиз эмас — ушбу давр Ўзбекистонда суд ислохотларининг янги босқичи, судьялик корпусини замонавий стандартларга мослаштириш бўйича кенг кўламли чоралар қабул қилинаётган давр билан тўғри келади. Шу маънода, китоб нафақат ўтмишга назар, балки ҳозирги ва келажак авлод судьялари учун муҳим мўлжал вазифасини ҳам бажаради.

Китобнинг биринчи ва ҳажм жиҳатидан энг кенг бўлими академик Хадича Сулаймонова фаолиятига бағишланган. Х. Сулаймонова ўтган асрнинг ўрталарида — ўзбек аёллари учун ҳуқуқ соҳасида мустақил касб эгаллаш деярли тасаввур этиб бўлмас даврда — йирик ҳуқуқшунос олим ва

давлат арбоби сифатида шаклланди. У совет тизими ичида фаолият юрита туриб, ҳуқуқий фикрлашнинг миллий ва инсонпарвар томонларини сақлаб қолишга интилган нодир шахслардан бири сифатида тарихда муносиб ўрин тутди.

Совет даврида суд тизими расман мустақил бўлса-да, амалда партия ва давлат органларининг назоратида фаолият юритган. “Социалистик қонунийлик” тушунчаси кўпинча сиёсий мақсадлар хизматида солинган, судьялар эса ижтимоий тартибни сақлаш воситаси сифатида кўрилган. Шундай шароитда ҳуқуқни ижтимоий адолат асосида қўллашга интилиш алоҳида мардлик талаб этган.

Китобда Х. Сулаймонованинг илмий ишлари, давлат бошқарувидаги иштироки ва суд амалиёти тилга олинади ва у нафақат ҳуқуқшунос, балки жамоат арбоби сифатида ҳам тавсифланади. Унинг оилавий ҳаёти ва ўзи интиладиган ижтимоий идеалларни мувозанатлаш борасидаги кураши жонли ифодалаб берилган. Ушбу шахсий қатлам асарни қуруқ биографик маълумотлар тўпламидан ажратиб, унга инсоний ҳарорат бахш этади.

Муаллифлар Х. Сулаймонованинг ижодий меросини ва илмий мақолаларини батафсил таҳлил қилиш орқали унинг ҳуқуқий тафаккурини сингдирган асосий ғояларни аниқлашга муваффақ бўлганлар. Диққат қилиш лозимки, асл матнда у фақат меҳнат ҳуқуқи мутахассиси деб кўрсатилган, бироқ Х. Сулаймонова аслида жиноят ҳуқуқи бўйича йирик олим ва Ўзбекистонда криминалистика ҳамда суд-экспертизаси соҳасининг асосчисидир. Шунингдек, у Ўзбекистон ССР Адлия вазирлиги ва Олий суд раиси лавозимларида ишлаган илк ўзбек аёлидир. Унинг ишлари ҳуқуқни инсон манфаатлари нуқтаи назаридан тушунтиришга уринган.

Унинг тарихий аҳамиятини тўла баҳолаш учун шуни таъкидлаш керакки, 1940–1960-йилларда Ўзбекистонда аёл ҳуқуқшунос бўлиш нафақат касбий, балки ижтимоий жасурлик талаб этар эди. Ана шу жасурлик, бир томондан, давлатнинг аёлларни жамоат ҳаётига жалб қилиш сиёсати натижаси бўлса, иккинчи томондан — шахсий иродавий ҳаракатнинг маҳсулидир. Х. Сулаймонова ушбу икки кучнинг кесимида ўзига хос ҳаёт йўлини белгилаб олган.

Китобнинг иккинчи катта бўлими Мамлакат Восиқовага бағишланган. Бу ерда тарихий аниқлик киритиш мақсадга мувофиқ: асл матнда унинг фаолияти фақат мустақиллик даври билан боғланган, бироқ М. Восиқова аслида совет



даврининг охири ва мустақилликнинг илк йилларини боғловчи забардаст арбобдир. У 1970 йилдан 1984 йилгача Ўзбекистон ССР Адлия вазири лавозимида ишлаган ва мустақиллик остонасида ҳам тизимни бошқарган.

У янги ўзбек суд тизимининг ҳуқуқий меъморларидан бири бўлди. 1991 йилдан кейинги даврда Ўзбекистон дунё ҳамжамиятига интеграциялашиш, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро конвенцияларни имзолаш йўлини тутди. Ушбу глобал мажбуриятларни миллий суд амалиётига сингдириш осон иш эмас эди. М. Восіқованинг фаолияти ана шу мураккаб мувозанатни — миллий ҳуқуқий анъаналарни сақлаш ва халқаро стандартларга риоя қилиш ўртасидаги мувозанатни топишга уриниш тарихидир.

Китобда М. Восіқованинг муайян суд ишлари бўйича чиқарган қарорлари таҳлил қилинган бўлиб, бу орқали унинг ҳуқуқий мантиқи ва адолат тушунчаси ойдинлашади. Жумладан, унинг мол-мулк ҳуқуқи, оилавий муносабатлар ва фуқаролик низолари бўйича ишларда кўрсатган ёндашуви мустақил ва принципаал судья образини гавдалантиради. Таъкидланишича, М. Восіқова ўзининг ҳар бир қарорида нафақат қонуннинг расмий нормасига, балки унинг руҳига ҳам амал қилишга интилган.

М. Восіқованинг ислохотлар жараёнидаги иштироки алоҳида таҳсинга лойиқ. Ўзбекистон суд тизимини мустаҳкамлаш, судьялар мустақиллигини таъминлаш, суд жараёнларида ошқоралик ва шаффофлик тамойилларини жорий этиш борасида у нафақат амалий судья, балки тизимли ислохотчи ва янгилувчи сифатида ҳам ном қолдирди.

Китобнинг учинчи бўлими Ҳалима Муҳитдиновага бағишланган бўлиб, у замонавий ўзбек судьялик мактабининг энг ёрқин намояндаларидан бири сифатида тақдим этилади. Ҳ. Муҳитдинова фаолиятини таҳлил қилиш орқали ўқувчи Ўзбекистон суд тизимининг мустақиллик йилларидаги ривожланиш траекториясини аниқ кузатиши мумкин.

Ҳ. Муҳитдинова фақат амалий судья эмас, балки ҳуқуқий таълим соҳасида ҳам фаол иш юритган. У ёш ҳуқуқшунослар учун ўқув дастурлари, малака ошириш курслари ва семинарлар ташкил этишда бевосита иштирок этган. Китобда таъкидланишича, унинг ўтказган дарс ва маърузалари авлодлар орасидаги боғловчи кўприк вазифасини ўтади. У Х. Сулаймонова ва М. Восіқовадан мерос қолган анъаналарни ёш ҳуқуқшунослар онгига сингдиришга ҳаракат қилган...

Муҳитдинованинг ижтимоий адолатга бўлган садоқати унинг суд жараёнларидаги ёндашувида, жумладан, кам таъминланган фуқаролар ва ижтимоий заиф қатламларга нисбатан кўрсатган эътиборида яққол намоён бўлади. Унинг қарорлари кўпинча ижтимоий шароитларни, иқтисодий тенгсизликни ва ҳуқуқий саводсизлик муаммосини инобатга олган ҳолда чиқарилган.

Замонавий техника ва ахборот технологияларининг суд жараёнларига татбиқи масаласида ҳам Ҳ. Муҳитдинова прогрессив позицияни эгаллаб, электрон суд тизимларига ўтишни, ишлар базасини рақамлаштиришни фаол қўллаб-қувватлаган. Бу жиҳат уни нафақат анъанавий қадриятлар соҳиби, балки замонавий ва инновацион судья сифатида ҳам тавсифлайди.

Китобнинг энг диққатга сазовор ва долзарб жиҳатларидан бири — гендер масаласига алоҳида ўрин берилганидир. Учала қаҳрамон — Хадича Сулаймонова, Мамлакат Восіқова ҳамда Ҳалима Муҳитдинова — аёл судьялардир ва уларнинг давлатга хизмат йўли нафақат ҳуқуқий, балки ижтимоий юксалиш намунасини ҳам акс эттиради.

Тарихан жамиятда аёлларнинг оммавий равишда суд ва ҳуқуқ тизимида юқори лавозимларни эгаллаши нисбатан янги ҳодиса. Совет даврида аёлларни расмий тенглаштириш сиёсати амалга оширилган бўлса-да, чинакам тенглик ва амалий имкониятлар масаласи доим мураккаб бўлиб қолган. Шундай бўлса-да, мазкур учала судья ўз даври ва жамиятдаги чекловларни енгиб ўтишга муваффақ бўлдилар.

Асарда аёл судьяларнинг фаолияти орқали суд тизимидаги тенглик ва инклюзивлик тамойиллари қандай қарор топгани кўрсатилади. Бу орқали ўқувчи жамиятдаги ижтимоий ўзгаришларни суд тизими призмасидан кузатиши мумкин. Шу маънода, китоб гендер тадқиқотлари нуқтаи назаридан ҳам муҳим манба ҳисобланади.

Халқаро тажрибага мурожаат қиладиган бўлсак, БМТнинг аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисидаги конвенцияси давлатларга суд органларида гендер тенглигини таъминлашни мажбурий қилиб қўяди. Ўзбекистон ушбу конвенцияга 1995 йилда қўшилган. Мазкур уч судья тимсоли ушбу халқаро мажбуриятни амалда рўёбга чиқаришнинг аниқ мисоли сифатида ҳам талқин қилиниши мумкин.

Асарнинг илмий салоҳиятини белгилайдиган муҳим жиҳатлардан бири унинг манбашунослик базасининг кенглигидир. Китобда архив материаллари, фотосуратлар, суд қарорлари, илмий мақолалар, матбуотдаги нашрлар, интервьюлар ва замондошлар хотиралари кенг қўлланилган. Бу эса уни оддий биографик тўпلامдан кўра кенг қамровли тарихий-ҳуқуқий тадқиқот даражасига олиб чиқади.

Архив материалларидан фойдаланиш, хусусан, совет даври ҳужжатлари билан ишлаш жиддий методологик маҳоратни талаб этади. Ушбу манбалардаги мафкуравий ва сиёсий қарашлардан холис, объектив тарихий ҳақиқатни ажратиш олиш осон эмас. Шу маънода, асар муаллифлари мураккаб тарихшунослик вазифасини муваффақиятли бажарганлар.

Замондошлар хотиралари ва интервьюлардан фойдаланиш китобга ўзига хос ҳаётийлик ва инсонийлик бахш этади. Бу жанрда маълумотлар расмий ҳужжатлардан кўра кўпроқ

нозик, шахсий ва ҳиссий бўлади. Суд зали, маслаҳатлашув хонаси ва қарор қабул қилиш лаҳзаларини қайта тиклашда айнан шундай инсоний тажрибалар энг ишончли манба ҳисобланади.

Китобдаги таҳлилий услуб ҳуқуқшунослик, тарих ва биография жанрлари синтезини намоён этади. Ҳар бир судьянинг фаолияти аввал тарихий контекстда жойлаштирилади, сўнгра касбий фаолият ва суд амалиёти таҳлил қилинади, ниҳоят шахсий ва инсоний жиҳатлар ёритилади. Ушбу уч қатламли методологик ёндашув асарни ўзига хос ва ёрқин қилади.

Асарнинг алоҳида аҳамиятли жиҳати — судьялик касбининг ахлоқий талабларига кенг ва чуқур ўрин берилганидир. Замоनावий халқаро стандартлар, жумладан БМТнинг "Судьялар мустақиллиги тўғрисидаги асосий тамойиллари" (1985) ва "Бангалор судьялик ҳулқ-атвори тамойиллари" (2002) судьядан нафақат ҳуқуқий билим, балки юксак ахлоқий сифатларни ҳам тақозо этади. Китоб айнан ана шу ахлоқий талабларни уч қаҳрамон тимсолида жонли равишда тасвирлаб беради.

Судьянинг виждонли бўлиши — бу мавҳум идеал эмас, балки ҳар бир муайян иш бўйича қарор чиқаришда намоён бўладиган амалий ҳислат. Китобда тавсиф этилган учала судья ҳам мансаб ҳамда шахсий манфаатлар устидан қонун ва адолатни қўйишга интиланган. Бу интилиш баъзан оғир синовлар, босимлар ва қийинчиликлар орқали ўтган бўлса-да, уч судья ўзларининг принципларидан оғишмаганлар.

Судьянинг мустақиллиги — яна бир муҳим мавзу. Суд мустақиллиги ҳуқуқий тизим ишончилигининг пойдевори. У ижроия ҳокимиятнинг, иқтисодий кучларнинг, оммавий фикрнинг ва ҳатто жамиятдаги устун мафқуранинг таъсиридан ҳоли бўлишни англатади. Уч судьянинг фаолиятини таҳлил қилиш орқали китоб ушбу мустақилликни таъминлашнинг амалий йўлларини кўрсатади.

Жамоат олдигаги масъулият мавзуси ҳам китобда кенг ёритилган. Судья, бир томондан, қонунга бўйсунди, иккинчи томондан — жамиятга хизмат қилади. Ушбу икки мажбуриятни мувозанатли ушлаш санъати уч судья фаолиятининг асосий лейтмотивини ташкил этади.

Китобнинг яна бир муҳим хизмати — миллий ҳуқуқий меросни тизимлаштириш ва кейинги авлодларга етказишдир. Ҳар бир халқнинг ўзига хос ҳуқуқий анъаналари мавжуд бўлади. Ўзбекистонда бу анъаналар ислом ҳуқуқи (фикҳ), рус-совет ҳуқуқий мактаби ва миллий урф-одатлар синтезидан иборат. Мазкур мураккаб мерос замоनावий ҳуқуқий тизимга интеграция бўлиши учун уни тушуниш, тизимлаштириш ва янги шарт-шароитларга мослаштириш зарур.

Китобдаги уч судья ана шу синтез жараёнининг тирик гувоҳлари ва иштирокчиларидир. Улар совет ҳуқуқий меросини миллий анъаналар билан уйғунлаштириш, халқаро стандартларни миллий ҳуқуқ системасига татбиқ этиш каби мураккаб вазифаларни амалга оширганлар.

Шу маънода, китоб нафақат тарихий хотира, балки методологик қўлланма сифатида ҳам қиммат касб этади. Ёш юристлар ва судьялар учун ушбу асар миллий ҳуқуқий мактаб анъаналарини ўрганиш, улардан ибрат олиш ва уларни янги шарт-шароитларда давом эттириш учун мўл-кўл озик беради.

Асарнинг ижобий жиҳатларини батафсил кўриб чиқадиган бўлсак, қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

биринчидан, китобда шахс ва ҳуқуқий тизим ўртасидаги ўзаро таъсир чуқур таҳлил қилинган. Судья шахсиятининг ҳуқуқни қўллаш амалиётига таъсири илмий асосланган;

иккинчидан, тарихий изчиллик ва даврийлик аниқ сақланган. Совет даври, мустақилликнинг илк йиллари ва замоनावий давр — уч алоҳида босқични уч судья тимсолида ёритиш гоёси жуда ўринли;

учинчидан, китобнинг публицистик услуби уни кенг китобхонлар оммаси учун тушунарли қилади;

тўртинчидан, кўп тилли формат уни халқаро ҳуқуқшунослик муҳитига интеграция қилиш имконини беради;

бешинчидан, китобда судьялик касбининг ахлоқий ва профессионал стандартлари батафсил ёритилган;

олтинчидан, китобда гендер тенглиги масаласи аёл судьялар карьераси мисолида таъсирли тарзда акс эттирилган.

Китобни ўқир эканмиз, уни кенгроқ халқаро контекстда жойлаштириш зарурати туғилади. Ҳуқуқий давлат қуриш жараёнида собиқ социалистик давлатлар ҳам ўзига хос тажрибалар орттирди. Ўзбекистонни ана шу давлатлар амалиёти билан таққослаш миллий тажрибанинг ўзига хос жиҳатларини янада яққолроқ кўрсатар эди.

Шунингдек, Осиё давлатлари орасида Япония, Жанубий Корея, Ҳиндистон каби мамлакатларда суд мустақиллигининг ривожланиш тарихи ҳам диққатга сазовор. Ушбу глобал контекстда Ўзбекистоннинг уч судьяси тимсолида тасвирланган тажриба ноёб ҳодиса сифатида намоён бўлади. Советдан мустақилликка ўтиш, миллий қадриятларни ҳуқуқий модернизация билан уйғунлаштириш Ўзбекистон суд тарихига алоҳида хусусиятлар бахш этади.

Умуман олганда, мазкур китоб Ўзбекистонда судьялик институти тарихи, унинг қадриятлари ва инсон ҳуқуқларини таъминлашдаги ўрнини чуқур англаш имконини берадиган ноёб асардир. У нафақат ҳуқуқшунослар ва тадқиқотчилар, балки талабалар ҳамда фуқаролик жамияти вакиллари учун ҳам муҳим манба ҳисобланади.

Асарнинг асосий хизмати — миллий ҳуқуқий меросни тизимлаштириш ва судьялик касбининг ахлоқий мезонларини белгилашдан иборат. Уч судьянинг тимсоли орқали ўқувчи суд тарихини фақат сана ва фактлар мажмуи сифатида эмас, балки тирик жараён сифатида қабул қилади.

Хадича Сулаймонова, Мамлакат Восиқова ва Ҳалима Мухитдинова — бу учала шахс ўзбек судьялик тарихининг учта ёрқин юлдузидир. Улар турли даврларда фаолият юрита туриб, битта умумий мақсадга — адолат, ҳуқуқ устуворлиги ва инсон қадрини ғимоя қилишга садоқатлари билан ўчмас из қолдирдилар.

Асар нафақат ўтмиш тажрибасини ёритади, балки келажак судьялари учун маънавий йўл харитаси вазифасини ҳам бажаради. Адолат — бу мустақил суд тизими орқали амалга ошадиган абстракт идеал эмас, балки ҳар бир судьянинг ҳар бир қарорида зоҳир бўладиган тирик воқелиқдир. Асар ушбу ҳақиқатни ўқувчи онгига сингдириш вазифасини муваффақиятли равишда амалга оширади.

Акмал САИДОВ,
академик.

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ: ҚОНУНЧИЛИК, АМАЛИЁТ, МУАММО ВА ЕЧИМ

АННОТАЦИЯ: мазкур мақолада йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари таҳлил қилинган. Тадқиқотда БМТ, ЖССТ, UNECE ва бошқа халқаро институтлар томонидан шакллантирилган замонавий ёндашувлар, хусусан “Хавфсиз тизим” (Safe System) концепцияси, 2021–2030 йилларга мўлжалланган Глобал ҳаракатлар режаси, йўл ҳаракати хавфсизлиги аудити, CAdaS маълумотлар стандарти, iRAP баҳолаш мезонлари ва интеллектуал транспорт тизимларининг ҳуқуқий аҳамияти ёритилган.

Калит сўзлар: йўл ҳаракати хавфсизлиги, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, қонунчиликни такомиллаштириш, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, Safe System, йўл ҳаракати хавфсизлиги аудити, CAdaS, iRAP, жарима баллари тизими, йўл безорилиги, тезликни бошқариш, интеллектуал транспорт тизимлари.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг базавий статистикасига кўра, сайёрамиз йўлларида ҳар йили ўртача 1,19 миллион нафар инсон ҳалок бўлмоқда¹. Шу билан бирга, Халқаро транспорт форумининг (ITF OYECD) 2024 йил яқунлари бўйича эълон қилган энг сўнгги ҳисоботида ривожланган давлатларда ўлим кўрсаткичларининг яна ўртача 2 фоизга пасайиш (барқарорлашиш) тенденцияси қайд этилди². Мазкур глобал статистикада кузатилаётган ушбу ижобий динамика, энг аввало, илғор давлатлар томонидан йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги халқаро ҳуқуқий нормалар ва стандартларнинг (хусусан, виктимологик ҳимоя ва жазони табақалаштириш механизмларининг) ўз вақтида миллий қонунчиликка имплементация қилинганлиги натижасидир. БМТнинг Европа Иқтисодий Комиссияси (UNECE) ва ЮНИСЕФ халқаро экспертлари иштирокида 2024 йилда тайёрланган “Ўзбекистонда йўл ҳаракати хавфсизлиги фаолиятининг шарҳи” (Road Safety Performance Review - RSPR) натижалари миллий қонунчилигимизни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини халқаро стандартлар, хусусан “Хавфсиз тизим” (Safe System) парадигмаси асосида тубдан қайта кўриб чиқиш зарурлигини кўрсатди³. Мазкур тадқиқотнинг асосий мақсади – йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича БМТ, ЖССТ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган глобал дастурлар, конвенциялар ва стандартларни чуқур илмий-академик таҳлил қилиш, 2024-2025 йилларда янги Ўзбекистонда амалга оширилган қонунчилик ислохотларини баҳолаш ҳамда соҳани янада такомиллаштиришга қаратилган илмий асосланган, аниқ ва истиқболли таклифларни ишлаб чиқишдан иборатдир. Сўнгги ўн йилликда жаҳон

ҳамжамияти йўл ҳаракати хавфсизлигини Барқарор ривожланиш мақсадларининг (BRM) ажралмас қисми сифатида тан олди. Йўл-транспорт ҳодисалари оқибатидаги йўқотишларни камайтириш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 2020 йил сентябрь ойида 74/299-сонли “Глобал йўл ҳаракати хавфсизлигини яхшилаш” резолюцияси қабул қилинди². Ушбу тарихий ҳужжат билан 2021-2030 йиллар “Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича Иккинчи ҳаракатлар ўн йиллиги” деб эълон қилинди². Резолюциянинг энг асосий ва амбицияли мақсади – 2030 йилга қадар дунё бўйлаб йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида ҳалок бўлганлар ва оғир тан жароҳати олганлар сонини камида 50 фоизга қисқартиришдан иборатдир. Мазкур мақсад Барқарор ривожланиш мақсадларининг 3.6-бандига тўғри келади³.

Ушбу резолюция доирасида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) ва БМТнинг Минтақавий комиссиялари томонидан ҳамкорликда “2021-2030 йилларга мўлжалланган йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича ҳаракатлар ўн йиллигининг Глобал режаси” (Global Plan for the Decade of Action for Road Safety 2021-2030) ишлаб чиқилди ва 2021 йил октябрь ойида расман эълон қилинди⁴. Глобал режа ўзида Стокгоlm декларацияси тамойилларини мужассамлаштирган бўлиб, йўл ҳаракати хавфсизлигига яхлит (holistic) ёндашувни тарғиб қилади. Глобал режа доирасида аъзо давлатлар томонидан эришилиши лозим бўлган 12 та ихтиёрий мақсадли кўрсаткичлар (Global Road Safety Performance Targets) белгиланган бўлиб, улар 5 та асосий устун (pillar) атрофида бирлаштирилган. Ушбу кўрсаткичлар миллий ҳужжатлар учун индикатор вазифасини ўтайди.

Мақсад рақами ва муддати	Глобал кўрсаткичнинг қисқача мазмуни (ЖССТ ҳужжатлари асосида)	Алоқадорлик устун (Pillar)
Мақсад 1 (2020)	Барча мамлакатларда аниқ муддатли мақсадларни ўз ичига олган кўп тармоқли миллий ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш.	Йўл ҳаракати хавфсизлигини бошқариш
Мақсад 2 (2030)	Барча мамлакатларнинг БМТнинг йўл ҳаракати хавфсизлигига оид асосий конвенцияларига қўшилиши.	Йўл ҳаракати хавфсизлигини бошқариш
Мақсад 3 (2030)	Барча янги қуриладиган йўллар хавфсизлик стандартларига ёки камида “3 юлдузли” (3-star rating) баҳолаш мезонига жавоб бериши.	Хавфсиз йўллар ва ҳаракатланиш

Мақсад 4 (2030)	Мавжуд йўллардаги ҳаракатнинг 75 фоиздан ортиғи хавфсизлик бўйича техник стандартларга жавоб берадиган йўлларда амалга оширилиши.	Хавфсиз йўллар ва ҳаракатланиш
Мақсад 5 (2030)	Ишлаб чиқариладиган, сотиладиган ёки импорт қилинадиган барча янги ва эски транспорт воситаларининг юқори сифатли хавфсизлик стандартларига мос келиши.	Хавфсиз транспорт воситалари
Мақсад 6 (2030)	Белгиланган тезлик меъёридан ошиб ҳаракатланадиган транспорт воситалари улушини тенг ярмига қисқартириш.	Хавфсиз йўл ҳаракати иштирокчилари
Мақсад 7 (2030)	Мотоциклчилар томонидан стандарт шлемлардан тўғри фойдаланиш кўрсаткичини 100 фоизга яқинлаштириш.	Хавфсиз йўл ҳаракати иштирокчилари
Мақсад 8 (2030)	Автомобил ичидаги барча йўловчиларнинг хавфсизлик камарлари ва болаларни ушлаб турувчи тизимлардан фойдаланиш даражасини 100 фоизга етказиш.	Хавфсиз йўл ҳаракати иштирокчилари
Мақсад 9 (2030)	Алкогол ва психотроп моддалар таъсирида транспорт бошқариш оқибатидаги ЙТХларни тенг ярмига камайтириш.	Хавфсиз йўл ҳаракати иштирокчилари
Мақсад 10 (2030)	Барча мамлакатларда рўлда телефондан фойдаланишни тақиқловчи миллий қонунчиликнинг мавжудлиги.	Хавфсиз йўл ҳаракати иштирокчилари
Мақсад 11 (2030)	Профессионал ҳайдовчиларнинг меҳнат ва дам олиш режимларини тартибга солувчи қоидаларни жорий этиш.	Хавфсиз йўл ҳаракати иштирокчилари
Мақсад 12 (2030)	Авария содир бўлган вақт ва биринчи профессионал тиббий ёрдам кўрсатиш орасидаги вақт интервалини минималлаштириш.	ЙТХдан кейинги чоралар

Юқорида таҳлил қилинган халқаро стандартлар, БМТ Глобал режаси ҳамда мавжуд криминологик муаммолар асосида Янги Ўзбекистонда йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини янада такомиллаштириш бўйича қуйидаги илмий-амалий ва истиқболли таклифлар илгари сурилади:

Биринчи таклиф: миллий лойиҳалаш стандартларини (ShNK va GOST) “iRAP” ва “Хавфсиз тизим” мезонлари асосида тубдан қайта ишлаш давр талабига айланмоқда.

(Мазкур муаммонинг моҳияти шундаки, амалдаги лойиҳалаш нормалари фақат ўтказувчанликка йўналтирилган ва инсон хатосини кечирмайдиган инфратузилмани шакллантирмоқда. БМТ Глобал мақсадларининг 3 ва 4-бандлари ҳамда Халқаро йўлларни баҳолаш дастури (iRAP)га кўра, йўллар барча фойдаланувчилар учун камида “Уч юлдузли” (3-star rating) бўлиши шарт. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда Транспорт вазирлигининг тегишли қарорлари билан амалдаги ШНК (Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари) га концептуал ўзгартиришлар киритиш лозим. Унга кўра, лойиҳаланаётган барча янги ва реконструкция қилинаётган йўллар мажбурий тартибда iRAP методологияси бўйича камида “3 юлдузли” стандартга жавоб бериши қонун билан мустаҳкамланиши керак. Ушбу стандарт аҳоли пунктларидан ўтувчи йўлларда тезликни пасайтирувчи сунъий нотекисликлар (speed bumps, rumble strips), мажбурий пиёдалар йўлаклари ва қарама-қарши йўналишларни ажратувчи физик тўсиқлар лойиҳаланишини императив (қатъий мажбурий) талабга айлантиради.)

Иккинчи таклиф: “Йўл ҳаракати хавфсизлиги аудити” институтини қонун даражасида мустаҳкамлаш ва мажбурийлигини таъминлаш зарур.

(Мазкур муаммонинг моҳияти шундаки, йўллар қуриб битказилгандан сўнг улардаги камчиликларни бартараф этиш қимматга тушади ва кўплаб ЙТХларга сабаб бўлади. Европа Иттифоқининг 2008/96/ЭС ва унга ўзгартириш киритувчи 2019/1936-сонли Директивалари ҳар бир йўл

қурилиши лойиҳаси учун Хавфсизликка таъсирни баҳолаш (РСИА) ва Хавфсизлик аудитини (РСА) мажбурий қилиб қўйган. Ўзбекистон Республикасининг “Автомобил йўллари тўғрисида”ги ва “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонунларига мустақил “Йўл ҳаракати хавфсизлиги аудити” (ЙҲХА) тушунчасини киритиш таклиф этилади. Қонунчиликда ушбу аудитни тўрт босқичда ўтказиш мажбурийати белгиланиши лозим: 1) Техник-иқтисодий асослаш ва дастлабки лойиҳалаш босқичида; 2) Лойиҳани яқунлаш босқичида; 3) Қурилиш жараёнида (вақтинчалик йўл белгилари устидан назорат); 4) Йўл фойдаланишга топширилгандан сўнг 6 ой ўтгач ушбу аудитни пудратчига алоқаси бўлмаган, Ички ишлар вазирлиги ва Транспорт вазирлиги томонидан аккредитациядан ўтган мустақил экспертлар ўтказиши ва уларнинг ҳулосасисиз йўл фойдаланишга қабул қилинмаслиги юридик жиҳатдан мустаҳкамланиши зарур.)

Учинчи таклиф: тезликни бошқаришнинг (Speed Management) ҳуқуқий асосларини Европа стандартларига мослаштириш ва ваколатларни децентрализация қилиш. (Мазкур муаммонинг моҳияти шундаки, аҳоли пунктларида 60 км/соат тезликнинг сақланиб қолиши пиёдалар учун ўта хавфлидир. ЖССТнинг Глобал режаси ва БМТнинг 1968 йилги Йўл ҳаракати тўғрисидаги конвенцияси тавсиялари аҳоли пунктларида базавий тезликни 50 км/соат қилиб белгилашни талаб қилади. Ўзбекистон Республикаси Хукумати қарори билан тасдиқланган “Йўл ҳаракати қоидалари”га ўзгартириш киритиб, барча аҳоли пунктлари ва шаҳарларда транспорт воситаларининг максимал ҳаракатланиш тезлигини 50 км/соат (мактаб ва боғчалар олдида эса 30 км/соат) қилиб қатъий белгилаш лозим. Бундан ташқари, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунга ва бошқа тегишли ҳужжатларга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига муайян кўчалар, турар-жой даҳалари ва хавфли участкаларда тезликни умумий нормадан ҳам пастроқ даражага тушириш бўйича тўғридан-тўғри юридик ваколат



(legal authority) бериш мақсадга мувофиқдир. Бу тезликни локал даражада оператив бошқариш имконини беради.

Тўртинчи таклиф: "CADAѕ" стандарти асосида идоралараро ягона ГИС-рақамли маълумотлар базасини яратиш.

(Мазкур муаммонинг моҳияти шундаки ИТХлар бўйича ИИБ, ССВ ва суурта ташкилотлари маълумотларининг тарқоқлиги ва халқаро стандартларга мос эмаслиги таҳлилларни қийинлаштирмоқда. CADAѕ (Common Accident Data Set) – Европада кенг қўлланиладиган, ИТХ жойидан 70 дан ортиқ параметрларни (йўл ҳолати, об-ҳаво, автомобил русуми, инсон ҳолати) йиғиш имконини берувчи тизимдир. Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори билан ИТХларни ҳисобга олишининг ягона миллий тартибини тасдиқлаш ва уни CADAѕ стандарти асосида шакллантириш лозим. Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва суурта компаниялари маълумотлар базаларини ягона блокчейн ёки ГИС (Геоахборот тизими) платформасига мажбурий интеграция қилиш бўйича қонуний талаб ўрнатилиши керак. Бу тизим муайян авария ўчоқларини (blackspots) автоматик аниқлаш ва ўша ҳудудга инфратузилмавий ресурсларни йўналтириш учун аниқ криминологик харита яратиш имконини беради.

Бешинчи таклиф: болалар ва йўловчиларнинг пасив хавфсизлигини таъминлашга оид қонунчиликни кучайтириш.

(Мазкур муаммонинг моҳияти шундаки, орқа ўриндикда хавфсизлик камарини тақмаслик ва автокреслолардан фойдаланмаслик ўлим кўрсаткичларини оширмоқда. БМТ Глобал мақсадларининг 8-бандига кўра, автомобил ичидаги барча йўловчилар камар тақиши ва болалар ушлаб турувчи қурилмада бўлиши 100% таъминланиши шарт. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаларига (хавфсизлик камаридан фойдаланиш қоидаларини бузиш) ўзгартириш киритиш ва жавобгарликни нафақат олдинги, балки орқа ўриндикдаги йўловчилар учун ҳам хавфсизлик камарини тақиш мажбурийати бажарилмаганда татбиқ этиш лозим. Шунингдек, йўл ҳаракати қоидаларига 12 ёшгача ёки бўйи 150 см дан паст бўлган болаларни ташишда уларнинг вазни ва бўйига мос келувчи сертификатланган болаларни ушлаб турувчи тизимлардан (автокреслолардан) фойдаланишни қатъий мажбурий қилиб белгиловчи нормани киритиш ва бу талабни бузганлик учун алоҳида, кескинлаштирилган маъмурий жарима белгилаш талаб этилади.

Олтинчи таклиф: интеллектуал транспорт тизимларини (ITS) ривожлантириш ва жарима балларини автоматлаштириш.

(Мазкур муаммонинг моҳияти шундаки, 2025 йилда киритилган жарима баллари тизими ва "йўл безорилиги" тушунчаси инсон омили (ИПХ ходими) га боғланиб қолса, коррупцион хавфлар келиб чиқиши мумкин. Интеллектуал транспорт тизимлари (ITS) ва сунъий интеллектдан кенг фойдаланиш орқали жазонинг муқаррарлиги таъминланади. Республиканинг барча йирик шаҳарлари ва магистрал йўлларида замонавий ITS тизимларини ва трафикни бошқариш марказларини жорий этишни тезлаштириш лозим. Бунда камералар ва радарларни нафақат тезликни, балки "йўл безорилигини" (агрессив бошқариш, шайша,

дрифт), хавфсизлик камарини тақмаслик ва телефондан фойдаланишни аниқлашга мослаштириш зарур. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга махсус автоматлаштирилган камералар орқали аниқланган қоидабузарликлар бўйича шахсни юзни таниш (Face ID) технологиялари орқали идентификация қилиб, жарима балларини бевосита ҳайдовчининг шахсий электрон профилига автоматик ҳисоблашининг процессуал тартибини киритиш мақсадга мувофиқдир.

Еттинчи таклиф: тижорат транспортида хавфсизлик ва меҳнат режимини тартибга солувчи халқаро Конвенцияларни (AETR, ADR) имплементация қилиш.

(Мазкур муаммонинг моҳияти шундаки, юк ва йўловчи ташувчи тижорат транспортлари иштирокидаги авариялар ҳайдовчилар чарчоғи сабабли оғир оқибатларга олиб келмоқда. Аммо Маъмурий кодексдаги санкциялар етарли эмас. БМТнинг 1970 йилги АЕТР ва 1957 йилги АДР конвенциялари, тахографлар бўлишини ва хавфли юкларни ташиш стандартларини қатъий белгилайди. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 125-моддасида назарда тутилган тахографлар (ҳайдовчининг иш ва дам олиш режимини назорат қилувчи ускуна) ўрнатилмаганлиги ёки ўчирилганлиги учун жавобгарликни (ҳозирда тахминан 80 АҚШ доллари миқдорида жарима) кескин ошириш лозим. Энг муҳими, ушбу ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик фақатгина ёлланма ҳайдовчига эмас, балки меҳнат режимини бузишга мажбур қилган ёки тахограф ўрнатмаган юридик шахсга (корхона ёки автобаза раҳбарига) нисбатан ҳам солидар татбиқ этилиши бўйича кодексга тегишли қўшимчалар киритиш зарур. Бу тижорат транспорти фаолиятида хавфсизлик маданиятини оширади.

Зафар ҚУВОНДИҚОВ,

Ички ишлар вазирлиги Тошкент минтақавий ўқув маркази
"Ҳуқуқий фанлар" цикли бошлиғи, капитан.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ). Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича глобал ҳолат тўғрисидаги ҳисобот 2023 (Global status report on road safety 2023). – Женева: ЖССТ, 2023. – Б. 12-15. URL: <https://www.who.int/publications/i/item/9789240086519>
2. Халқаро транспорт форуми (ITF OECD). Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича 2024 йилги йиллик ҳисобот (Road Safety Annual Report 2024). – Париж: OECD Publishing, 2024. – Б. 9-11. URL: <https://www.itf-oecd.org/sites/default/files/docs/irtad-road-safety-annual-report-2024.pdf>
3. Road Safety Performance Review – Uzbekistan // <https://unece.org/transport/publications/road-safety-performance-review-uzbekistan>
4. БМТ Бош Ассамблеясининг 2020 йил 31 августдаги 74/299-сонли "Глобал йўл ҳаракати хавфсизлигини ошириш" резолюцияси (Resolution A/RES/74/299. Improving global road safety) // БМТнинг расмий хужжатлар тизими. URL: <https://undocs.org/ru/A/RES/74/299>
5. Road Safety | Naciones Unidas - the United Nations // <https://www.un.org/es/node/98338>
6. БМТ Бош Ассамблеясининг 2020 йил 31 августдаги 74/299-сонли "Глобал йўл ҳаракати хавфсизлигини ошириш" резолюцияси. 2-банд (Декларация мақсади) // БМТнинг расмий хужжатлар тизими.
7. Ушбу резолюция доирасида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) ва БМТнинг Минтақавий комиссиялари томонидан ҳамкорликда "2021-2030 йилларга мўлжалланган йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича ҳаракатлар ўн йиллигининг Глобал режаси" (Global Plan for the Decade of Action for Road Safety 2021-2030) ишлаб чиқилди ва 2021 йил октябрь ойида расман эълон қилинди.
8. Road Safety | Naciones Unidas - the United Nations // <https://www.un.org/es/node/98338>

ҲИМОЯ ҲУҚУҚИ ИНСТИТУТИ: ТАҲЛИЛ, ТАКЛИФ

Жиноят-процессуал қонунчилигимизда гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини ҳимояла- ниш ҳуқуқи билан таъминлаш масаласи алоҳида принцип сифатида мустақамланган бўлиб, унга кўра суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд зиммасига гумон қилинувчи, айбланувчи ва судла- нувчига ҳуқуқларини тушунтириб бериш ҳамда унга қўйилган айбловдан ҳимояланиш учун қонунда назарда тутилган барча восита ва усуллардан фойдаланишда ҳақиқий имкониятга эга бўлишига қаратилган чора-тадбирлар кўриш мажбуриятини юклайди.

Ҳимояланишга бўлган ҳуқуқнинг аҳамияти шу даражада муҳимки, у гумон қилинувчи барча ҳуқуқларининг асоси бўлиб хизмат қилади¹. Бу ҳуқуқ ўз навбатида гумон қилинувчининг икки муҳим ҳуқуқини ўзида акс эттиради: ҳимоячи ёрдамидан фойда- ланиш ва кўрсатув, тушунтиришлар бериш. Шунинг учун, нафақат ЖПКнинг 51-моддасида назарда тутилган ҳимоячи иштирок этиши шарт бўлган тўққизта ҳолатда, балки жиноят ишларини юриштишда айрим тергов ҳаракатларини ҳимоячининг иштирокисиз ўтказишни чекловчи нормалар билан тўлдиришни таклиф қилувчи олим²лар ҳам мавжуд. Сабаби, сўроқ тергов ҳаракати натижаси учун жуда муҳим бўлиб, унда тергов учун муҳим кўрсатувлар олиниши бар- чага маълум. Яна бир олимнинг фикрига кўра, шахс ушланганда биринчи сўроққа қадар адвокат билан маслаҳатлашиши зарур³. Ҳимоячи билан маслаҳатлашмаслик ёки унинг иштирокисиз сўроқ бериш тергов ҳаракатида гумон қилинувчининг ўзига қарши кўр- сатув беришига олиб келиши мумкин. Бир қатор хорижий мамла- катларда, жумладан Украина жиноят-процессуал қонунчилигида гумон қилинувчининг биринчи сўроқ ўтказилгунга қадар ҳимоячи билан ёлғиз учрашиш ҳуқуқи кафолатланган⁴. Шулардан келиб чиқиб, гумон қилинувчи биринчи марта сўроқ қилинишидан олдин ҳимоячи билан улар ўртасида ўзаро суҳбат бўлиб ўтишини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз.

Ишда ҳимоячилар сифатида адвокатлар иштирок этадилар. Ҳимояга бўлган ҳуқуқни таъминлашнинг яна бир жиҳати шундан иборатки, ҳимоя остидаги шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфа- атларини фаол ҳимоя қилиш учун ҳимоячи ҳам бир қатор муҳим ҳуқуқлар билан таъминланади⁵. Амалдаги қонунчилигимиз гумон қилинувчининг у ушланган ёки гумон қилинувчи деб эътироф этил- ганлиги тўғрисидаги қарор унга маълум қилинган пайтдан бошлаб ҳимоячига эга бўлиш ҳамда учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда у билан холи учрашиш ҳуқуқини кафолат- лайди. Ҳимоячи гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчилар- нинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини қонунда белгилан- ган тартибда ҳимоя қилишни амалга ошириш ҳамда уларга зарур юридик ёрдам кўрсатиш ваколатига эга бўлган шахсдир. Ҳимоя- чининг ишда иштирок этишига жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганида эса унинг ҳаракатланиш эркинлигига бўлган ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан бошлаб рухсат этилади. Ҳаттоки гумон қилинувчининг яқин қариндошлари адвокат билан бир қаторда ҳимоячи сифатида иштирок этишига гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг илтимосномаси бўйича суриштирувчи ёхуд терговчининг қарори ёки суд ажримига биноан йўл қўйилиши мумкин.

Ҳимоячи гумон қилинувчининг илтимоси ёки розилиги билан бошқа шахслар томонидан таклиф этилади. Гумон қилинувчининг илтимосига кўра суриштирувчи, терговчи, прокурор ишда ҳимоя- чининг иштирок этишини таъминлайди. Танланган ҳимоячининг йигирма тўрт соат ичида ишда иштирок этишга киришишга имко- нияти бўлмаган ҳолларда, суриштирувчи, терговчи ёки прокурор

гумон қилинувчига ёхуд уларнинг қариндошларига бошқа ҳимоя- чини таклиф этишни ёки ҳимоячи тайинлашни сўраб Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси томонидан белгиланадиган адвокатлик тузилмаларига мурожаат қилишни тавсия этади. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судла- нувчи танлаган ҳимоячи исталган вақтда ишда иштирок этишга киришишга ҳақлидир. Бу нормалар мазмунидан келиб чиқадики, агар гумон қилинувчи ўзи ёки бошқа яқинлари орқали ҳимоя- чининг иштирокини таъминлай олмаса, унинг илтимосига кўра тергов органлари томонидан ишда ҳимоячининг иштирок этиши таъминланади. Суриштирувчи ёки терговчи гумон қилинувчининг адвокатни танлаш жараёнига аралашмаслиги керак. Уларнинг ва- зифаси шахснинг ҳақиқатда ҳимояланиши учун шароит яратиб бериш ҳисобланади. Бироқ, давлат томонидан тақдим этилган ад- вокатларни танлашнинг очиқ-ошқора тартиби йўқлиги боис айрим терговчилар ёки суриштирувчилар ўзларига таниш адвокатларни чаққиб, гумон қилинувчи ёки айбланувчиларга таъсир ўтказиш ҳоллари учраб туради. Тергов органларига ҳудудлар кесимида на- вбатчи адвокатлар рўйхати тақдим этилган бўлиб, айнан рўйхатдаги навбатчи адвокатлар билан боғланиш чоралари кўрилиши керак. Афсуски, мазкур рўйхатда кўрсатилган адвокатларнинг барчаси ҳам ҳимояланиши керак бўлган гумон қилинувчи манфаати учун ишлашга шошилавермайди. Бунга эса кўпинча давлат томонидан ажратиладиган маблағнинг етарли эмаслиги ёки адвокатнинг иши кўплиги сабаб қилиб кўрсатилади. Натижада иложсиз қолган гумон қилинувчига ҳимоячи терговчи томонидан таъминлаб берилади. Бу эса “чўнтак” адвокатларининг жиноят ишига кириб келишига сабаб бўлади⁶. Улар одатда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан яқин ҳамкорликда ишлайди. Бу эса гумон қилинувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқи жиддий бузилиши ҳисобланади⁷. Мазкур тоифадаги адвокатларнинг асл мақсади ҳимояси остидаги шахс манфаатла- рини ҳимоя қилиш эмас, балки суриштирувчи, терговчи, прокурор билан яқин алоқа ўрнатиб, моддий манфаатдор бўлишдир. Шунинг учун тергов жараёнида бундай адвокатлар иштирокида ўтказилган тергов ҳаракатлари натижаларини номақбул деб топиш зарур ва бу ҳолат ЖПКнинг 95¹-моддаси 1-қисми 3-банди билан асосланиши керак. Сабаби фактик маълумотлар жиноят процесси иштирокчи- сининг қонун билан кафолатланган ҳуқуқларидан маҳрум қилиш ёки бу ҳуқуқларни чеклаш йўли билан ёхуд ушбу Кодекс талаблари бузилган ҳолда олинмоқда. Терговчи, суриштирувчи ёки прокурор адвокатни тавсия этиши керак эмас. Афсуски, ҳозирги кундаги ама- лиёт суиистеъмолликларга йўл очиб бермоқда.

Амалдаги қонунчилигимизга кўра, ҳимоячи томонидан берилган маълумотларни ишга қўшиш тўғрисидаги илтимосномаларни қано- атлантириш ва далилларни тўплаш, текшириш ҳамда баҳолаш вако- латлари фақат суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд зиммасига юклатилган бўлиб, ҳимоячи ҳалигача далилларни мустақил тўплаш ҳуқуқига эга эмас. Процессуалист олимимиз таъкидлаганидек, гумон қилинувчининг ҳимоячига эга бўлиш ҳуқуқини тўла, холисона амалга

оширишининг энг самарали усулларида бири – қонунчиликда ҳимоячи янги ваколатлар берилишидир. К.Ишнйазовнинг фикрига кўра⁸, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида “адвокатлик тергов”ни қонунчиликка киритиш лозим ва адвокатга гувоҳларни сўроқ қилиш каби қўшимча ваколатлар берилиши керак ҳамда у ишда терговга қадар текширув ва жиноят ҳақида ариза ҳамда хабарлар келиб тушган вақтдан бошлаб иштирок этиши лозим. Ишни юриётган суриштирувчи, терговчи ёки прокурор гумон қилинувчини юридик ёрдам учун тўловдан батамом ёки қисман озод этишга ҳақлидир. Жиноят ишини юриштирининг барча босқичларида гумон қилинувчи ҳуқуқларини кафолатлаш учун у процесснинг дастлабки босқичлариданоқ, агар унинг ҳаракатланиш эркинлиги чекланган тақдирда ушланган вақтдан бошлаб ҳимоя ҳуқуқи билан таъминланиши лозим. Бу ҳуқуқнинг мавжудлиги гумон қилинувчининг ўзига нисбатан жиноий таъқибдан қонунда назарда тутилган барча воситалардан фойдаланган ҳолда ҳимояланиш имконини беради⁹. ЖПКнинг 87-моддаси 2-қисмига кўра ҳимоячи далилларни тўплашга ҳақли бўлиб, улар жиноят иши материалларига қўшиб қўйилиши ва ишни юриштиришга масъул шахслар томонидан мажбурий баҳоланиши лозим. Аммо, ЖПКнинг бирор нормасида тергов ва суд ҳаракатларини юриштириш ёки тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда адвокатларга ваколат берилмаган. Адвокат томонидан тақдим этилган маълумот, ҳужжат ёки нарса-буюмлар суриштирувчи, терговчи томонидан иш материалларига қўшиб қўйилгандан кейингина далилий аҳамиятга эга бўлади. Д.М.Ямбаевага кўра сўров, маълумотлар ва бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олиш, шунингдек ҳимоячи томонидан предметлар, ҳужжатлар ва бошқа маълумотларнинг қўлга киритилиши фақатгина ҳимоячининг маълумотларни қўлга киритиш усули ҳисобланади. Ваҳоланки, улар исбот қилиш субъекти томонидан процессуал соҳага киритилганидан кейингина далил бўлиб қолишлари мумкин¹⁰. Худди шунга ўхшаш фикрни Э.Норбўтаев ҳам билдириб ўтган, яъни далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш суриштирувчи, терговчи ва суднинг бевоқиф ваколат доирасини ташкил қилса, эндиликда далилларни тўплаш имконидан ҳимоячи фойдаланиши мумкинлигини, аммо мазмун ва шакл жиҳатидан ҳимоячи амалга оширадиган ҳаракатлар далилларни тўплашга доир талабга жавоб бермайди¹¹. Бу жиҳатдан қонунчилигимизни англо-саксон ҳуқуқ тизимига кирувчи мамлакатлар қонунчилиги билан солиштириб бўлмайди. Масалан, АҚШда ҳимоячининг қўлидаги ҳуқуқлари мавжуд: шахс ушланган вақтдан бошлаб ишда қатнашиш; сўроқ ўтказилгунга қадар ва тергов давомида ҳимоячи остидаги шахс билан маслаҳатлашиш; жиноят иши материаллари билан танишиш; далилларни тақдим этиш билан боғлиқ илтимосномалар қилиш¹². Юқоридаги фикрлардан хулоса қилиш мумкинки, исбот қилиш мажбурияти юклатилган субъектлар учун далиллар тўплашда етарлича ваколат берилган бўлиб, уларни ҳимоячининг ваколатлари билан солиштириб бўлмайди. Бу эса тергов органларининг жиноятларни тергов қилиш жараёнида ҳимоячи нисбатан яққол устунликка эгалигидан далолат беради. Шунинг учун гумон қилинувчи ва айбланувчиларга ҳақиқатда ишончли ҳимояни кафолатлаш учун ҳимоячининг ваколатларини кенгайтириш, унга ҳам далилларни тўплашда тергов органлари билан тенг имкониятларни тақдим этиш зарур. Бу борада Эстониядан намуна олиш мумкин. Мазкур давлат қонунчилигига кўра адвокат тергов якунида прокурорнинг айблов ҳужжатидан нусха олгандан бошлаб уч кун ичида судга ҳимоя ҳужжати, прокуратурага эса унинг нусхасини юбориш ваколатига эга.

Ҳимояланиш гумон қилинувчининг шахсан ўзи томонидан ёки унинг ҳимоячиси томонидан олиб борилиши мумкин. Бунда ҳимоя-

ни гумон қилинувчининг шахсан ўзи амалга оширишини самарали деб бўлмайди. Бу борада бир қатор процессуалист олимлар ўзларининг муносабатини билдириб ўтган. Жумладан, гумон қилинувчи ёки айбланувчининг ҳимояни шахсан ўзи амалга ошириши унинг сифатига салбий таъсир кўрсатади¹³. Жиноят-процессуал қонунчилигимизда терговчининг қарори ёки суднинг ажрими билан яқин қариндошлар, қонуний вакиллар ва бошқа шахсларнинг суриштирув ҳамда дастлабки тергов вақтида ҳам иштирок этишлари белгиланган. Бунда ҳимоя функцияси учун ахлоқий ва маънавий жавобгарликка эга бўлмаган шахсларнинг иштироки гумон қилинувчи қонуний манфаатларини етарлича кафолатлашга тўққинлик қилиши мумкинлиги айрим процессуалист олимлар томонидан танқид қилинган¹⁴. Чунки давлат айбловини профессионал ҳуқуқшунос прокурор амалга ошираётган пайтда зарур билим ва муайян касбий тажрибага эга бўлмаган шахс томонидан ҳимоя қилиниши ҳимоя билан айблов ўртасидаги тортишувчанлик принципини тўлақонли амалга оширишга хизмат қилмайди. Бизнингча ҳам ишда юридик ёрдам кўрсатиш фақат малакали адвокатлар томонидан олиб борилиши билангина гумон қилинувчининг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш мумкин.

Камолиддин МАВЛАНОВ,
ТДҲУ Жиноят-процессуал ҳуқуқи
кафедраси ўқитувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Паршин В.Н., Борзунова Н.Ю. Обеспечение права подозреваемого на защиту. Право. Безопасность. Чрезвычайные ситуации. 2015. № 1 (26). С. 57.
2. Djuraev, I. (2017) "Improvement of the rights and activities of the defender in criminal proceedings: an important direction of the reform on the basis of the Strategy of Action," Review of law sciences: Vol. 1 : Iss. 2 , Article 22. Available at: https://uzjournals.edu.uz/rev_law/vol1/iss2/22
3. Саломов Б. Ўзбекистон Республикасида адвокатлик фаолияти, унинг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси (тажриба ва муаммолар). биттадан.-Т.:2004.-Б.317.
4. <http://continent-online.com/>
5. Ветрилла Е.В. О дополнительных гарантиях обеспечения права на защиту в уголовном процессе России. Законность и правопорядок в современном обществе. 2016. № 32. С. 122.
6. <http://advokatnews.uz/xabar/1490.html>
7. Lobanova Lyubov Valentinovna, Viskov Nikolay Viktorovich. Concerning injurious-to-public violations of the defence right of a suspect (an accused). P.2. <https://cyberleninka.ru/article/n/o-nekotoryh-obschestvenno-opasnyh-proyavleniyah-narusheniya-prava-podozrevaemogo-obvinyаемого-na-zaschitu>
8. Ишнйазов К. Организационно-правовые основы участия защитника в стадии дознания и предварительного следствия. Дисс.. канд.н.юрид.. наук. Т.:2006. Б.155.
9. Jaan Ginter, Anneli Soo. The Right of the Suspect to Counsel in Pre-trial Criminal Proceedings, Its Content, and the Extent of Application. https://www.researchgate.net/publication/243972960_The_Right_of_the_Suspect_to_Counsel_in_Pre-trial_Criminal_Proceedings_Its_Content_and_the_Extent_of_Application
10. Ямбаева Д.М. Участие защитника в собирании доказательств на стадии предварительного расследования: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. –Владимир, 2008. -8
11. Жиноят процесси (Умумий қисм): Маърузалар курси/ Э.Х.Норбўтаев. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. –Б.48.
12. Базарова Дилдора Бахадировна. Право на защиту как процессуальная гарантия в уголовном процессе США. <https://tadqiqot.uz/wp-content/uploads/2017/07/3-2017-2-1.pdf>
13. Зимагин А.Ю. О необходимости права на защиту на стадии предварительного расследования// Актуальные проблемы гуманитарных естественных наук. -2011. -№3.С 255.
14. Абдусаломов Ф.М. Жиноят процессида шахсий манфаатга эга бўлган иштирокчилар ҳуқуқларининг кафолатлари. Юрид.фан... ном....дисс.Т.: 2008.-Б.54.

МЕДИАТИВ КЕЛИШУВНИ МАЖБУРИЙ ИЖРО АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ИЖРО ВАРАҚАСИ БЕРИШ ТАРТИБИ

Медиация низоларни тарафлар ўртасида ўзаро келишув асосида ҳал этишнинг замонавий ва самарали усулларида бири ҳисобланади. Ушбу институт тарафларга вақт ва маблағни тежаш, шунингдек, низони тинч йўл билан бартараф этиш имконини беради.

Шу боис, сўнги йилларда медиация механизмларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, медиация нафақат фуқаролик-ҳуқуқий, балки иқтисодий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни ҳал этишда ҳам самарали восита ҳисобланади.

2019 йил 20 мартдаги ЎРҚ-531-сонли Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 107-моддасига киритилган ўзгартиришлардан сўнг медиация тартиб-таомилини қўллаш амалиёти йўлга қўйилди. Натижада, судларга келиб тушаётган ишлар бўйича тарафлар ўртасида профессионал медиаторлар иштирокида медиатив келишувлар тузиш имконияти кенгайди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 131-моддасига кўра, тарафлар низони келишув битими ёки медиатив келишув орқали ҳал этиши мумкин. Келишув битими ёки медиатив келишув даъво тартибидаги ҳар қандай иш бўйича тузилиши мумкин. Келишув битими иқтисодий суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида ва суд ҳужжатини ижро этиш жараёнида, медиатив келишув эса биринчи инстанция судида суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага) суд ҳужжатини қабул қилиш учун чиққунига қадар тарафлар томонидан тузилиши мумкин.

Юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар илғор халқаро тажрибанинг энг яхши намуналарини ўзлаштиришга асосланган. Медиация институтининг ривожланиши натижасида 2025 йилда Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодий судлари томонидан 124 та иш медиатив келишув тузиш орқали яқунланган. Яъни, кўрилган ишларнинг 2 фоизидан тарафлар медиатив келишувга эришганлиги боис даъво кўрмасдан қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддаси биринчи қисмининг 9-бандида, агар тарафлар ўртасида медиатив келишув тузилган бўлса, ариза кўрмасдан қолдирилганда давлат божи қайтарилиши белгиланган.

2025 йил 20 октябрдаги ЎРҚ-1089-сонли қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси “Медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ишларни юритиш” тўғрисида 292-боб билан тўлдирилди.

Мазкур ўзгаришга кўра, медиатив келишув ихтиёрий равишда бажарилмаган тақдирда, манфаатдор тараф ариза билан иқтисодий судга мурожаат қилиши мумкин.

Медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза медиатив келишувни ихтиёрий ижро этиш муддати тугаган кундан эътиборан олти ойдан кечиктирмай берилиши мумкин. Мазкур муддат иқтисодий суд томонидан узрли деб топилган сабабларга кўра ўтказиб юборилган тақдирда, ўтказиб юборилган муддат тикланиши мумкин.

Мазкур тоифадаги ишлар судья томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади. Суд тарафларни суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилади. Тегишли тарзда хабардор қилинган мазкур шахсларнинг келмаганлиги ишни кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди.

Иқтисодий суд аризани суд мажлисида кўриб чиқаётганда медиатив келишувни тузишга сабаб бўлган низони мазмунан кўриб чиқишга ҳақли эмас.

Медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш қуйидаги ҳолларда рад этилиши белгиланган, яъни, медиатив келишув қонунчиликка зид бўлса, медиатив келишувнинг ижроси талаб этилаётган шартлари ўзгартирилган ёки бекор қилинган бўлса, медиатив келишувда белгиланган мажбуриятлар тўлиқ бажарилган бўлса ва медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза медиатив келишувни ихтиёрий ижро этиш муддати тугаган кундан эътиборан олти ой ўтганидан кейин берилган бўлса, бундан ўтказиб юборилган муддат суд томонидан узрли деб топилган ва тикланган ҳоллар мустасно.

Медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш рад этилган бўлса, медиатив келишувни тузган тарафлар бундай низони ҳал қилиш учун янгидан иқтисодий судга мурожаат этиши мумкин.

Иқтисодий суднинг медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ажрими дарҳол ижро этилиши лозим.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунига ҳам ўзгариш киритилиб медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризалардан базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари миқдорида давлат божи тўланиши белгиланган.

Хулоса қилиб айтганда, медиатив келишувни мажбурий ижро этиш тартибининг қонунчилик даражасида мустаҳкамланиши фуқаролар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини янада самарали ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Айбек АЖИБЕКОВ,

Қорақалпоғистон Республикаси судининг судья катта ёрдамчиси.

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРГА НИСБАТАН ЖИНОЯТЛАР УЧУН ҚОНУНЧИЛИКДА ҚАНДАЙ ЖАЗОЛАР БОР?

Психологик тадқиқотлар болалар билан ишлашда профилактик чораларни қўллашнинг муҳимлигини кўрсатади. Масалан, болаларни психологик қўллаб қувватлаш, ижтимоий кўникмаларини ривожлантириш ва тарбиявий машғулотлар зўравонликнинг салбий оқибатларини камайтиришда самарали восита ҳисобланади¹.

Юқорида таъкидланган психологик жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг мактаб даражасида олиб борилишини тазйиқ ва зўравонликка қарши курашишда самаралироқ ечим сифатида қараш мумкин. Чунки болалар куннинг аксарият қисмини мактабда ўтказишади ва бола учун мактаб унинг ҳаёт йўлидаги илк сабоқлари ҳисобланади. Мактабларда олиб бориладиган педагогик тренинглар ва машғулотлар болаларга турли конфликтларни ҳал қилиш ва ижтимоий кўникмаларни ўрганишда хизмат қилиши мумкин. Бироқ, ушбу тадбирларнинг албатта ота-оналар ва мактаб ҳамкорлигида ўтказилиши зўравонликка қарши ҳимоя тасъирини кучайтириб, самарадорликни оширади. Зеро, вояга етмаганларга қарши зўравонликнинг олдини олиш уларнинг ота-онаси билан ишлаш ҳамда оиласи тинчлиги таъминлианини талаб қилади.

Маълумки, бугунги кунда оилаларда аёлларга нисбатан амалга оширилаётган зўравонликларнинг авж олиши аянчли оқибатларга олиб келмоқда. Шундай аянчли яқунлардан бири шахсни ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жинояти бўлиб, ушбу жиноятнинг асосий қисми оилавий-маиший соҳада содир этилмоқда. Таъкидлаш жоизки, оила-турмуш доирасида зўравонлик натижасида кўпроқ аёллар, болалар, кексалар ва ногиронлар жабр кўради. Шахсни камситиш, унга раҳмсиз муомалада бўлиш ва унинг шаъни ва қадр-қимматини муттасил равишда камситиш натижасида уни ўзини ўзи ўлдириш ёки ўзга суиқасд қилиш даражасига етказиш жинояти бугун зўравонлик ва тазйиқ остида қолган хотин-қизлар ва болалар ўртасида кўплаб учрайди. Соғлом оила муҳитида яшамайдиган ва турли хил тазйиқлар ҳамда руҳий босим остида ҳимоясиз қолган аёллар аксарият ҳолларда ўз жонига қасд қилишни ечим сифатида қабул қилишади. Бу ҳолатда эса, ўзига етказишга сабабчи бўлган шахсларга нисбатан жавобгарликни кучайтириш мақсадга мувофиқдир. Бу жиноят бир томондан бир инсон ҳаётига нуқта қўйишга сабабчи бўлиш саналса, бошқа томондан эса ўзини ўзи ўлдириш ва натижада вафот этган аёлнинг яқинларига нисбатан оғир мусибат келтириб, вояга етмаган болаларини эса соғлом ва тўлиқ оилада тарбияланиш ҳамда улғайиш ҳуқуқидан маҳрум қилишни англатади.

Шу боисдан ҳам ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жинояти унинг аёлларга ва болаларга нисбатан тазйиқ ўтказилиши билан квалификация қилинишини ҳисобга олганда бир нечта давлатларда оғир жиноятлар сирасига киритилган ва ушбу жиноятга бериладиган қамоқ жазоси муддати ҳам мутаносиб равишда белгиланган.

Жумладан Россияда – Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 110-моддасига биноан, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятини оғирлаштирувчи ҳолатларда маълум лавозимда фаолият юритиш ҳуқуқларидан маҳрум

қилинган ҳолда саккиз йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум этиш ёки маълум фаолият билан шуғулланишни ўн йилгача тақиқлаш ёки икки йилгача озодликни чеклаш билан жазоланиши белгиланган². Япония Жиноят кодексининг 26-бобида ўлимни келтириб чиқарувчи жиноятлар тавсифи келтирилган бўлиб, унинг 200-моддаси (қариндошларнинг ўлимига сабаб бўлиш)га кўра шахс ўзи ёки турмуш ўртоғи томонидан яқин қариндошларини ўлдирса, ўлим жазоси ёки муддатсиз қамоқ жазосига маҳрум этилиши белгиланган. Шунингдек, 203-моддада ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш ҳамда ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилиш ҳам қасддан одам ўлдириш ва яқин қариндошларни ўлдириш жиноятларига тенглаштирилиб, ўлим жазоси ёки муддатсиз озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади³. Ҳиндистон Жиноят кодекси 305-моддасида ўн саккиз ёшгача бўлган ёки ногиронлиги бўлган шахсни ўзини ўлдиришга ундаш ўлим, умрбод қамоқ жазоси, ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш ҳамда жарима билан жазоланади. Шунингдек, 306-моддада биноан, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш бўйича жиноятга нисбатан ўн йилгача озодликдан маҳрум этиш ва жарима жазоси қўлланиши белгиланган. Айнан ушбу модда орқали оилавий муҳитда қийналган тазйиқ остида, руҳий босим остидаги аёлларнинг чорасизликдан ўзини ўзи ўлдириши ҳолатига сабабчи бўлган шахс жазоланади.

Шу аснода, мамлакатимизда ҳам оилавий зўравонликлардан тўйиб кетган, ўз хатти-ҳаракатларини англамаган ҳолда тазйиқлардан қочиш учун танланган аянчли йўл — ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жинояти учун ҳам қатъий жазо чораларини белгилаш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, вояга етмаганлар ва аёлларга нисбатан зўравонликнинг энг кенг тарқалган шакллари жисмоний ёки руҳий шикаст етказишдир. Болаларнинг ўзини ҳавфсиз ҳис этмаслиги уларнинг оилавий хотиржамлик даражаси билан узвий боғлиқ бўлгани ҳолда зўравонлик ва тазйиқнинг олдини олиш бўйича интеграциялашган ёндашувни амалга ошириш самарадорликни юксалтиришга хизмат қилади. Ижтимоий, психологик ва ҳуқуқий чора-тадбирларнинг биргаликда қўлланилиши вояга етмаганлар ва аёлларга нисбатан зўравонликни сезиларли даражада камайтириши мумкин.

Камола МИРШАЕВА,

Одил судлов академияси Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси, PhD.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. UNICEF. The State of the World's Children 2020: Children, Food and Nutrition. New York: UNICEF, 2020.
2. УК РФ Статья 110. Доведение до самоубийства \ КонсультантПлюс.
3. Уголовный кодекс Японии | Россия: Библиотека Пашкова.

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ТАФТИШ ИНСТАНЦИЯСИНING ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТИ

Жиноят-процессуал кодексининг 490-моддаси¹да кўрсатилганидек, тафтиш инстанцияси суди жиноят иш-ни тафтиш тартибида кўриб, қисман суд тергови ўтказиш йўли билан камчиликларни тўлдириш ёки аниқлан-ган камчиликларни ёхуд процессуал қоидабузарликларни бартараф этиш имконияти бўлмаган тақдирда апел-ляция ёки кассация ажримини бекор қилади, шунингдек агар кейин суд ажримлари, қарорлари чиқарилган бўлса, уларни ҳам бекор қилади ва ишни янгитдан апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқишга ўтказилади.

Жиноят-процессуал кодексининг 409-модда, 7-қисмига кўра, “прокурор жиноят ишларини кўришда ёки ҳукми ижро этиш билан боғлиқ масалаларни ёхуд ушбу кодексда назарда тутилган ҳоллар-да бошқа масалаларни ҳал этишда апелляция, кассация ва тафтиш инстанцияси судида иштирок этади”, 473-модданинг 4-қисмида эса, “раислик қилувчи судланувчига ва бошқа тарафларга ҳукмининг мазмуни, ҳукм устидан улар истаги бўйича апелляция ёки касса-ция тартибида шикоят бериш муддати ва тартибини тушунтириш”-ни кўзда тутиши қайд этилган. Шундай экан, кассация инстанцияси тафтиш инстанциясининг ўрнини тўлалигича қопламайди ва ўзига хос бир қанча хусусиятларга эга².

Тафтиш инстанцияси суди хусусида олимлар томонидан билди-рилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда бир қатор адабиётларда турли хил ёндашувлар мавжуд.

Бизнингча, тафтиш инстанцияси билан қуйи инстанция (апелляция, кассация) ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишнинг умумий шартлари ўз ичига апелляция, кассация ва тафтиш инстанцияларига бирдай та-аллуқли бўлган барча умумий жиҳатларни бирлаштиради. Буларга қуйидагилар киради:

- 1) юқори суд томонидан жиноят ишлари кўришда прокурорнинг иштирок этиши;
- 2) юқори суд томонидан жиноят ишлари кўриш чоғида қўшимча материалларни тақдим этиш ёки талаб этиш;
- 3) жиноят ишлари юқори суд томонидан кўришда қатъий чегаранинг мавжудлиги;
- 4) юқори судда жиноят ишлари кўриш муддатини белгиланган-лиги;
- 5) ҳукми бекор қилиш ёки ўзгартириш учун асослар;
- 6) апелляция, кассация ва тафтиш тартибида иш кўрувчи суд-ларнинг ваколатлари;
- 7) юқори суд кўрсатмаларининг мажбурийлиги.

Бу умумий шартларнинг асосий мақсади ҳукм, ажрим, қарорлар-нинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш чоғида суд хатоларини бартараф этиш орқали одил судлов самарадорлигини ошириш ва ўз вақтида бузилган ҳақ-ҳуқуқларни тиклашдан иборат. Бу эса, сифатли тузилган суд қарорларини ўз вақтида ижрога қаратили-шига замин ҳозирлайди.

Тафтиш инстанцияси қонуний кучга кирган суд қарорлари, ажрими ва ҳукмининг қонунийлигини, асосланганлигини, адолатли ҳамда қонунийлигини текширади. Бундай текширув ишда иштирок этган шахсларнинг тафтиш шикоятлари бўйича ҳамда шикоят қи-линаётган актлар сабабли фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилганда ёки прокурор протестлари бўйича ҳам текширувлар амалга оширилади. Бунда ишлар тафтиш инстанция сифатида фақат биринчи ва иккинчи звенолар бўла олади. Иш апелляция ёки кассация тартибида кўриш муддатлари ўтгандан сўнг тафтиш тар-тибида кўрилади.

Тафтиш инстанцияси – апелляция ёки кассация ҳукм ва ажри-мини бекор қилиб, ишни янгидан апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқишга ўтказилади. Апелляция ва кассация инстанцияси фао-лияти қанчалик яхшироқ амалга оширилса, ҳукмларнинг қонуний-лиги, асослилиги ва адолатлилигини тафтиш тартибида иш юритиш асосида текширишга шунчалик камроқ муурожаат этилади, деган хулосага келиш мумкин.

Тафтиш инстанцияси судининг асосий мақсади ва моҳияти одил судловни таъминлаш, дастлабки тергов, биринчи инстанция суди, апелляция ва кассация инстанция судларида йўл қўйилган қонун бу-зилишларни бартараф этиш, қонунларни барча судларда бир хилда тушуниб, бир хилда татбиқ этилишини таъминлаш ҳамда қонуний, асослантилган ва адолатли ҳукмларни ижрога қаратилишини таъ-минлашдан иборат.

Дарҳақиқат, тафтиш инстанцияси – жиноят ишлари бўйича қуйи инстанция судлари чиқарган қарор (ажрим)ларининг қонуний-лиги, асослилиги ва адолатлилигини шунчаки, юзаки ва расмиятчи-лик учун эмас, балки синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва хо-лисона кўриб, текшириб чиқиши лозим. Бу эса, ўз навбатида, қуйи инстанция судлари томонидан қонунчиликни амалда тўғри қўллаш самарадорлигини оширади. Зеро, тафтиш инстанцияси судида иш юритишнинг асосий мақсади – одил судловни таъминлаш, дастлаб-ки тергов, биринчи инстанция, апелляция ва кассация судларида йўл қўйилган қонун бузилишларни бартараф этиш, қонунларнинг барча судларда бир хил татбиқ этилишини таъминлаш ҳамда қону-ний, асослантилган ва адолатли ҳукмларнинг ижрога қаратили-шини таъминлашдан иборат.

Тафтиш инстанциясида иш юритишда ҳукм чиқарилган, қонуний кучга кирган, ижрога қаратилган, жазо ўталган муддатлар, моддий ва процессуал қонунларнинг қай даражада бузилганлиги ҳамда улар ҳукм ва бошқа суд ҳужжатларининг қонунийлиги, асослантилганли-лиги, адолатлилигига қай даражада таъсир этганлиги каби ҳолат-ларга эътибор қаратилади. Тафтиш инстанцияси баъзи жиҳатлари билан кассация босқичига ҳам ўхшайди: ҳар икки инстанция учун ҳукм, ажрим ва қарорлар қонуний кучга кирган бўлиши керак; ҳар икки инстанцияда ҳукмларнинг қонунийлиги, асослантилганлиги ва адолатлилиги текширилади.

Шу ўринда, ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асосли-лиги, адолатлилигини тафтиш тартибида текшириш одил судловни сифатли ва самарали амалга оширишда қонунийликни таъмин-лашга, шу билан бирга, шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини химоя қилишда адолатли ечим топишини алоҳида таъкидлаш мақ-садга мувофиқ бўлади.

Тафтиш инстанцияси ишни янгидан судда кўриш учун юбораётган-нида судланувчига қўйилган айбнинг исботланганлиги, далилларнинг ишончлилиги, бир далилнинг иккинчисидан афзаллиги, қилмишнинг жиноят қонундаги қайси модда билан квалификация қилиниши ва жазо чораси ҳақида олдиндан хулоса чиқаришга ҳақли эмас.

Тафтиш инстанцияси суди шахснинг қилмишлари нотўғри квалификация қилинган деган тўхтамга келса, уни тегишли жиноят қонунига асосан қайта квалификация қилади. Қайта квалификация қилинган модда бўйича қилмиш учун жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса ёки амнистия ҳужжати асосида жиноят иши қўзғатилмаслиги тақозо этилса, ЖПКнинг 84-моддаси³ биринчи қисмининг 1, 2-бандлари асосида иш тугатилади. Айбдорни жиноий жавобгарликдан озод қилувчи амнистия ҳужжатига зид равишда ёки жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтганидан сўнг жиноят иши қўзғатилган ва юритилган тақдирда маҳкум жазони ўташдан озод қилинган бўлса, айблов ҳукми бекор қилиниб, иш тугатилади.

ЖПКнинг 495-моддасига биноан, юқори инстанция суди асослар мавжуд бўлган тақдирда, маҳкумни ўта хавфли рецидивист деб топишга, унга жазони ижро этиш муассасаси турини энгилроғи ёки оғирроғига ўзгартиришга, жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплаш миқдорини камайтириш ёки кўпайтиришга ҳақлидир.

Суд жиноят ишини тафтиш тартибида қўриб чиқиш чоғида жазони кучайтиришга, худди шунингдек оғирроқ жиноятга доир қонунни қўллашга ҳақли эмас. Оғирроқ жиноятга доир қонунни қўллаш зарурати туфайли қонунда кўрсатилган тартибда ҳукм, ажрим ва қарорнинг моҳиятига дахл қилмайдиган ва маҳкумнинг аҳолини оғирлаштирмаган ҳолатда суд қарорларидаги шубҳа ва ноаниқликларни бартараф этади. Шунингдек, қонуний кучга кирган суд қарорларидаги амнистия ҳужжатини татбиқ этишга оид ноаниқликлар ЖПКнинг 541-моддасида ҳукм, ажрим ва қарорларнинг ижросига тааллуқли масалаларни ҳал этиш тартибида қўшимча ажрим ёки қарор чиқариш йўли билан ҳам ҳал қилиниши мумкин бўлиб, бундай протест билдирилиши талаб этилмайди.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 514-моддасига, "Тафтиш инстанциясида жазони кучайтиришга ва оғирроқ жиноятга доир қонун моддалари қўлланишга йўл қўйилмайди" деган мазмунда қўшимча киритиш лозим.

Тафтиш инстанцияси суди ҳукм (ажрим, қарор)ни бекор қилиб, ишни янгидан судда қўришга юбораётганда ўз қарори (ажрими)да қандай ҳолатлар ҳукм (ажрим, қарор)нинг бекор қилинишига асос бўлганлигини ва йўл қўйилган қонун бузилиши қандай бартараф этилиши кераклигини кўрсатиши шарт.

Назаримизда, Жиноят-процессуал кодексига тафтиш инстанция судлари ваколатларини тартибга солувчи нормалар умумий (айниқса, кассация билан деярли бир хил) характерга эга. Фикримизча, ЖПКнинг 56²-бобининг 521²²-моддасига қуйидагича қўшимчалар киритиш лозим:

"Тафтиш тартибида жиноят ишини қайта қўришда суд тафтиш тартибида берилган протест ёки шикоят билан боғлиқ бўлмайдиган ва барча жиноят иши юритувини тўла ҳажмда текширишга ҳақли.

Агар жиноят иши бўйича бир неча шахс судланган бўлса ва тафтиш шикояти ёки протести фақат улардан бири томонидан ёки уларнинг айримлари бўйича берилган ёки киритилган бўлса, у ҳолда тафтиш инстанцияси суди жиноят ишини бошқа судланганларга нисбатан ҳам қўриб чиқади.

Тафтиш инстанцияси суди тафтиш тартибида жиноят ишини қўришда судланган шахсга нисбатан жазони энгиллаштириши ёки Жиноят кодексининг энгилроқ жиноятга нисбатан моддаларини қўллаши мумкин.

Тафтиш инстанция суди жиноят ишини янгидан қўришга юборганда, қайси инстанция судига мазкур жиноят иши юборилганлигини кўрсатиши шарт.

Агар жиноят иши бўйича бир неча шахс судланган ёки оқланган бўлса, суд ушбу оқланган ёки судланган шахсларга тафтиш

тартибида протест ёки шикоят келтирилмаган шахсларга нисбатан чиқарилган ҳукм, ажрим ёки қарорни бекор қилиш, агар уларнинг ҳолатини оғирлаштиришга олиб келса, уларга нисбатан чиқарилган ҳукм, ажрим ёки қарорни бекор қилишга ҳақли эмас.

Тафтиш инстанция судининг кўрсатмалари қуйи инстанция суди томонидан мазкур жиноят ишини қайта қўришда мажбурий саналади.

Жиноят ишини қўришда тафтиш инстанция суди қуйидагиларга:

ҳукмда аниқланмаган ёки рад этилган фактларни белгилаш ёки исботланган деб ҳисоблашга;

айбловнинг исботланганлиги ёки исботланмаганлиги ёхуд у ёки бу далилларни ишончли ёки ишончли эмаслиги ва муайян далилларни бошқа далиллардан устуңлиги масаласини олдиндан ҳал қилишга;

биринчи, апелляция ёки кассация инстанцияси суди томонидан у ёки бу жиноят қонунини қўллаш ва жазо тайинлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

Тафтиш инстанцияси суди кассация инстанцияси судининг ажримини бекор қилишда, кассация инстанцияси томонидан жиноят ишини қайта қўришда, қилиши мумкин бўлган муайян хулосаларни олдиндан белгилаб беришга ҳақли эмас".

Бизнингча, тафтиш тартибида қайта қўришда якуний суд қарори қабул қилинишини инобатга оладиган бўлсак, қуйидагича норма ЖПКнинг 521²¹-моддасига киритилиши мақсадга мувофиқ:

- тафтиш тартибида ишни қўраётган суд қисман суд терговчи ўтказиши, шу жумладан, биринчи инстанция, апелляция суди томонидан текширилмаган далилларни текшириб чиқиши ва уларга суд мажлисида аниқланган янги ҳолатлар натижасига кўра ҳуқуқий баҳо бериши;

- ишни янгидан апелляция ёки кассация тартибида қўриб чиқиш учун юбораётганда айблов исботланганлиги ёки исботланмаганлиги, у ёки бу далилларнинг ишончлилиги ёки ишончсизлиги, бир далилнинг иккинчисидан афзаллиги, жиноятнинг таснифи ва жазо чораси тўғрисида хулоса чиқариши;

- шикоят (протест)да баён этилган ваҳдлар билангина чегараланмасдан, суд қарорларининг қонунийлиги, асослиги ва адолатлилигини тўла ҳажмда (тафтиш тартибида) текширишга мажбур.

Қолаверса, тафтиш тартибида иш фақатгина мансабдор шахс (тегишли суд раиси ёки прокурор)нинг протести асосида қўрилиши, унинг бир ёклама бўлишига олиб келади. Мазкур норманинг амалда бўлиши Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 55-моддасига мутлақо зид. Фуқароларнинг Конституциямизда назарда тутилган суд орқали ҳимояланиш ва судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатларини янада кенгайтириш, уларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек, қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя этиш, одил судловга эришиш даражасини янада ошириш, ишларнинг сифатли, ўз вақтида қўрилишини таъминлаш, суд қарорларини қайта қўришда ўрта бўгин – вилоят ва унга тенглаштирилган судлар имкониятларидан самарали фойдаланишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Хайрулла КУЧКАРОВ,

*Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳафсизлиги университети
Жиноий-ҳуқуқий фанлар кафедраси профессори,
юридик фанлар доктори, доцент*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. (www.lex.uz)
2. Пўлатов Б.Х. Назорат қилишнинг муҳим усули. // Ҳаёт ва қонун. – Тошкент: 2001, № 4. – Б. 40.
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. (www.lex.uz)

ХОДИМНИНГ МАЛАКАСИ ВА КАСБИЙ СТАНДАРТ ТУШУНЧАЛАРИ

АННОТАЦИЯ: касбий стандартнинг мақсади таълимнинг мазмуни ҳамда сифати-га, таълим турлари, босқичларининг ўзаро узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлашга, таълим олувчилар ҳамда уларнинг тайёргарлик даражаси, бериладиган малакалар, ўқитиш натижаларини баҳолаш механизмлари ҳамда педагогларни аттестациядан ўтказишга қўйиладиган талабларни белгилаш ҳисобланади.

Калит сўзлар: билим, малака, кўникма, педагог, мактабгача таълим ташкилоти, касбий ва олий таълим, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ташкилотлари, мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги бошқарув органлари.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 369-моддасига кўра, “ходимнинг малакаси унинг муайян касбий фаолият турини бажаришга тайёрлигини тавсифлайдиган касбий билимлари, малакалари, кўникмалари, лаёқати ва иш тажрибасининг даражасидир. Касб стандарти асосий меҳнат вазифалари ва уларни бажариш шартлари тавсифини ўз ичига олган, меҳнат бўйича малака даражасига, лаёқатга, меҳнат сифати ва шарт-шароитларига доир талабларни белгилайдиган стандартдир. Касбий стандартларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва қўллаш тартиби қонунчиликда белгиланади.

Агар қонунчиликда ходимга муайян меҳнат вазифасини бажариш учун зарур бўлган малакага нисбатан талаблар белгиланган бўлса, касбий стандартларнинг мазкур талабларга доир қисми иш берувчилар томонидан қўлланилиши шарт. Касб стандартларида кўрсатилган ва қўлланилиши мажбурийлиги ушбу модданинг учинчи қисмига мувофиқ белгиланмаган малакаларнинг тавсифлари иш берувчилар томонидан ходимларнинг малакасига доир талабларни аниқлаш учун асос сифатида қўлланилади, бунда ходимларнинг қўлланилаётган технологияларга ҳамда қабул қилинган ишлаб чиқаришни ва меҳнатни ташкил этишга боғлиқ ҳолда бажараётган меҳнат вазифаларининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинади”.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, малака қуйидаги асосий элементлардан ташкил топади:

- назарий билимлар;
- амалий кўникмалар;
- касбий тажриба;
- касбий компетенция;
- муайян фаолият турини бажариш қобилияти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 8 июльдаги “Мактабгача таълим ташкилоти педагогининг касбий стандартини тасдиқлаш тўғрисида”ги 423-сон қарори билан тасдиқланган иловага мувофиқ, мактабгача таълим ташкилоти педагогининг касбий стандартини унинг шахсий фазилатлари, касбий билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган минимал талабларни белгилайди.

Касбий стандарт педагогларни баҳолаш, аттестациядан ўтказиш, касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун асос ҳисобланади.

Касбий стандартнинг мақсади — таълимнинг мазмуни ҳамда сифати, таълим турлари, босқичларининг ўзаро узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлашга, таълим олувчилар ҳамда уларнинг тайёргарлик даражасига, бериладиган малакаларга, ўқитиш натижаларини баҳолаш механизмларига ҳамда педагогларни аттестациядан ўтказишга қўйиладиган талабларни белгилаш ҳисобланади.

Касбий стандарт муайян касб ёки лавозим эгасига қўйиладиган талабларнинг ҳуқуқий жиҳатдан белгиланган тизимидир. Касбий стандартлар меҳнат бозорида кадрлар тайёрлаш тизими-

ни мувофиқлаштириш, таълим дастурларини такомиллаштириш ва ходимларнинг касбий тайёргарлигини баҳолаш учун муҳим аҳамиятга эга.

Л.Ю. Бугров касбий стандартларни меҳнат бозорида кадрлар сифатини назорат қилувчи муҳим механизм сифатида баҳолайди. Унинг фикрича, касбий стандартлар ишлаб чиқариш эҳтиёжлари билан таълим тизими ўртасидаги узвий боғлиқликни таъминлайди. Айрим тадқиқотчилар касбий стандартларни давлат томонидан белгиланган минимал касбий талаблар тизими сифатида талқин қиладилар. Бунда касбий стандартлар ходимларнинг малака даражасини аниқлаш ва баҳолаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон Республикасида касбий стандартлар Миллий малака тизими доирасида ишлаб чиқилиб, тегишли давлат реестрида рўйхатдан ўтказилади. Бу эса кадрлар тайёрлаш тизимини меҳнат бозорининг замонавий талабларига мослаштириш имконини беради.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 сентябрдаги 572-сонли қарори билан тасдиқланган “Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва мактабдан ташқари таълим ташкилотлари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомга кўра педагоглар ҳар 5 йилда навбатдаги аттестациядан ўтадилар ва бу мажбурий ҳисобланади.

Ушбу Низомнинг 4-бандига кўра педагог кадрлар ўз хоҳишига кўра навбатдан ташқари аттестациядан ўтказилиши мумкин.

Шунга кўра, педагогларнинг аттестацияси 2 турга бўлинади, мажбурий, яъни навбатдаги ва ихтиёрий, яъни навбатдан ташқари аттестация.

Мазкур Низомнинг 7-бандига асосан ўз хоҳишига кўра навбатдан ташқари аттестацияда қатнашиб, ундан ўта олмаган педагог кадрларнинг малака тоифаси (лавозими) туширилмайди ҳамда уларга навбатдан ташқари аттестацияда қатнашишдан олдин амалда бўлган малака тоифаси (лавозими) бўйича ҳақ тўланади. Низомнинг 44-бандида ҳам навбатдан ташқари аттестацияга жалб этилган педагог кадрлар аттестациядан ўта олмаган тақдирда, уларнинг малака тоифаси (лавозими) туширилмаслиги ҳамда улар лавозимига мувофиқ эмас деб ҳисобланмаслиги кўрсатилган.

Бундан келиб чиқадики, ихтиёрий, яъни навбатдан ташқари аттестацияда қатнашиб, натижаси салбий чиққан ўқитувчиларга тегилмайди ва уларнинг тоифаси ҳам иш ҳақи ҳам туширилмайди.

Бироқ, мажбурий, яъни навбатдаги аттестацияда қатнашган ўқитувчилар борасида масала бошқача тавсифланади. Низомнинг 44-бандида “олий маълумотга эга бўлмаган ҳамда мутахассис (олий маълумотли ўқитувчи) лавозимидаги педагог кадрлар навбатдаги мажбурий аттестациядан ўта олмаган тақдирда, иш берувчи ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги сабабли у билан тузилган меҳнат шартномасини меҳнат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эга” дейилган. Бу қоидага кўра, навбатдаги мажбурий аттестациядан ўта олмаган педагог ўз лавозимига нолойиқ деб топилганлиги сабабли, у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қи-

линиши мумкин. Лекин, у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишдан аввал Меҳнат кодексининг 144-моддаси тўртинчи қисмига ва юқоридаги Низомнинг 4 ва 47-бандларига асосан ушбу педагогнинг малака тоифаси (лавозими)ни тушириш чораси кўрилади. Агар педагог бунга рози бўлмаса, меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 161-моддаси иккинчи қисми 3-бандига асосан малакасига кўра лавозимига номувофиқлиги муносабати билан бекор қилиниши мумкин.

Шунингдек, Низомнинг 441-бандига агар иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилмаса, навбатдаги мажбурий аттестациядан ўта олмаган педагог кадр навбатдан ташқари аттестацияга кўпи билан кетма-кет икки марта жалб этилиши ҳақида айтилган. Яъни, агар мажбурий аттестациядан ўтолмаган ўқитувчи ишдан бўшатишмас, у навбатдан ташқари аттестациядан ўтказилади, лекин бу кўпи билан 2 мартадан ошмаслиги керак.

Бунда икки мартадан бирортасида ҳам аттестациядан ўта олмаган ёки узрли сабабсиз (касалликка чалиниши оқибатида меҳнатга қобилиятсизлик даврида ҳамда давлат ёки жамоат вазифаларини бажарганлигидан ташқари ҳолларда) аттестацияда иштирок этмаган педагог кадр билан тузилган меҳнат шартномаси меҳнат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги сабабли бекор қилинади.

Аттестациядан ўта олмаган олий маълумотга эга бўлмаган ҳамда мутахассис (олий маълумотли ўқитувчи) лавозимидаги педагог кадрларни кетма-кет икки марта навбатдан ташқари аттестацияга жалб этишга педагог кадр фаолият кўрсатаётган таълим ташкилотининг раҳбари шахсан жавобгар ҳисобланади.

Аттестациядан ўта олмаганлиги сабабли меҳнат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда педагогларнинг меҳнат шартномаси (ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги сабабли) бекор қилинган тақдирда, педагог кадр фақат ўз хоҳиши билан навбатдан ташқари Касбий сертификатлаш синовида иштирок этиб, сертификатни қўлга киритган ҳолдагина яна педагог сифатида ишга қабул қилиниши мумкин.

Бундан ташқари, педагог ходим аттестацияда бўлган даврига иш ҳақи тўланилиши борасида ходимнинг аттестациядан ўтиши ҳолатига баҳо бериш керак. Бунда, аттестациядан ўтиш жараёни ходимнинг мажбурияти, иш ҳақи сақлаб қолинган вақтинча ишда бўлмаган даврими ёки унинг вақтинча бекор туриб қолиш вақти шу жиҳатларига аҳамият қаратиш лозим бўлади. Меҳнат кодексининг 270-моддасида ходим муайян сабабларга кўра ўз меҳнат вазифаларини тўлиқ ҳажмда бажара олмаганда, ушбу ходимнинг иш ҳақи сақлаб қолиниши кўрсатиб ўтилган. Бироқ, Меҳнат кодексининг 280-моддасидаги мажбуриятларини бажара олмаганлиги муносабати билан иш ҳақи сақланган ҳолатлар таркибиде ходимнинг аттестацияга жалб қилинганлиги ҳолати мавжуд эмас.

Меҳнат кодексининг 266-моддасида иш берувчининг айби билан бекор туриб қолинган вақт учун ходимга ўртача иш ҳақи миқдориде ҳақ тўланиши кўрсатилган. Агар ходимга ҳам, иш берувчига ҳам боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра бекор қолса, ходимга тариф ставкасининг (маошининг) камида учдан икки қисми миқдориде ҳақ тўланади. Бироқ, ходимнинг аттестациядан ўтиш даври бекор туриб қолган ҳолат ҳисобланмайди.

Этиборли жиҳати шундаки, "Педагогнинг мақоми тўғрисида"ги Қонуннинг 7-моддасида "ўз малакасини мунтазам равишда ошириб бориш, эгаллаб турган лавозимига мувофиқлик жиҳатидан даврий аттестациядан ўтиши" педагогнинг амалга ошириши шарт бўлган мажбуриятларидан бири сифатида келтирилган. Бундан кўринадики, педагог ходимнинг аттестациядан ўтиш жараёни унинг меҳнат мажбуриятларини бажариш даври ҳисобланади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Меҳнат кодексининг 25 ва 243-моддаларига асосан иш берувчилар ходимларнинг меҳнати учун, яъни меҳнат мажбуриятларини бажарган даври учун иш ҳақи тўлаши шарт.

Таълим тизимида педагог кадрларнинг касбий малакаси алоҳида аҳамиятга эга. Шу сабабли педагогларнинг касбий фаолиятини баҳолаш ва уларнинг малакасини аниқлаш учун аттестация тизими жорий этилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 сентябрдаги "Мақтабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва мактабдан ташқари таълим ташкилотлари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 572-сон қарорига мувофиқ педагог кадрлар ҳар беш йилда мажбурий аттестациядан ўтказилади. Аттестация тизимининг асосий мақсади педагогларнинг касбий тайёргарлиги даражасини аниқлаш, уларнинг билим ва кўникмаларини баҳолаш ҳамда таълим сифатини оширишдан иборат. Ҳуқуқшунос олимлар педагогларнинг касбий ривожланиши узлуксиз жараён эканлигини таъкидлайдилар. Шу сабабли аттестация тизими педагогларнинг касбий салоҳиятини оширишга хизмат қилиши лозим.

Педагогларнинг аттестациядан ўтиши уларнинг меҳнат фаолияти билан бевосита боғлиқ жараён ҳисобланади. "Педагогнинг мақоми тўғрисида"ги Қонунга кўра, педагогларнинг ўз малакасини мунтазам равишда ошириб бориши ҳамда даврий аттестациядан ўтиши уларнинг мажбуриятларидан биридир. Шу сабабли аттестация жараёни педагогнинг меҳнат мажбуриятларини бажариш даври сифатида баҳоланади. Меҳнат ҳуқуқи назариясига кўра, ходим ўз меҳнат мажбуриятларини бажараётган давр учун иш ҳақи олиш ҳуқуқига эга. Мазкур ҳолат меҳнат қонунчилигининг асосий тамойилларидан бири бўлган адолатли меҳнат ҳақини таъминлаш тамойилига ҳам мос келади.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, ходимнинг малакаси ва касбий стандартлар замонавий меҳнат муносабатлари тизимининг муҳим институтлари ҳисобланади. Малака ходимнинг касбий тайёргарлик даражасини ифодаласа, касбий стандарт муайян касб ёки лавозим учун зарур бўлган талаблар тизимини белгилайди. Таълим тизимида педагогларнинг касбий стандартлари ҳамда аттестация тизимини самарали жорий этиш кадрлар сифатини оширишга хизмат қилади.

Келгусида куйидаги йўналишларда такомиллаштириш зарур:

- касбий стандартларни ишлаб чиқишда меҳнат бозорининг эҳтиёжларини чуқур ҳисобга олиш;
- педагогларнинг касбий ривожланишини рағбатлантириш механизмларини кенгайтириш;
- аттестация жараёнининг шаффофлиги ва адолатлилигини таъминлаш.

Мазкур чора-тадбирлар меҳнат муносабатларини такомиллаштириш ҳамда таълим тизимида юқори малакали кадрлар тайёрлашга хизмат қилади.

Садоқат ХАМДАМОВА,

*Тошкент давлат аграр университети
Ходимлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi <https://lex.uz/docs/6445145>
2. Mehnat kodeksi <https://lex.uz/docs/6257288#6261566>
3. "Pedagogning maqomi to'g'risida"gi qonun. <https://lex.uz/docs/6786401>
4. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021 yil
17. sentabrdagi "Maktabgacha, umumiy o'rta, o'rta maxsus, professional va maktabdan tashqari ta'lim tashkilotlari pedagog kadrlarini attestatsiyadan o'tkazish tartibini takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi 572-son qarori <https://lex.uz/ru/docs/5641270#5648317>
5. Vazirlar Mahkamasining 2025 yil 8 iyuldagi 423-son qarori.
6. Gusov K.N. Trudovoe pravo Rossii.
7. Kurennoy A.M. Sovremennye problemy trudovogo prava.
8. Lebedev V.M. Trudovoe pravo.
9. Bugrov L.Yu. Problemy pravovogo regulirovaniya trudovyx otnosheniy.

БОЛАЛАРНИ ЗЎРАВОНЛИҚДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА: ЯНГИ БОСҚИЧ, ЯНГИ ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАР

Янги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари, айниқса, бошқаларга нисбатан ожиз, ҳимояга муҳтож бўлган болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишнинг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бироқ, давр талаби ва жамияттаги бугунги воқелик мавжуд қонунчиликни янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Хусусан, болаларни жинсий зўравонликдан ҳимоя қилишда халқаро стандартларга мос механизмларни жорий этиш, шунингдек, жиноят процессида уларни гувоҳ сифатида жалб этиш жараёнини психо-ҳуқуқий жиҳатдан хавфсиз ва аниқ тартибга солиш ўта долзарб вазифага айланди. Бугунги кунда болаларнинг суд жараёнларидаги иштирокини эркин ва стрессдан холи тарзда ташкил этиш, уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини институционал даражада мустаҳкамлаш кечиктириб бўлмас эҳтиёждир.

Шу нуқтаи назардан 2026 йилнинг 17 апрель кунини Ўзбекистон Республикасининг “Болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-1130-сонли қонуни қабул қилинди.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси¹ ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида² болаларга нисбатан Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб уятсиз-бузуқ ҳаракатлар содир этганлик учун жавобгарлик белгиланмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси³ вояга етмаган гувоҳни ёки жабрланувчини сўроқ қилишнинг бир кун мобайнидаги умумий давомийлиги ҳамда уларни сўроқ қилиш жараёнида қонуний вакилларнинг иштирок этиши тартибини белгиловчи қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Мазкур ҳужжат нафақат жиноятчиликнинг олдини олиш ва жазонинг муқаррарлигини таъминлашга, балки болаларнинг ҳуқуқ – эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишнинг мустаҳкам ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилади.

Қонунчиликдаги янгиликларнинг мазмун-моҳиятини очиб бериш мақсадида киритилган асосий ўзгартиришлар ва уларнинг амалиётдаги аҳамиятига назар ташлаймиз. Айниқса, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлашга қаратилган қўйидаги моддалар алоҳида аҳамиятга эга.

Хусусан, қонунга биноан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси⁴га “Вояга етмаган гувоҳнинг қонуний вакили номи” 66²-модда қўшилади.

“Гувоҳ вояга етмаган шахс бўлган ҳолларда, унинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун гувоҳнинг қонуний вакили ишда иштирок этишига жалб қилинади.

Ишда қонуний вакил сифатида ота-она, фарзандликка олган шахс, васийлар, ҳомийлар, васийлик ва ҳомийлик органининг вакиллари иштирок этиши мумкин. Вояга етмаган гувоҳнинг қонуний вакили ишда ўзи вакиллик қилаётган шахс билан бирга иштирок этади.

Қонуний вакилнинг ишда иштирок этишига йўл қўйилганлиги ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради. Гувоҳнинг манфаатлари билан қонуний вакилнинг манфаатлари ўзаро мос келмаган тақдирда, қарор ёхуд ажрим билан бошқа қонуний вакил ёки адвокат жалб қилинади.

Вояга етмаган гувоҳнинг қонуний вакили ушбу Кодексда қонуний вакил учун назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.”⁴

Мазкур модда жиноят процессида вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришга қаратилган муҳим процессуал кафолат ҳисобланади. Болалар иштирокидаги тергов ва суд ҳаракатлари уларнинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини инобатга олсак, қонуний вакил институтининг жорий этилиши халқаро стандартларга, хусусан, “болага дўстона одил судлов” (child-friendly justice) тамойилига тўлиқ мос келади.

Ушбу норманинг мазмун-моҳиятини қўйидаги учта асосий жиҳат орқали очиб бериш мумкин:

Қонуннинг “қонуний вакил жалб қилинади” деган нормаси бу ерда ихтиёрийликни эмас, балки мажбурийликни англатади. Бу – давлатнинг вояга етмаган шахсни ёлғиз қолдирмаслик, унинг ҳуқуқий нуқтаи назардан ҳимояланганини таъминлаш бўйича мажбуриятидир. Вакил сифатида ота-она, васий ва ҳатто васийлик органлари вакилларининг белгиланиши, боланинг ҳар қандай ҳолатда ҳам (оилавий муҳитда ёки давлат қарамоғида бўлишидан қатъи назар) вакилга эга бўлишини кафолатлайди.

Моддадаги энг прогрессив қисм бу — гувоҳнинг манфаатлари билан қонуний вакилнинг манфаатлари мос келмаганда, уларни алмаштириш ёки адвокат жалб қилиш қонидасидир. Бу амалиётда жуда муҳим, чунки баъзи жиноят ишларида (масалан, оилавий зўравонлик ёки ота-оналар иштирокидаги жиноятларда) ота-онанинг манфаати боланикига зид бўлиши мумкин.

Суриштирувчи, терговчи ёки судья томонидан ажрим ёки қарор чиқарилиши – вакилнинг мақомини қонунийлаштиради. Бу эса ўз навбатида, вакилнинг иш материаллари билан танишиши, савол бериш ҳуқуқидан фойдаланиши ва боланинг манфаатларини ҳимоя қилишда процессуал иштирокчи сифатида тўлиқ ҳуқуққа эга бўлишини таъминлайди.

Ушбу модда суд амалиётида вояга етмаган гувоҳларни сўроқ қилишда юзага келиши мумкин бўлган руҳий босимларнинг олдини олишга хизмат қилади. Қонуний вакил нафақат ҳуқуқий ҳимоячи, балки психологик кўмакчи ролини ҳам бажаради.

Профессор Дэвид Финкелхорнинг болалар виктимологияси бўйича тадқиқотларида қайд этилишича, вояга етмаганлар иштирокидаги тергов ҳаракатларида боланинг руҳий ҳолати энг юқори ҳимоя остида бўлиши керак. Халқаро эксперт Яап Доек таъкидлаганидек, “болага дўстона одил судлов” тизимида фақат қонун қозғаларда эмас, балки терговчи ва судьянинг бола билан ишлаш услубида акс этиши зарур⁵. Биз таҳлил қилаётган янги қонун нормалари айнан мана шу халқаро илмий стандартларнинг миллий қонунчиликдаги ифодасидир.

Шунингдек, қонунга биноан 121-модданинг тўртинчи қисми қўйидаги мазмундаги тўртинчи ва бешинчи қисмлар билан алмаштирилади:

“Вояга етмаган гувоҳни ёки жабрланувчини сўроқ қилишнинг бир кун мобайнидаги умумий давомийлиги вояга етмаганнинг ёшидан ва ҳолатидан келиб чиқши ҳамда:

- 1) 7 ёшгача бўлганларга нисбатан — танаффусларсиз ўттиз дақиқадан, жами бир соатдан;*
- 2) 7 ёшдан 14 ёшгача бўлганларга нисбатан — танаффусларсиз бир соатдан, жами икки соатдан;*
- 3) 14 ёшдан 18 ёшгача бўлганларга нисбатан — танаффусларсиз икки соатдан, жами тўрт соатдан ошмаслиги керак.”⁶*

Жиноят процессида болани сўроқ қилиш — нафақат тергов ҳаракати, балки жиддий психологик жараён. Янги таҳрирдаги ушбу норма терговчилар ва судьяларга аниқ "вақт доираси"ни белгилаб беради. Бу ерда гап терговнинг тезлиги эмас, балки далилларнинг сифати ва боланинг руҳий соғлиғи ҳақида кетмоқда.

Қонунчиликнинг бундай таснифланиши болаларнинг ёшига оид психологик ривожланиш хусусиятларига асосланган:

7 ёшгача (30/60 дақиқа): бу ёшдаги болалар учун диққатни жамлаш муддати жуда қисқа. Сўроқнинг 30 дақиқадан ортиқ давом этиши болада чарчоқни, бу эса ўз навбатида хато маълумот бериш ёки стрессни келтириб чиқаради. "Жами бир соат" чеклови — болани толиқтирмайлик учун белгиланган биологик ҳимоядир.

7 ёшдан 14 ёшгача (1/2 соат): мактаб ёшидаги болалар маълумотни яхшироқ тизимлаштира олади, бироқ улар ҳам узоқ муддатли сўроқ жараёнида ҳиссий босимга учраши мумкин. 2 соатлик лимит — боланинг руҳий барқарорлигини таъминлаш учун етарли вақт.

14 ёшдан 18 ёшгача (2/4 соат): ўсмирлар катталар каби когнитив қобилиятга эга бўлса-да, уларнинг психологияси ҳали шаклланиш жараёнида бўлади. 4 соатлик чегара — тергов органига ишни аниқлаш учун етарли вақт беради, шу билан бирга, ўсмирни "сиқиб қўймайлик"ни кафолатлайди.

Бу норма терговчилардан нафақат ҳуқуқшунос, балки бироз психолог бўлишни ҳам талаб қилади. Улар болани сўроққа тайёрлашда вақт тақсимотини олдиндан режалаштиришлари шарт.

Америкалик олим Дэвид Финкелхор ўз тадқиқотларида "иккиламчи жароҳатланиш" (secondary victimization) тушунчасини алоҳида таъкидлайди. Унинг фикрича, жиноятдан жабр кўрган бола учун энг катта хавф — нафақат жиноятчининг хатти-ҳаракати, балки тергов ва суд жараёнининг нотўғри ташкил этилишидир.⁷ Биз таҳлил қилаётган янги қонун нормалари — сўроқ вақтини чеклаш ва қонуний вакилнинг мажбурий иштироки — айнан Финкелхор таъкидлаган мазкур "иккиламчи жароҳат"нинг олдини олувчи ҳуқуқий механизмдир.

Болаларга нисбатан зўравонлик ва унинг оқибатларини ўрганиш бўйича дунёдаги етакчи олимлардан бири Дэвид Финкелхор бу борада шундай фикр билдирган: "болалар зўравонликка учраганда, уларни ҳимоя қилувчи тизим (тергов, суд, ижтимоий хизмат) бола учун хавфсиз муҳит яратиши шарт. Акс ҳолда, расмий тизимнинг ўзи бола учун иккинчи зўравонга айланади."⁸

Бундан ташқари, "Вояга етмаган шахс тавсифланган ёки тасвирланган порнографик махсулотни сақлаш, тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш" номли "129"-модда қўшилади.

"Вояга етмаган шахс тавсифланган ёки тасвирланганлиги айбдорга аён бўлган порнографик махсулотни тарқатиш мақсадида сақлаш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Вояга етмаган шахс тавсифланган ёки тасвирланган порнографик махсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, худди шунингдек уни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш ёхуд вояга етмаган шахсни порнографик хусусиятга эга ҳаракатларнинг ижроси сифатида жалб этиш, —

*беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади*⁹

Қонуннинг бу моддаси шунчаки "порнография билан курашиш" воситаси эмас. Бу — боланинг "буюм" эмас, "шахс" эканини ҳимоя қилувчи ҳуқуқий қалқондир. Агар биринчи қисмда қонун айбдорга тўғри йўлга қайтиш учун

имконият (маъмурий жазо орқали) берса, иккинчи қисмда, яъни бола бевоҳида жабрланувчига айланган ҳолатларда, давлат муросасизлик принципини танлайди. 7 йилгача озодликдан маҳрум қилиш — бу жиноятнинг жазосигина эмас, балки болаликни ҳимоя қилишнинг олий даражасидир.

Судлар ушбу турдаги ишларни кўришда фақат рақамли далиллар (скриншотлар, видео файллар) билан чекланиб қолмай, балки ушбу махсулотнинг вояга етмаган шахсга қандай руҳий таъсир кўрсатганлигига (психологик экспертиза) катта эътибор қаратади.

Қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс куйидаги мазмундаги 188^а-модда билан тўлдирилади:

"Вояга етмаган шахс тавсифланганлиги ёки тасвирланганлиги айбдорга аён бўлган порнографик махсулотни тарқатиш мақсадида сақлаш, - базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади".¹⁰

Бу қўшимчанинг аҳамияти шундаки, у "жиноятгача бўлган босқич" — дир. Ушбу маъмурий жазо шахсга қилмишининг ноқонунийлигини англатиш ва ундан тегишли сабоқ чиқариш учун имконият беради. Агар шахс ушбу жазодан кейин ҳам ҳаракатини тўхтатмаса, навбатдаги қадам — жиноят кодексидagi қатъий жазо бўлади.

20 баравардан 100 бараваргача бўлган жарима — бу энгил жазо эмас. У иқтисодий жиҳатдан сезиларли таъсир кучига эга. Бундай жазо чорасининг мавжудлиги, айниқса, рақамли муҳитда (интернет тармоқларида) бундай контентлар билан ишлайдиган шахслар учун кучли психологик ва молиявий тўсиқ бўлиб хизмат қилади.

Қонунчиликдаги мазкур маъмурий норма ҳуқуқий тарбия воситасидир. Давлат фуқарога биринчи хато учун жиноий жавобгарликни эмас, балки молиявий жарима ва огоҳлантиришни таклиф қилади. Бироқ, бу қалқон фақат бир марта ишлайди. Агар шахс болалар манфаатига қарши бўлган ҳаракатларини давом эттирса, ҳуқуқий тизим ўзининг энг қатъий — жиноий жазо чораларига ўтади. Бу — одил судловнинг олдини олиш функциясининг ёрқин намунаси.

Социолог Эдвин Сазерленднинг "дифференциал ассоциация" назариясига кўра, боланинг хулқи у ўсаётган муҳитнинг кўзгусидир. Шу боис, биз жазолаш механизмидан кўра, тикланувчи (restorative) механизмларга кўпроқ эътибор қаратишимиз керак. Яъни, жиноятчиликка қарши кураш — бу нафақат суд ва тергов, балки болани ижтимоий-руҳий реабилитация қилиш орқали уни жамиятга қайтариш йўлидир.¹¹

Хулоса қилиб айтганда, бу ўзгаришлар нафақат терговчи ва судьялар учун, балки бутун жамият учун муҳим янги ҳуқуқий нормаларни белгиламоқда. Миллий қонунчиликка киритилган қўшимча ва ўзгаришлар жамиятнинг ҳимояга муҳтож қатлами — болаларнинг келажагига нисбатан ғамхўрлик ва эҳтиёткорлик борасида муҳим вазифаларни назарда тутлади.

Мазкур қонун ҳужжатининг самарали ижроси — ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, адвокатура ва фуқаролик жамиятининг умумий маъсулиятидир.

Иzzатулло ТОЛИБОВ,

*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг
Жиноят ҳуқуқи кафедраси доценти, юридик фанлар доктори.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://www.lex.uz/acts/111453>
2. <https://www.lex.uz/acts/97664>
3. <https://www.lex.uz/acts/111460>
4. 22.09.1994. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси.
5. "Child-friendly justice" <https://www.coe.int/en/web/children/child-friendly-justice>
6. 22.09.1994. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси.
7. "Childhood Victimization: Violence, Crime, and Abuse in the Lives of Young People" https://scholars.unh.edu/soc_facpub/285/
8. Zehr, H. (2002). "The Little Book of Restorative Justice".
9. 22.09.1994. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси.
10. 22.09.1994. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси.
11. https://www.unodc.org/pdf/criminal_justice/Protecting_children_en.pdf



АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, айниқса, аёллар ва болалар манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг кўламли ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган одилон ва инсонпарвар сиёсат натижасида жамиятда ижтимоий адолат, қонун устуворлиги ҳамда инсон қадрини улуғлаш тамойиллари тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Ана шундай изчил сиёсатнинг мантиқий давоми сифатида 2026 йил 3 март куни “Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича кўшимча ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар тўғрисида”-ги Президент Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармон суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, жиноятларнинг олдини олиш ва жазо муқаррарлигини таъминлашда муҳим дастурий ҳужжат сифатида алоҳида аҳамият касб этади.

Фармонда назарда тутилган чора-тадбирлар, аввало, вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришга қаратилгани билан диққатга сазовордир. Хусусан, вояга етмаган шахслар билан никоҳ тузишга даъват этиш ва уни тарғиб қилиш учун маъмурий жавобгарлик белгиланиши назарда тутилган. Мазкур норма жамиятда эрта никоҳларнинг олдини олиш, болаларнинг жисмоний ва руҳий ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи омиллари бартараф этишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Суд тизими нуқтаи назаридан қаралганда, Фармонда жиноят ва маъмурий қонунчиликни янада аниқлаштириш ҳамда такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, болаларга нисбатан жиноят ишларини кўриб чиқиш амалиёти таҳлил қилиниб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 411 ва 592-моддалари диспозициясига аниқлик киритиш белгиланган. Бу эса судлар томонидан ҳуқуқни қўллаш амалиётида ягона ёндашувни шакллантиришга хизмат қилади.

Шунингдек, жиноят содир этган шахслар учун жазо муқаррарлигини таъминлаш механизмларини кучайтириш масаласи ҳам алоҳида ўрин тутди. Суд жараёнида янги айблов учун асослар аниқланган тақдирда, айбдор шахсларнинг жавобгарликдан четда қолишига йўл қўймасликка қаратилган ҳуқуқий механизмларнинг жорий этилиши суд ҳокимиятининг самарадорлигини оширади.

Фармонда вояга етмаганларга нисбатан жинсий эркинликка қарши жиноятлар учун жавоб-

гарликни кескин кучайтириш назарда тутилган. Хусусан, бундай жиноятларни такроран содир этган шахсларга нисбатан умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоларини қўллаш имконияти белгиланиши жиноят ҳуқуқининг огоҳлантирувчи ва жазоловчи функцияларини кучайтиради. Шу билан бирга, мазкур тоифадаги жиноятлар учун судланган шахсларга нисбатан жазони ўташ шароитларини энгиллаштиришга йўл қўймаслик ҳам назарда тутилган бўлиб, бу жазонинг муқаррарлиги ва адолатлилигини таъминлашга хизмат қилади.

Эътиборга молик жиҳатлардан яна бири — ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, судлар ҳамда тегишли давлат ташкилотлари ўртасида ахборот алмашинуви тизимини жорий этишдир. Вояга етмаганларга қарши жиноятлар ҳақида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Болалар омбудсмани ва Оила ҳамда хотин-қизлар кўмитасини тезкор хабардор қилиш механизми жиноятларнинг эрта аниқланиши ва олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, суд амалиётида муҳим янгилликлардан бири сифатида аёллар ва болаларга нисбатан зўравонлик билан боғлиқ ишларни махсус тайёргарликдан ўтган судьялар томонидан кўриб чиқиш тизимини жорий этиш белгиланган. Бу эса суд қарорларининг сифатини ошириш, жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини янада ишончли ҳимоя қилиш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур Фармон суд-ҳуқуқ тизимини янги босқичга олиб чиқадиган, аёллар ва болалар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган комплекс ҳужжатдир. Унда назарда тутилган чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиши жамиятда қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, жиноятчиликни камайтириш ва энг муҳими, инсон қадрини юксалтиришга хизмат қилади.

Абдиғаффар БАЙНАЗАРОВ,
жиноят ишлари бўйича
Қарши шаҳар суди судьяси.

БЕФАРҚЛИК ВА НАЖОТ ОРАСИДАГИ БИР ҚАДАМ

Зўравонлик қоронгуликда, ёпиқ эшиклар ортида ва сукут бор жойда гуллайди. Маиший зўравонликни “оилавий сир” деб ҳаспўшлаш аслида жиноятнинг илдиз отишига шароит яратиб беришдир. Биз қачонки жабрланувчининг овозини эшитишдан ва унга ёрдам беришдан қўрқмас эканмиз, ўшандагина ҳақиқий фуқаролик жамиятини барпо эта оламиз.

2026 йил 3 март куни Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган “Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича кўшимча ташкилий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида”ги ПФ-33-сонли Фармони бу борадаги ниҳоятда муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Илгари зўравонлик учун фақат жарима ёки маъмурий қamoқ билан чекланган бўлса, эндиликда давлат муаммонинг илдизига тажовузкорнинг руҳиятига ва унинг ҳаракат эркинлигига зарба бермоқда. Фармондаги энг асосий янгиликлардан бири зўравонлик содир этган ёки унга мойиллиги бор шахсларнинг мажбурий тартибда психологик ва психиатрик кўрикдан ўтказилишидир. Бу тизим тажовузкорни шунчаки жазолаб қолмай, унинг ички агрессиясини тиббий назоратга олади. Зеро, кўп ҳолларда маиший зўравонлик бу руҳий номутаносиблик натижасидир. Эндиликда “сталкинг” (таъқиб қилиш) учун алоҳида жавобгарлик белгилангани эса шахсий ҳаёт дахлсизлигини янги босқичга олиб чиқди. Бу ислоҳот жамиятга битта муҳим ва қатъий дарсни бермоқда: ҳеч бир инсон бошқа бир инсоннинг иродасини синдиришга, уни қўрқувда ушлаб туришга ҳақли эмас. Давлат бу борада “муросасизлик” принципини танлади.

Технологиялар ривожланган ҳозирги даврда нажот кутиш соатлаб эмас, сониялаб ўлчаниши кераклиги ҳаётини заруратга айланди. Илгари жабрланувчи ёрдам сўраб қўнғироқ қилишга ёки ариза ёзишга қўрққан бўлса, эндиликда смартфон унинг энг яқин ва кўринмас ҳимоячисига айланди. “My.ihma.uz” платформаси ва ундаги “SOS” тугмасининг жорий этилиши бу нафақат техник янгилик, балки зўравонликка қарши “рақамли қалқон”дир.

Бу тизим қандай ишлайди? Хавф туғилганда биргина бармоқ ҳаракати билан юборилган сигнал сониялар ичида ички ишлар органлари ва ижтимоий хизматлар марказига етиб боради. Энг муҳими, тизим сигнал келиб тушган жойнинг геолокациясини аниқ кўрсатади. Бу тажовузкорнинг жазосиз қолиш ҳақидаги хом-хаёлларини чиппакка чиқаради. Эндиликда зўравонлик содир этаётган шахс билиши ке-

раки, унинг ҳар бир ҳаракати назорат остида ва давлатнинг ҳимоя кучи жабрланувчига бир қадам масофада турибди. Технологиянинг бундай интеграцияси инсон омилини камайтириб, ёрдамнинг тезкорлиги ва муқаррарлигини таъминлайди.

Зўравонликнинг сурункали давом этишига сабаб бўладиган энг катта омиллардан бири бу иқтисодий қарамликдир. Кўп ҳолларда аёлларнинг “Кетсам, қаерда яшайман? Болаларимни ким боқади?”, деган ҳақли хавотирлари уларни ўйлашга ва сабр қилишга мажбур этади. 2026 йил 3 мартдаги Фармон айнан мана шу заиф нуқтага ечим берди.

Эндиликда жабрланувчи аёллар учун нафақат вақтинчалик бошпаналар, балки уларни касб-ҳунарга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш бўйича алоҳида ижтимоий пакетлар жорий этилмоқда. Давлат аёл кишига шунчаки “ҳимоя ордери” бериб қўймай, унга иқтисодий мустақиллик йўлини ҳам кўрсатмоқда. Бу зўравонлик занжирини узиш учун зарур бўлган энг муҳим “ижтимоий хавфсизлик”дир. Иқтисодий жиҳатдан мустақил, ўз ҳуқуқини биладиган аёл ҳеч қачон таҳқирланишга рози бўлмайди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, давлат ўз зиммасига олган мажбуриятни бажармоқда: мустаҳкам қонунлар ёзилди, “SOS” тизимлари яратилди ва ижтимоий ҳимоя механизмлари ишга тушди. Бироқ, энг мукамал қонун ҳам, агар жамият унинг мазмунини англаб етмаса, кутилган натижани бермайди. Зўравонликка қарши кураш бу фақат ички ишлар органининг ёки маҳалла фаолининг иши эмас, бу ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

Бугун қўйилаётган қатъий қадамлар эртанги кучли, адолатли ва маданиятли жамиятнинг энг мустаҳкам пойдеворидир.

Биз “сукут занжирини” узиб, ўрнига “ўзаро масъулият кўпригини” қуришимиз керак. Зеро, адолат қарор топган юртда сукут сақлаш жиноятга шерик бўлиш билан баробардир. Эртанги куннинг хавфсизлиги бугунги бефарқ бўлмаслигимиздан бошланади...

Фазлиддин ХИДИРОВ,

фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро суди судьяси.



БАРТЕР ШАРТНОМАСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ

АННОТАЦИЯ: мақолада бартер шартномасининг ҳуқуқий табиати, унинг фуқаролик ҳуқуқидаги ўрни ва ўзига хос жиҳатлари ёритиб берилган. Шунингдек, унинг меҳнат шартномаси билан ўхшаш ва фарқли томонлари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: бартер, меҳнат шартномаси, фуқаролик ҳуқуқи, мажбурият, товар ал-машинуви

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида турли ҳисоб-китоб шакллари мавжуд бўлиб, улар орасида бартер шартномаси алоҳида ўрин эгаллайди. Айниқса, пул маблағлари етишмаслиги ёки молиявий инқироз шароитида бартер муносабатлари кенг қўлланилади. Бартер шартномаси орқали тарафлар ўзаро товарлар, ишлар ёки хизматларни пул иштирокисиз алмашдилар. Бу эса унинг ҳуқуқий табиатини аниқлашни муҳим масалага айлантиради.

Бартер шартномаси — бу тарафлар ўртасидаги келишув бўлиб, унга кўра ҳар бир тараф иккинчи тарафга маълум бир товар, иш ёки хизматни пул тўловисиз тақдим этади.

Ҳуқуқий жиҳатдан қаралганда, бартер шартномаси классик пулли шартномалардан фарқ қилиб, эквивалент алмашинувга асосланади. Бу ерда асосий ўринни товарнинг қиймати эмас, балки унинг фойдалилиги ва келишилган эквивалентлиги эгаллайди.

Бартер шартномасининг ҳуқуқий табиати унинг фуқаролик ҳуқуқида қайси турдаги шартномага яқин эканлиги билан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига бартер шартномаси тушунчаси қўлланилмаган. Бу муносабатлар мазкур кодекснинг айирбош-лаш шартномасига оид қоидалари асосида тартибга солинади. Бундан ташқари бартер муносабатлари солиқ ва ташқи иқтисодий фаолият ҳақидаги нормалар асосида тартибга солинишига эътибор қаратиш лозим. ФКнинг 497-моддасига асосан айирбош-лаш шартномасига мувофиқ ҳар бир тараф иккинчи тарафга бир товарни бошқа товарга алмаштириш йўли билан мулк қилиб топшириш мажбуриятини олади. Шартномага нисбатан одатда тегишинча олди-сотди тўғрисидаги қоидалар қўлланади. Бунда алмаштириш йўли билан топшириш мажбуриятини олган товарни сотувчи ва қабул қилиш мажбуриятини олган товарни сотиб олувчи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида “бартер” атамаси алоҳида мустақил институт сифатида кенг қўлланилмаган. Аммо, бартер операцияларига товар (иш, хизмат)ларни реализация қилиш сифатида қаралган ва шу асосда солиққа тортилиши белгиланган.

Айрим ҳуқуқшунос ва иқтисодчи олимларнинг фикрларига кўра, бартер шартномаси ўз моҳиятига кўра айирбош-лаш шартномасининг тури ҳисобланади. Жумладан, С.С.Алексеев бартер муносабатларини айирбош-лаш шартномаси доирасида деб билади. О.Н.Садиков эса бартерни айирбош-лаш шартномасининг иқтисодий кўриниши деб баҳолашади, Е.Суханов бартер – бу пул иштирокисиз амалга оширилган айирбош-лаш эканлигини таъкидлайди. Ю.Толстойга кўра бартер мустақил шартнома эмас, балки айирбош-лашнинг амалиётдаги шаклидир.

Бошқа бир гуруҳ ҳуқуқшунос ва иқтисодчи олимлар эса бартерни мустақил шартнома ёки айирбош-лаш шартномасининг мураккаб-лашган шакли ёхуд “аралаш” шартнома сифатида талқин қиладилар.

Ҳар икки гуруҳ олимлар бунда бартер ва айирбош-лаш шартномаларининг ўхшаш (икки томонлама мажбурият, эквивалент ал-машинув, пул иштирок этмаслиги) ва фарқли (бартерда хизмат ва ишлар ҳам иштирок этиши мумкин, кўпинча ташқи иқтисодий фаолиятда қўлланилиши) жиҳатларини ҳисобга оладилар.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 августдаги “Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг 4-бандига асосан мамлакатимизда бартер шартномалари тузиш тақиқланган эди.

Бартер шартномаси фуқаролик ҳуқуқида мураккаб ва кўп қиррали ҳуқуқий институт ҳисобланади. У ўз моҳиятига кўра айирбош-лаш шартномасига яқин бўлса-да, замонавий иқтисодий муносабатларда мустақил аҳамият касб этади. Шу муносабат билан бартер муносабатларини самарали тартибга солиш учун қонунчиликни такомиллаштириш, иқтисодиётда бартер шартномаларини кенг қўллашга оид аниқ ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш зарурияти сезилмоқда.

Бахтиёр НОРМУРОДОВ,

Тошкент вилояти Нурафшон туманлараро иқтисодий судининг судьяси.

“Оила кичик ватан, оила тинч бўлса, бахтли бўлса, ватан тинч бўлади”

Ш.МИРЗИЁЕВ

ОИЛА– МУҚАДДАС ҚЎРҒОН

Жамиятнинг бош бўғини бўлган оила — эркак ва аёл ўртасидаги муносабатларга асосланади. Ҳар иккала томонга ўзига яраша масъулиятлар, бурчлар ва вазифалар юклатилган. Айнан оила умримизга мазмун, ҳаётимизга файз бағишлайди, жамият равнақи, юрт тараққиётида муҳим ўрин тутаяди. Зеро, айнан соғлом муҳит ҳукм сурган оилалардан соғлом ва юрт равнақи йўлида меҳнат қиладиган фарзандлар тарбия топади.

Эркак киши жисмоний ва руҳий жиҳатлари билан оила раҳбари бўлишга мос қилиб яратилган. Оила қуриш ва унинг осойишталигини сақлаш унинг зиммасидадир.

Қуръони каримда “Аёлларингиз билан яхши муошаратда яшанг” — деб амр қилинган. Аёлни ерга уриб, хўрлаб, унга азият етказмаслик, беъътибор ташлаб қўймаслик эрининг маънавий бурчи ҳисобланади.

Бироқ, бугунги “қаҳрамонимиз” ўз оиласи олдидаги масъулияти, бурч ва вазифаларини унутган кўринади. Акс ҳолда ...

Таълат Эронов (исм-шарифи ўзгартирилган) 27 ёшида, айни навқирон вақтида ўзидан 8 ёш кичик бўлган, эндигина 19 ёшга кирган, бувисининг қўлида катта бўлган Сунбула Усмонова (исм-шарифи ўзгартирилган) билан турмуш қуради.

Эр-хотин дастлаб тинч-тотув яшашди. Ҳамма воқеа Сунбула қиз фарзандли бўлганидан кейин бошланди. Дастлаб Таълат арзимас сабаблар билан жанжал чиқаришни одат қилади. Яъни, “дарвозахонани йиғиштирмагансан” — деб, бошланган жанжал кейинчалик кунора такрорланадиган бўлди. Бу орада фарзандининг тоби қочганлиги Таълат учун яна бир баҳона бўлди. “Ҳеч кими йўқ етимча” — деб, жанжал чиқариб, Сунбулани уриб, камситиб, хўрлаб, яшаш уйдан ҳайдаб юборади. Бувисининг уйига борган Сунбула фарзандини касалхонага олиб борганлигини эшитган Таълат унинг ортидан касалхонага ҳам етиб бориб, “Фарзандимни сенлар касал қилгансанлар” — деб, турмуш ўртоғини кўпчилик олдида ҳақорат қилиб, уриб, хўрлаган.

Икки ёш оила ўртасидаги келишмовчилик маҳалла фуқаролар йиғинида муҳокама қилиниб, ёшлар яраштириб қўйилган.

Афсус, бу билан Таълатнинг оиласига бўлган ҳурмати, фарзандининг тақдирига бўлган муносабати ўзгармади. Таълат ўз қилмишларини давом эттириб, “ошхонада турган идиш-товоқларни ювиб қўймагансан”, — деб, шунингдек, Сунбула жияни билан телефонда гаплашаётганлигини кўриб, қаттиқроқ қулиб гаплашаётганини баҳона қилиб, жанжал чиқариб, уни уриб, жисмоний азоб берган.

Ёш келинчак иложсизликдан бу ҳақида маҳалла фуқаролар йиғинига мурожаат қилади ва яна маҳалланинг аралашуви билан ёш оила яраштириб қўйилади.

Бу каби жанжаллар шундан кейин ҳам давом этиб, ҳар сафар айнан маҳалланинг аралашуви билан Таълат ва Сунбулани муроасага келтириб қўйиш давом этаверди. Ҳатто, қизининг туғилган кунида ҳам арзимас сабаб билан жанжал чиқарган Таълат турмуш ўртоғини меҳмонлар ўтирган хонадан бошқа хонага олиб чиқиб, бошига, биқинига тепиб, шаъни ва қадр-қимматини камситишни “канда” қилмади.

Т.Эронов турмуш ўртоғи иккинчи фарзандига ҳомиладор бўлганидан кейин ҳам ўзига хулоса чиқариб олиш, оила

бошлиғи, оталик масъулияти ҳақида уйлаб кўрмади. Хотинини “қўйлак олиш учун пул сўраганлигини” баҳона қилиб, уни ҳақоратлаб, камситиб, чап юз соҳаси ва кўзининг тагига бир шапалоқ урганида, Сунбула зарб кучидан ерга йиқирилиб, боши эшик остонасига тегиши оқибатида тан жароҳати олган.

Охир-оқибат, турмуш ўртоғининг хўрлаш, камситиш ва таҳқирлашларига чидай олмаган Сунбула яшаш ҳовлисининг ҳаммоми олдида бўлган турник темирига арқондан сиртмоқ тайёрлаб, ўзини-ўзи бўйин соҳасидан осиб, ўз жонига қасд қилиб, ҳодиса жойида вафот этган.

Т.Эронов қилмишига яраша жазосини олди. Суднинг ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 103-моддаси 2-қисми “а,б” банди билан айбли, деб топилди, умрининг 8 йилини сим тўсиқлар ортида ўтказадиган бўлди.

У вақти келиб жазо муддатини ўтар, бироқ, виждон азобидан қутула олармикан, 1 ёшида она меҳридан маҳрум бўлиб қолган фарзандининг кўзига қандай боқади, онаси ҳақидаги саволларига нима деб жавоб беради?!

Сўнги вақтларда ижтимоий тармоқлар орқали хотин-қизларга нисбатан турли кўринишдаги зўравонлик, руҳий ва жисмоний тазйиқлар ўтказилаётгани, уларни ўз жонига қасд қилиш даражасига олиб борилаётгани билан боғлиқ хабарлар тарқалаётгани барчамизни ташвишга солмоқда.

Тўғри, кейинги йилларда бу тоифадаги жиноятлар учун жазо муқаррарлиги принципини амалда таъминлаш мақсадида Жиноят кодексига ўзгартиш киритилиб, ўзини-ўзи ўлдириш даражасига етказиш ва унга ундаш учун жазо қўйилди.

Бироқ, амалиёт фақат жазо чораларини қўллаш таҳдиди билан эмас, аввало, аҳоли онгига ҳуқуқбузарлик ва жиноятга қўл урмаслик, Ватанга садоқатли бўлиш, атрофдаги инсонларга юксак ҳурматда бўлиш каби фазилатларни сингдириш, фуқароларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга, аҳоли, аввало, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган профилактик, маърифий фаолиятни ташкил этиш ва амалга ошириш орқали кўзланган мақсадга эришиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Бу эса, барчамиздан сергаклик, ҳушёрлик, ён-атрофимиздаги воқеликларга бефарқ қарамасликни тақозо қилади. Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг таъбирлари билан айтганда “Инсон ҳаёти, инсон манфаати билан боғлиқ соҳаларда майда нарсанинг ўзи йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас”.

Шаҳзод БАХТИЁРОВ,

жиноят ишлари бўйича Деҳқонобод туман суди раиси.

АЁЛЛАР ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ

Илмий манбаларда аёллар фирибгарлигининг сабаблари куйидаги омиллар билан изоҳланади:

◆ **Ижтимоий-иқтисодий омиллар:** ишсизлик, доимий даромад манбаининг йўқлиги ва қашшоқлик ("муҳтожлик" мотиви).

◆ **Психологик мотивлар:** тамагирлик, қиммат буюмларни сотиб олиш истаги ёки жиноий йўл билан топилган маблағларни оила эҳтиёжларига сарфлаш ("оилавий тамагирлик").

◆ **Гендер хусусиятлари:** аёллар жисмоний куч талаб қилмайдиган, ақлий фаоллик ва психологик манипуляцияга асосланган жиноятларга (ўғрилик, фирибгарлик, ўзлаштириш) кўпроқ мойиллик кўрсатадилар.

◆ **Экстремал шароитлар:** оилавий низолар, ўтмишдаги психологик травмалар ва зўравонлик қурбони бўлиш аёлларни ўзини ҳимоя қилиш ёки қасос олиш мақсадида жиноят йўлига ундаши мумкин.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, аёллар жиноятчилиги эркакларникидан ҳажми бўйича кам бўлса-да, унинг ўсиш суръатлари юқори. Аёл фирибгарларнинг ижтимоий-демографик портретига кўра, уларнинг ўртача ёши 30-32 ёшни ташкил этади, бироқ асосий қисми 35 ёшдан ошган хотин-қизлардир. Бу уларнинг касбий фаолияти ва оилавий муносабатлари барқарорлашган даврга тўғри келади. Маълумот даражасига кўра, фирибгарлик содир этган аёллар орасида ўрта махсус ва олий маълумотлилар улуши ортиб бормоқда, бу эса жиноятнинг интеллектуал хусусиятини кўрсатади. Шунингдек, маҳкум аёлларнинг 67,7 фоизи болали бўлиб, уларнинг ҳар тўртинчиси икки ёки ундан ортқ фарзандга эга.

Хорижий давлатларда аёллар фирибгарлигига қарши курашнинг турли моделлари мавжуд. Масалан, Буюк Британияда фирибгарликларнинг 25 фоизи аёллар томонидан содир этилса, АҚШ ва Канадада бу кўрсаткич 38 фоизни ташкил қилади. Буюк Британия тажрибасига кўра, аёллар кўпинча "ҳамкор-жиноятчи" (co-conspirators) ролда намоён бўладилар ва асосан эркак раҳбарлар томонидан жиноий схемаларга жалб қилинадилар. Бунга қарши курашда "Жинсдан ташқари тенглик модели" (Буюк Британия) самарали қўлланилади, у иқтисодий ривожланиш ва гендер мувозанатини сақлаш орқали жиноятчиликни камайтиришни кўзлайди.

Хорижий тажрибада превентив чораларнинг энг самаралиси — "гендерга сезгир ёндашув" (gender-sensitive approach) ҳисобланади. Бу модел тергов жараёнида аънавий стереотиплардан воз кечишни ва аёлларнинг жиноий ролларини чуқурроқ таҳлил қилишни талаб қилади. Масалан, Филиппинда инвестиция фирибгарликларнинг олдини олишда аёллар ва эркаклар учун алоҳида ахборот кампаниялари ўтказилади, чунки аёллар кўпроқ "романтик фирибгарликлар" (romance scams), эркаклар эса криптовалюта схемалари қурбони бўлишади. Шунингдек, корхоналар ичида аёл раҳбарлар улушининг ортиши коррупцияни камайтириши ҳақидаги илмий қарашлар халқаро профилактика тизимининг бир қисмига айланган.

Амалдаги қонунчиликда фирибгарликни жиловлаш бўйича муайян ютуқлар мавжуд. Масалан, Жиноят кодексининг 168-моддаси 5-қисмига кўра, етказилган моддий зарарнинг ўрни тўлиқ қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазолар қўлланилмайди. Бу норма аёл жиноятчиларнинг реабилитацияси учун муҳим имкониятдир. Бироқ, профилактика тизимида айрим бўшлиқлар ҳам мавжуд. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, одил судлов тизимидаги 497 та статистик шаклдан фақат 7 тасида гендер кесимидаги маълумотлар мавжуд, бу эса аёллар жиноятчилигини тизимли таҳлил қилиш ва манзилли чоралар кўришга тўсқинлик қилмоқда. 2023 йилдаги ЎРҚ-829-сонли қонун билан хотин-қизлар ҳимояси кучайтирилган бўлса-да, иқтисодий жиноятларнинг "латент" (яширин) табиатини очишда ҳали ҳам институционал қийинчиликлар сақланиб қолмоқда.

Ўзбекистонда аёллар фирибгарлигининг олдини олиш учун фақат жазо чораларини эмас, балки "Аёллар дафтари" орқали иқтисодий қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий хабардорликни ошириш тизимини янада такомиллаштириш зарур.

Аёллар томонидан содир этиладиган фирибгарлик жиноятчилиги бўйича ўтказилган қиёсий криминалогик таҳлиллар куйидаги хулосаларни шакллантириш имконини беради:

● Аёллар фирибгарлиги эркакларникидан фарқли равишда жисмоний кучга эмас, балки ақлий фаоллик, ҳийла-найранг ва ҳиссиётларга таъсир ўтказиш орқали ишонччи суиистеъмоқ қилишга асосланган интеллектуал хусусиятга эга.

● Фирибгарлик содир этувчи аёлларнинг ўртача ёши 30-32 ёшни ташкил этиб, уларнинг 67,7 фоизи фарзандли аёллардир.

● Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, аёллар нафақат жиноий схемаларнинг пассив ижрочилари, балки тобора кўпроқ ташкилотчи ва фаол шерик (co-conspirators) сифатида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон амалиётида аёллар жиноятчилигининг олдини олишда куйидаги тўсиқлар мавжудлиги аниқланди:

◆ Одил судлов тизимидаги 497 та статистик шаклдан фақат 7 тасида гендер кесимидаги маълумотлар мавжудлиги муаммонинг ҳақиқий кўламини кўришга ҳалақит бермоқда.

◆ Суд жараёнлари ва янги қонун ҳужжатларининг (масалан, ЎРҚ-829) амалдаги самарадорлигини мониторинг қилиш тизими ҳали тўлиқ шаклланмаган.

◆ Аёллар учун бепул юридик ёрдам олиш ва ўз ҳуқуқларини судларда ҳимоя қилишда керакسىз "исботлаш юки" ва молиявий харажатлар мавжуд.

Куйида қонунчиликка оид амалий таклифларимизни келтириб ўтаемиз:

1-таклиф: "гендерга сезгир тергов ва профилактика" тизимини жорий этиш. Филиппин ва Буюк Британия тажрибасидан келиб чиқиб, аёл фирибгарларнинг ўзига хос детерминантларини ҳисобга олувчи тергов методикаларини ишлаб чиқиш зарур. Бу терговчиларга аънавий гендер стереотипларидан воз кечишга ва яширин (латент) иқтисодий жиноятларни аниқроқ очишга ёрдам беради.

2-таклиф: Жиноят ва Жиноят-процессуал қонунчилигига "Рақамли мониторинг" тизимини киритиш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 4 мартдаги Фармонида "SOS" тизими ва "Ўсмир-сигнал" модули каби рақамли воситаларни фирибгарлик хавфи мавжуд бўлган "Аёллар дафтари"даги шахслар учун ҳам кенгайтириш таклиф этилади. Бу иқтисодий тангликка тушиб қолган аёлларнинг фирибгарлик схемаларига жалб қилинишини эрта босқичда аниқлаш ва превентив ёрдам кўрсатиш имконини беради.

3-таклиф: статистика ҳисоботи тизимини ислоҳ қилиш. Олий суд ва Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг барча статистик ҳисобот шаклларида мажбурий "гендер" мезонини киритиш. Ҳозирги кунда мавжуд бўлган 7 та шаклни кўпайтириш орқали аёллар жиноятчилиги бўйича манзилли ва илмий асосланган профилактика дастурларини тузиш имконияти яратилади.

4-таклиф: ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлашнинг манзиллигини ошириш. "Аёллар дафтари" тизимини модернизация қилиб, фирибгарлик қурбони бўлган ёки ушбу жиноятга мойиллиги бор аёллар учун "Ҳуқуқий-иқтисодий инкубаторлар" ташкил этиш. Моддий қийинчилик ("муҳтожлик" мотиви) аёлларни фирибгарликка ундовчи асосий омил бўлгани сабабли, уларга қонуний даромад манбаи яратиб бериш жиноятчиликни камайтиришининг энг самарали йўлидир.

Азиза МИРЗАЕВА,

жиноят ишлари бўйича Томди туман судининг раиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

- O'rinova D.A. Ayollarda jinoyatga moyillikning psixologik sabablari // Nauka, innovatsii i obrazovanie: klyuchevye vektory obshchestvennogo progressa. – Farg'ona, 2024. – № 1. – B. 117-119.
- Ayollar tomonidan sodir etilgan iqtisodiyot asoslariga qarshi jinoyatlar // Eurasian Journal of Social Sciences, Philosophy and Culture. – Toshkent: Innovative Academy, 2025. – Vol. 1. – B. 1040-1052.
- Snoska: G'ofurova D.M. Ayollar tomonidan sodir etilgan iqtisodiyot asoslariga qarshi jinoyatlar // Eurasian Journal of Social Sciences, Philosophy and Culture. – 2025. – Vol. 1. – B. 1040-1052.
- Saydivaliyeva X.X. "Ayollar huquqlari" va "gender tengligi" tushunchalari: o'zaro munosabat va farqlar // Markaziy Osiyoda jamiyat, gender va oila. – Toshkent, 2024. – № 4 (13). – B. 29-33.
- Tauveron L.A. Female Lens on Financial Crime Offences // Economic Crime Insight. – 2025. – June 6.
- O'zbekiston Respublikasining Jinoyat kodeksi: 22.09.1994 yildagi // Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 21.09.2024-y., 03/24/963/0735-son.
- Xotin-qizlar va bolalar huquqlari, erkinliklari hamda qonuniy manfaatlarini ishonchli himoya qilish tizimi yanada takomillashtirilishi munosabati bilan O'zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o'zgartish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida: O'zbekiston Respublikasining Qonuni, 11.04.2023 yildagi O'RO-829-son // Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 12.04.2023-y., 03/23/829/0208-son.

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИНСТИТУЦИОНАЛ ҲАМКОРЛИК: ҚОНУНЧИЛИК ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАРУРИЯТИ

Бугунги кунда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш нафақат ички ишлар органлари, балки бир қатор давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамжиҳатликдаги фаолиятини талаб қилувчи кенг қамровли тизимли вазифа ҳисобланади. Ўзбекистонда автомобиллар сонининг ошиб бориши, йўл инфратузилмасининг кенгайиши ва ҳаракат интенсификациясининг ортиши нафақат инфратузилмавий, балки институционал ҳамкорликни ҳам кучайтиришни талаб этмоқда. Идоралараро ҳамкорликнинг самарали ташкил этилиши — авариялар сонини камайтириш, профилактика тадбирларини кучайтириш, таълим ва тарғибот фаолиятини кенгайтиришда ҳал қилувчи омил бўлмоқда.

Бугунги кунда мамлакатда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда идоралараро ҳамкорликнинг қуйидаги замонавий йўналишларини кузатиш мумкин¹. Буларга:

а) қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий база бўйича мувофиқлашув йўналиши – мазкур устувор йўналишга кўра, мамлакатда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда иштирок этувчи идора ва ташкилотлар фаолияти Ўзбекистон Республикасининг “Йўл ҳаракати тўғрисида”-ги Қонуни², Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги ПФ-27-сон фармони³, МЖТК⁴нинг айнан йўл қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик асослари ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида мувофиқлаштирилади;

б) ахборот алмашинуви ва рақамли технологиялардан фойдаланиш йўналиши – давлат ташкилотлари ўртасида ахборот алмашинувини автоматлаштириш, ҳодисаларни таҳлил қилиш ва профилактика чораларини тезкор белгилаш учун махсус тизимлар жорий этилмоқда. Хусусан:

◆ идоралар ўртасида онлайн маълумот алмашиш тизимлари фаол ишламоқда. Масалан, ИТХлар, жароҳатланмишлар ва ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги маълумотлар Ички ишлар органлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ўртасида электрон тарзда юборилади;

◆ “Smart City” лойиҳаси⁵ доирасида, геоахборот тизимлари (GIS) ва сунъий интеллект (AI) технологиялари орқали ҳодисалар таҳлил қилиниб, қайси ҳудудда хавф юқори эканлиги аниқланади. Бу тажриба халқаро ташкилотлар, жумладан, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (JSST) томонидан ҳам тавсия этилади;

◆ транспорт йўналишлари ва оқимини бошқариш мақсадида, давлат ахборот тизимлари (масалан, “Yagona interaktiv davlat xizmatlari portali”⁶ (my.gov.uz) ва “Avtovokzal.uz”⁷) билан ҳамкорликда таҳлил ишлари амалга оширилмоқда. Бу орқали автомобиллар оқими, йўллардаги тирбандликлар ва хавfli участкалар ҳақида тезкор маълумот олиш мумкин бўлмоқда;

в) йўл инфратузилмасини яхшилаш бўйича ҳамкорлик йўналиши – мазкур йўналишга кўра, мамлакатда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда инфратузилмани тўғри ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, йўллар,

йўл белгилари, пиёдалар йўлаклари ва бошқа муҳандислик ечимлари тўғри лойиҳалаштирилганда, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш имкони ортиб боради. Энциклопедияда, “Ўзавтойўл” ва Шаҳарсозлик қўмитасининг ўзаро ҳамкорлигига:

- ◆ хавfli йўл кесимчаларини қайта жиҳозлаш;
- ◆ эскирган йўл белгилари ўрнига янгиларини ўрнатиш;
- ◆ пиёдалар учун хавфсиз ўтиш жойлари яратиш ишлари амалга оширилмоқда.

Шунингдек, мамлакатда йўлларни қайта лойиҳалаш жараёнида халқаро тажрибалар, жумладан, Швециянинг “Vision Zero” дастури асосидаги ёндашувлардан илҳом олинган. Ушбу дастурнинг асосий мақсади - йўллардаги ўлим ҳолатларини тўлиқ бартараф этишдир. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, биргина Тошкент шаҳрида 2023–2024 йилларда “Smart Crosswalk”⁸ (ақлли пиёдалар ўтиш жойи) лойиҳаси асосида пиёдалар ўтишида ёруғлик сигналлари ва сенсорли тизимлар жорий этилиши белгиланган;

г) ахборот-маърифий ишларни ташкил этишда идоралараро ҳамкорлик йўналиши – мазкур йўналишга кўра, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш фақат техник воситалар ёки ҳуқуқий жазолар билан чекланмайди. Унинг яна бир муҳим йўналиши — фуқаролар, айниқса, ёш авлод орасида йўл ҳаракати маданиятини шакллантириш, уларда қонунга итоаткорлик ва масъулият туйғусини уйғотишдир. Бу борада ахборот-маърифий тадбирлар муҳим ўрин тутди ва турли идоралар ўртасидаги ҳамкорлик асосида амалга оширилади;

д) назорат ва жавобгарлик чораларини мувофиқлаштириш йўналиши – мазкур йўналишга кўра, ҳуқуқбузарликларни автоматлаштирилган фото ва видеофиксация воситалари орқали аниқлаш амалиёти йўлга қўйилган.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш – фақат амалиётга оид масала бўлиб қолмасдан, у ижтимоий, ҳуқуқий ва институционал муносабатларнинг мураккаб тизимини қамраб олган ҳолда, комплекс ёндашувни талаб этади.

Ушбу йўналишда идоралараро ҳамкорликнинг назарий-ҳуқуқий асослари кўплаб таниқли ҳуқуқшунос олимлар томонидан турли жиҳатлардан ўрганилган. Хусусан, С.А. Комаров ўз тадқиқотларида идоралараро ҳамкорликни “давлат бошқарувининг ҳуқуқий механизмидаги ҳал қилувчи омиллардан бири” сифатида баҳолайди ва уни норматив бошқарув, ваколатлар тақсироти ҳамда жавобгарликни аниқлаш орқали мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлайди⁹.

Л.М. Энтин идоралараро муносабатларни давлат бошқаруви самарадорлигини таъминловчи конституцион ва функционал омил сифатида кўради. Унинг таъкидлашича, қонун ижодкорлиги ва бошқарувда органлар ўртасидаги мувофиқлашув юридик метёрлар билан таъминланмаса, тизим самарасиз бўлади¹⁰.

В.Н. Хропанюкнинг фикрича, “хуқуқий давлат”да органлар ўртасидаги муносабатлар аниқ хуқуқий чегаралар билан белгиланиши шарт. Унга кўра, идоралараро ҳамкорлик қонун устуворлиги, масъулият ва аниқ функциялар асосида ташкил этилиши зарурдир¹¹. М.И. Байтиннинг илмий қарашини буйича эса идоралараро ҳамкорликда “функционал ихтисослашув ва институционал мувофиқлашув”ни назарда тутди. Унинг таъкидлашича, хавфсизликка оид ҳар қандай тизимда ҳеч бир орган ёлғиз ҳаракат қила олмайди. Мазкур ҳолатда комплекс ёндашув талаб қилинади¹². А.А. Мишин таъбирича, идоралараро ҳамкорликнинг ахборот-коммуникация тизимлари орқали ташкил этилиши керак. У йўл ҳаракати хавфсизлиги, транспорт назорати ва фавқулодда вазиятларда идоралар ўртасидаги интеграциялашган маълумот алмашинуви самарадорликни оширишини кўрсатади¹³. Ю.М. Козлов назариясида маъмурий ҳуқуқ доирасида идоралараро муносабатларни хуқуқий категория сифатида қараб, уларни давлат бошқарувидаги тенглаштирувчи механизм сифатида баҳолайди. У давлат органлари ўртасидаги ваколатларнинг чегараларини белгилаш ва ўзаро жавобгарлик механизмларини аниқлаш муҳимлигини таъкидлайди¹⁴.

Юқорида биз хуқуқшунос олимларнинг илмий-назарий қарашларини атрофлича таҳлил қилдик. Энди эса, ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш ва таққослаб таҳлил қилиш орқали ўз қарашларимизни билдирамиз. Жумладан:

Швеция давлатининг “Vision Zero” концепцияси: назария, амалий механизмлар ва натижалар¹⁵ – мазкур давлатда 1997 йилда ҳуқумат томонидан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида радикал янгилик сифатида **“Vision Zero”** (ўзбек тилида: “Нол ўлим” ёки “Нол йўл қурбонлари”) концепцияси қабул қилинди. Мазкур концепциянинг илк назарий асослари транспорт муҳитида инсон ҳаётининг олий қадрият сифатида қаралишига таянади. Унга кўра, ҳар бир фуқаро ҳаракатда хатога йўл қўйиши мумкин, аммо йўл тизими бундай хатоларни ҳисобга олган ҳолда, инсон ҳаёти ва саломатлиги учун оғир оқибатларнинг олдини олиши лозим.

Мазкур “Vision Zero” концепциясининг асосий тамойиллари куйидагилардан иборат:

◆ *йўл инфратузилмаси, транспорт воситалари ва қонунчилик инсон хатоларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши керак;*

◆ *ҳаракат иштирокчилари (пиедалар, ҳайдовчилар) ва тизим лойиҳаловчилари ўртасида масъулият тақсимланади. Масалан, ҳайдовчи ҳаракат қонунларини бузса, тизим шу хатонинг оғир оқибатга олиб келмаслигини кафолатлашга интилади;*

◆ *давлат органлари, шаҳарсозлар, муҳандислар ва соғлиқни сақлаш тизими вакиллари йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда биргаликда фаолият юритадилар;*

◆ *йўл ҳодисаларининг сабаблари аниқланади ва ҳар бир ҳолат буйича таҳлил асосида тизимли ўзгаришлар киритилади.*

Норвегиянинг “Safe System” ёндашуви асосида тизимли хавфсизлик модели ва унинг самарадорлиги¹⁶ кенг жорий этилган бўлиб, у инсон ҳаётини йўл ҳаракатининг марказий қадрияти сифатида қабул қилади. Бу моделнинг асосий мақсади — транспорт тизимини шундай ташкил этиш керак-ки, ҳатто ҳаракат иштирокчилари хатога йўл қўйганда ҳам улар оғир тан жароҳати олмасин ёки ҳаётдан айрилмасин.

Мазкур “Safe System” ёндашувининг асосий элементларига:

● *тизимли ва комплекс ёндашув – йўл инфратузилмаси, транспорт воситалари, қонунчилик, полиция назорати, таълим ва жамоатчилик билан ҳамкорлик бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда амалга оширилади;*

● *манфаатдор субъектлар ўртасидаги ҳамкорлик – йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда фақатгина полиция эмас, балки шаҳарсозлар, муҳандислар, соғлиқни сақлаш тизими ва фуқаролик жамияти институтлари ҳам иштирок этади;*

● *очиқ маълумотлар ва таҳлиллар асосида бошқарув – ҳар бир йўл-транспорт ҳодисаси таҳлил қилинади, натижалар эса хавфни камайтириш чораларини ишлаб чиқишда фойдаланилади;*

● *тарғибот ва хуқуқий таълим – жамоатчиликни йўл ҳаракати хавфсизлигига жалб қилиш, шахсий масъулиятни оширишга қаратилган ахборот-тарғибот ишлари тизимли равишда олиб борилади.*

Бу йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда тизимли ва комплекс ёндашувни назарда тутди. Бунда барча манфаатдор томонлар, жумладан, полиция, шаҳарсозлик ва жамоатчилик ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ушбу ёндашув Норвегияда йўл-транспорт ҳодисаларидаги ўлимлар ва жароҳатлар сонини камайтиришда самарали бўлган.

Японияда фуқаролик жамияти ва давлат органлари ўртасидаги ҳамкорлик асосида йўл ҳаракати хавфсизлиги таъминланади. Мазкур давлатда йўл ҳаракати хавфсизлиги таъминлашда юқори даражадаги институционал тизим ва жамоатчилик иштирокини уйғунлаштирган самарали модел шакллантирилган. Мазкур тизимнинг энг муҳим хусусиятларидан бири — фуқаролик жамияти институтлари, ННТлар (нотижорат ташкилотлар), маҳаллий ҳокимиятлар ва марказий давлат органлари ўртасидаги доимий ҳамкорликдир. Бу ҳамкорлик фақат расмий назорат билан чекланмай, балки аҳоли, хусусан, болалар, кексалар ва ноғиронлиги бор шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга ҳам қаратилган¹⁷.

Ҳамкорликнинг асосий йўналишларига:

◆ *Фуқаролик жамияти ва волонтерлик ҳаракатлари: Японияда кўплаб йўл хавфсизлигига ихтисослашган ННТлар фаолият юритади. Улар мактабларда таълимий лойиҳалар, маҳаллада турли семинар ва флешмоблар ташкил этиб, болалар ва ёшлар орасида йўл маданиятини шакллантиради.*

◆ **Маҳаллий ҳокимиятлар билан ўзаро ҳамкорлик:** ҳар бир маҳаллий ҳокимият ўз ҳудудда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш учун махсус дастур ва гуруҳлар тузади. Улар ўз навбатида фуқаролик жамияти билан ҳамкорликда йўл тузилмалари, белгилари ва ниёдалар йўлакларини такомиллаштириш устида иш олиб боради.

◆ **Давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги:** йирик автомобил компаниялари (масалан, Toyota, Honda) фуқаролар учун хавфсизлик технологиялари ва симуляторларни бепул тақдим этади. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари орқали фуқаролар орасида тарғибот ишлари мунтазам равишда олиб борилади.

◆ **Фавқулодда вазиятларга тайёрлик:** Японияда табиий офатлар тез-тез рўй берадиган мамлакат сифатида, йўл ҳаракати хавфсизлиги фақат тинчлик пайтида эмас, балки фавқулодда вазиятларда ҳам тўлиқ ишлайдиган тизим шакллантирилган. Бунинг учун фуқароларга доимий равишда эвакуация йўналишлари, хавфсиз ҳаракат қилиш тартиби ва тезкор ҳаракат гуруҳлари фаолияти ҳақида маълумот бериб борилади.

Юқорида таҳлил қилинган амалдаги ҳолат ва илғор халқаро тажрибаларга асосланиб, янги Ўзбекистонда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда идораларо ҳамкорликни тизимли ва комплекс асосда такомиллаштиришни назарда тутувчи куйидаги илмий тақлифларнинг илгари сурилиши ўринли бўлади. Хусусан:

биринчидан, институционал ва ҳуқуқий мувофиқликни кучайтириш. Бунда, ҳуқуқшунос олимлар С.А.Комаров ва Ю.М. Козловларнинг идораларо муносабатларни ҳуқуқий ва бошқарувий тизимда тартибга солиш борасидаги назарий қарашларини инobatга олиб, мамлакатда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида иштирок этувчи барча идоралар фаолияти ўртасида аниқ ҳуқуқий чегаралар, ваколатлар тақсмоти ва масъулиятли институтлар тизими шакллантирилиши зарур;

иккинчидан, "Vision Zero" ва "Safe System" каби халқаро концепциялар асосида миллий моделни яратиш. Бунда, Швеция ва Норвегиянинг халқаро тажрибасига асосланган ҳолда, Ўзбекистон миллий ҳарқаро нормаларга интеграцияланган "Йўл хавфсизлиги концепцияси" ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши мақсадга мувофиқ. Бу концепцияда инсон ҳаётининг устуворлиги, идораларо мувофиқлик, профилактика ва таҳлил асосидаги бошқарув белгиланиши лозим. Мазкур ислохот "Vision Zero" концепциясидаги қатъий ёндашув асосида "бирорта инсон ўлими қабул қилиб бўлмайдиган йўқотишдир" деган тамойил Ўзбекистон ҳуқуқий сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлантирилиши керак;

учинчидан, ахборот алмашинуви ва рақамлаштиришни институционал даражага олиб чиқиш. Бунда, ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маҳаллий ҳокимиятлар, ФВВ, "Ўзавтойўл" ва бошқа идоралар ўртасида интеграциялашган маълумот алмашиш платформаси яратилиши лозим. Шунингдек, "Smart City", "GIS", "AI" технологияларидан фойдаланиш фақат тест тарзида эмас, балки ҳуқуқий-норматив асосда мажбурий тарзда жорий қилиниши керак;

тўртинчидан, фуқаролик жамияти ва хусусий сектор иштирокини рағбатлантириш. Бунда Япония давлатининг ижобий тажрибаси каби фуқаролик жамияти институтларининг таълим, тарғибот, мониторинг, жамоат назорати соҳаларидаги иштироки давлат дастурлари ва грантлар орқали рағбатлантирилиши зарур. Шунингдек, автомобил ишлаб чиқарувчи ва технология компаниялари иштирокида жамоат хавфсизлиги учун мослаштирилган технологик ечимлар жорий қилиниши лозим;

бешинчидан, маориф ва тарғибот фаолиятини марказлаштириш. Бунда, ўқув дарсликларидан ва мактаб дастурларида йўл ҳаракати маданияти ва "фаол пиёда" концепцияларини жорий этиш. Шунингдек, идораларо ҳамкорликда оммавий ахборот воситалари орқали доимий ижтимоий реклама ва таълимий роликлар кампанияси йўлга қўйилиши керак;

олтинчидан, ҳисоботлилик ва жавобгарликни кучайтириш. Бунда, барча иштирокчи идоралар фаолияти бўйича шаффоф ҳисоботларни талаб қилиш, уларни жамоатчиликка тақдим этиш ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш. Шунингдек, идораларо ҳамкорлик самарадорлиги бўйича индекслар ва КРІ тизими жорий қилиниши керак (масалан, "Ҳудудий йўл хавфсизлиги индекси").

Зухриддин МУХАММАДАЛИЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети мустақил ишланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти: president.uz; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг расмий веб-сайти: gov.uz; Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг расмий веб-сайти: mvd.uz
2. Ўзбекистон Республикасининг "Йўл ҳаракати тўғрисида"ги Қонуни // <https://www.lex.uz/docs/6764454>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПФ-27-сон фармони // <https://lex.uz/docs/5749291>
4. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // <https://lex.uz/docs/97664>
5. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг "Смарт Шаҳар (Smart City) концепцияси" тўғрисида // mitc.uz расмий веб-сайти
6. "Yagona interaktiv davlat xizmatlari portali" – <https://my.gov.uz>
7. "Avtovokzal.uz" – транспорт йўналишлари ва ҳаракат жадвали маълумотлар базаси.
8. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ахборот хизмати, "Smart Crosswalk" лойиҳаси тўғрисида (2023) – <https://tashkent.uz>
9. Комаров С.А. Общая теория государства и права. — М.: Юрайт, 2020. — С. 314–320.
10. Энтин Л.М. Конституционное право и государственное управление. — М.: Норма, 2019. — С. 200–208.
11. Хропанюк В.Н. Теория государства и права. — М.: Юрайт, 2019. — С. 281–289.
12. Байтин М.И. Органы правопорядка и их взаимодействие: теория и практика. — М.: Норма, 2017. — С. 145–153.
13. Мишин А.А. Информационное взаимодействие органов публичной власти. — Екатеринбург: УрГЮУ, 2017. — С. 67–74.
14. Козлов Ю.М. Административное право России. — М.: Проспект, 2020. — С. 301–308.
15. Smart City Sweden. "Vision Zero: the road safety project where no one shall be killed or seriously injured." Retrieved from: <https://smartcitysweden.com>
16. Norwegian Public Roads Administration (Statens vegvesen) – National Plan for Road Safety 2022–2025 – <https://www.vegvesen.no>
17. National Police Agency of Japan. White Paper on Traffic Safety in Japan, 2022 // <https://www.npa.go.jp>

ТОВАРЛАР, ХИЗМАТЛАР ВА МОЛИЯВИЙ МАБЛАҒЛАРНИНГ ЭРКИН ҲАРАКАТИ ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИНИНГ МУҲИМ ТАМОЙИЛИ

Бозор иқтисодиётига асосланган ҳар бир ҳуқуқий, демократик давлатларнинг фуқаролик ҳуқуқий муносабатларида амалда бўладиган асосий тамойилларидан бири давлат ҳудудида товарлар, хизмат (ишлар)лар ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракати принципидир.

Шу нуқтаи назардан ҳам Ўзбекистон Республикаси конституциясининг 67-моддасида давлат қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини таъминлаши мустаҳкамланган.

Албатта, товарлар, хизматлар ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракати принципини амалда таъминлашда мулкдор ўзига тегишли бўлган мол-мулкка ўз хошича эгалик қилади, ундан фойдаланади ҳамда уни тасарруф этади. Тадбиркорлар қонунчиликка мувофиқ ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга ҳамда ўз фаолияти йўналишларини мустақил равишда танлашга ҳақли деган конституцияда белгиланган нормалар асосида берилган бу борадаги ҳуқуқлар кафолати билан қўллаб-қувватланади.

Негаки, давлатнинг иқтисодий юксалиши айнан товарлар, хизматлар ва молиявий маблағлар эркин ҳаракатининг амалда қай даражада таъминланишига боғлиқдир. Яъни, иқтисодий юксалишни мақсад қилган ҳар қандай давлат мазкур принципни ҳаётга кенг қўламли, тизимли ва узлуксиз қўлланишини кафолатлаши муҳим.

Товарлар, хизматлар ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракати тамойилининг кафолатлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик кодекси, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғриси”ги, “Хусусий мулк ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Рақобат тўғрисида”ги Қонунлар ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан мустаҳкамланган.

Ўз ўрнида Ўзбекистон Республикаси Солиқ, Бюджет кодекси, “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги, “Давлат харидлари тўғрисида”-ги, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги каби Қонунлар ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари фуқаролик ҳуқуқининг ушбу муҳим тамойили бўлган - товарлар, хизматлар ва молиявий маблағлар эркин ҳаракатининг кенг амал қилишини айрим масалаларда чеклашни ҳам назарда тутди.

Бинобарин, товарлар, хизматлар ва молиявий маблағлар эркин ҳаракати принципининг амал қилиши ўз навбатида ҳудудий, соҳавий ва субъект (тадбиркорлик субъектлари)га хос ҳамда шартномавий муносабатларга киришишдаги талаб, шартлар каби мезонларга боғлиқ ҳолда ҳаётга татбиқ этилади.

Масалан, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг 11-моддасида, “Фермер хўжалиги юритиш учун ер участкасини олишда фермер хўжалиги ташкил этилаётган жойда яшовчи шахслар бошқа тенг шартларда устун ҳуқуқдан фойдаланади”, - деб белгиланган. Демак, ушбу норма биз сўз юритаётган принципнинг ҳудудий мезонларига кўра, ушбу принцип маълум иштирокчиларига устуворлик, айримларига эса тамойил қўллаш кафолатида чеклашга мисол бўлади.

Ёки sanoat зоналари, махсус sanoat зоналари, технопарклар, туристик зоналар каби ўз зоналари иштирокчиси бўлган тадбиркорлик субъектларига берилаётган имтиёз бошқа тадбиркорлик субъектларига тақдим этилмайди.

Худди шу каби ҳунармандчилик ё бўлмаса қўл меҳнати маҳсули бўлган маҳсулот ва товарлар айланмаси давлат томо-

нидан ташкилий-ҳуқуқий, молиявий, солиқ имтиёзлари жиҳатдан бошқа товарларга нисбатан кўпроқ қўллаб-қувватланиши ҳамда бундай соҳа хизматлари, товарлари айланмаси рағбатлантирилиши мумкин. Ушбу ҳолат ҳам бошқа айрим товарлар айланмасига нисбатан ҳунармандчилик маҳсулотлари – товарлари айланмасига юқоридаги принципни қўллаш доирасида устуворлик беради.

Шартомавий ҳуқуқий муносабатларининг давлат харидларига оид қисми бўйича ҳам товарлар, ишлар, хизматлар ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатига алоҳида шартлар ва талаблар “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан белгиланган. Бундай ҳолларда, товарлар, хизматлар ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракати фуқаролик ҳуқуқининг муҳим принципи сифатида қайсидир маънода чекланади.

Бундан ташқари кўплаб қонуности ҳужжатларида ҳам мазкур тамойилнинг чекланганлигини кузатиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1-моддасида, хавфсизликни таъминлаш, инсонларнинг ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилиш, табиатни ва маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш мақсадида товарлар ҳамда хизматларнинг ҳаракати қонунчиликка мувофиқ чекланиши мумкинлиги белгиланган.

Шу асосда, бошқа қонунлар ва қонунчилик ҳужжатларидаги фуқаролик қонунчилиги нормалари Фуқаролик кодексига мос бўлиши шарт.

Вазирликлар, идоралар ва бошқа давлат органлари ушбу Фуқаролик кодексига, бошқа қонунлар ҳамда қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва доирада фуқаролик муносабатларини тартибга солувчи ҳужжатлар чиқариши мумкин.

Бироқ, юқорида келтирилган мисолларда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1-моддасида кўрсатилган истиснолар мавжуд эмас. Яъни, товарлар, хизматлар ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатини чеклашда фуқаролик қонун ҳужжатлари устуворлигига етарли эътибор қаратилмаган.

Айтиш лозимки, Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш арасида турган мамлакатимизда норма ижодкорлиги борасида ҳам ушбу ташкилот талабларига мос бўлган ҳуқуқий маконни такомиллаштириб бориш лозимлигини давр тақозо этмоқда.

Жаҳон банки томонидан тайёрланган World Governance Indicators ҳисоботларида “қонунчилик сифати” (Regulatory quality) ва “қонунчилик ижроси” (Rule of law) кўрсаткичларидаги индикаторлар келтирилади. “Қонунчилик сифати” индикаторида давлатнинг хусусий сектор ривожини учун қулай бўлган қонунчиликни жорий қилиш ҳолати таҳлил этилса, “қонунчилик ижроси” индикаторида давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа назорат органлари ҳамда судлари томонидан хусусий мулк, хусусий сектор вакилларининг ҳуқуқ ҳамда манфаатлари ҳимояси бўйича қобилятлари назарда тутилади.

Ўрганишлар товарлар, хизматлар ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракати принцигига оид амалдаги қонун ҳужжат-

ларида нормалар тарқоқлиги ва ҳатто бир-бирини инкор этувчи хусусиятлари борлигини кўрсатди. Тартибга солувчи яхлит, тизимли, тўғридан-тўғри амал қилувчи, рағбатлантирувчи ҳуқуқий асос ҳар доим ҳам тўла таъминланмаётганлиги, ҳавола ва қолип нормаларнинг салмоғи анча юқорилиги боис товарлар, хизматлар ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракати принципи рағбатлантирилмай қолмоқда.

“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳуқуқий юки, яъни юридик кучи белгилаб қўйилган. Аммо, товарлар, хизматлар ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракати тамойилининг ҳуқуқий механизмлари борасида ушбу қонуннинг ўрни бошқа қонун ва қонуности ҳужжатлари билан таққослаганда ҳар доим ҳам устун мавқе касб этмаётир.

Бу ҳолат эса, мавжуд қонунлардаги нормаларга тўғридан-тўғри амал қилинмаётгани, товарлар, хизматлар ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракати принципнинг кафолатлари тўла таъминлана олмаётганидан далолатдир.

Бир сўз билан айтганда, қатор соҳавий муносабатлар, ҳуқуқий жиҳатдан ечимини кутаётган бир қатор қонунлар, нормалардаги ҳамда қонун ҳужжатларидаги ўзаро ва зиддиятли масалаларнинг мавжудлиги товарлар, хизматлар ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракати принципини амалга ошириш ҳуқуқий асосини, механизмни жиддий қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Айниқса, солиқ қарздорлиги ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш жараёнида солиқ, тергов ҳамда судларда тадбиркорлик субъектларининг товарлар, хизматлар ва молиявий маблағлари эркин ҳаракати, умуман фаолиятини узок вақт тўхтатиб қўйиш ҳоллари эскича, замон талабларига мос бўлмаган механизмларининг ҳали-ҳануз амалда эканлиги, божхона ва рухсат бериш тартиб-таомиллари амалда илғор тажрибаларга мослаша олмаётганлиги, товарлар, хизматлар ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракати учун зарур хомашё билан таъминловчи, ер ажратувчи, коммунал инфратузилма хизматлари (электр энергияси, сув таъминоти, канализация, газ таъминоти ва иссиқлик таъминоти) кўрсатувчи томоннинг ўз шартномавий мажбуриятларини ҳар доим ҳам лозим даражада бажара билмаётганлиги каби ҳолатлар пировардида товарлар, хизматлар ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракати принципини амалга оширишда оқсоқликларга замин яратмоқда.

Қонунларимизда белгилаб қўйилган хусусий сектор ҳуқуқларининг устуворлиги принципига мувофиқ, қонун ҳужжатларида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш яъни, товарлар, хизматлар ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракати принципи билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлар фойдасига талқин этилиши баъзи ҳолларда эътибордан четда қолмоқда.

Давлат манфаати ва товарлар, хизматлар ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракати принципи – хусусий сектор ҳуқуқ ва манфаатлари тўқнашувида қонун талабларига қатъий амал қилинмай, зиддият ва тушунмовчиликларни давлат фойдасига ҳал этиш, натижада товарлар, хизматлар ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракати – хусусий сектор ҳуқуқ ва манфаатини таъминлаш билан бирга, давлат манфаатига устуворлик бериш ҳолатлари сақланиб қолмоқда.

Ваҳоланки, фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ, шартномавий ва товарлар, хизматлар ҳамда молиявий маблағларнинг эркин ҳаракати борасидаги ҳуқуқий муносабатларда давлат ва хусусий сектор тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга.

Айтиш ўринлики, товарлар, хизматлар ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракати принципи кафолатларини самарали таъминлаш учун зарур бўлган ҳуқуқий, иқтисодий, статистик, ишлаб чиқариш-технологик, илмий-техник ва бошқа ахборот билан амалда таъминлашнинг содда ва инновацион, энг илғор ҳуқуқий механизмларини жорий этиш муҳим.

Шунингдек, бож, солиқ, бошқа мажбурий тўловлар, коммунал тарифлар бўйича имтиёзлар ҳамда преференциялар масаласида мақбул халқаро тажрибани чуқур ўрганиш ҳамда имтиёзсиз тенг шароит тамойили асосида миллий яхлит қонунчилигимизга кечиктирмай имплементация қилиш ҳамда бу борада қонуности ҳужжатлари қабул қилишни қатъий чеклаш даркор.

Шартномавий муносабатларда айрим марказлашув принципидан воз кечишнинг ягона тизимга эга ташкилий-ҳуқуқий шаклини ишлаб чиқиш ҳамда изчил амалга киритиш, лицензияланадиган фаолият турлари ва рухсат бериш тартиб-таомиллари билан боғлиқ амалдаги қонун ҳужжатларини бугунги талаблар нуктаи назаридан қайта кўриб чиқиш, давлат харидлари бўйича шартномавий муносабатларда нафақат шартномаларни тузиш ва расмийлаштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатини балки, шартномавий муносабатлар якуни ва натижаси бўйича ҳам ҳуқуқий бўшлиқни товарлар, хизматлар ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракати принципини кенг қўллаш нуктаи назаридан тўлдирувчи нормалар асосида давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини тубдан такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказилувчи товарлар, хизматлар ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракати принципига дахлдор идоровий ҳужжатлардан босқичма-босқич воз кечиш, назорат қилувчи органлар фаолиятини товарлар, хизматлар ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракати борасидаги ўзаро муносабатларини фақатгина солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар билангина боғлаш тизимига ўтиш, бу жараённи фақатгина электрон воситалар орқали йўлга қўйиш ва соҳани тўла рақамлаштириш зарур.

Шу билан бирга, товарлар, хизматлар ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракати фонд бозори, фонд биржаси, қимматли қоғозлар бозори фаолиятининг ҳуқуқий асосини халқаро тажриба асосида тубдан такомиллаштириш, валюта сиёсати бизнес ва иқтисодий ривожлантириш манфаатларига тўлиқ хизмат қилиши, инвестиция фаолиятига ижобий туртки бериши лозимлиги асосий тамойиллардан бири сифатида эътироф этилиши керак ҳамда ишлаб чиқиши керак бўлган ҳуқуқий асос ушбу тамойилга таяниши шарт.

Хулоса ўрнида айтганда, товарлар, хизматлар ва молиявий маблағлар Ўзбекистон Республикасининг бутун худудидида эркин ҳаракатда бўлиши, бошқа қонунлар ва қонунчилик ҳужжатларидаги нормалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига мос бўлиши, жумладан, товарлар, хизматлар ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракати принципига оид нормалар ҳам фуқаролик қонун ҳужжатларига тўла мувофиқ бўлиши шарт.

Нуриддин МУРОТОВ,

Одил судлов академияси мустақил изланувчиси.

АКЦИЯДОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

АННОТАЦИЯ: мақолада бугунги кунда жадаллик билан ривожланиб бораётган масофадан тузиладиган шартномаларнинг ёзма шаклига риоя қилиш шартлари атрофлича таҳлил қилиниб, ўзига хос жиҳатлари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: масофадан тузиладиган шартнома, ёзма шартнома, қўлёзма имзо, электрон имзо, электрон ҳужжат, почта, телеграф, телетайп, телефон, электрон алоқа.

ЎР ФК 107-моддаси 1-қисми ва 366-моддаси 4-қисми мазмунига кўра, шартноманинг ёзма шаклига хос икки асосий белги— шартноманинг қоғоз ҳужжат шаклида расмийлаштирилиши ва тарафларнинг имзолари мавжуд бўлиши ажратиб кўрсатилади.

Бунда қўлёзма имзо — бу ҳужжатнинг шартнома тарафларидан қайси бири томонидан тузилганини аниқлаш имконини берувчи воситадир. Албатта, ҳужжатда имзонинг мавжудлиги уни айнан шу шахс имзолаганини мутлақ даражада тасдиқламайди. Бироқ, қўлёзма экспертизаси орқали катта аниқлик билан ҳужжатдаги имзо ҳақиқатан ҳам кўрсатилган шахсга тегишли эканлигини аниқлаш мумкин.

Шу каби вазифани қўлёзма имзога нисбатан камроқ аъъанавий бўлган бошқа воситалар ҳам бажариши мумкин. Жумладан, қўлёзма имзонинг кенг тарқалган аналоглари — электрон имзо, шунингдек шартнома тузишнинг айрим усуллари, масалан, ўз ҳисоб рақамидан контрагент фойдасига пул маблағларини ўтказиш ёки шахсни биометрик маълумотлар (бармоқ изи, кўз тўри, овоз намунаси ва ҳ.к.) орқали идентификация қилиш кабилар шулар жумласидандир.

Давлат даражасида электрон рақамли имзони қўлёзма имзога тенглаштиришдан олдин қонун чиқарувчи ушбу воситадан ноқонуний ёки ноҳалол фойдаланиш эҳтимолини максимал даражада камайтиришга қаратилган зарур норматив-ҳуқуқий базани шакллантирган. Электрон имзонинг бошқа турлари — кучайтирилган, лекин сертификатланмаган электрон рақамли имзо ҳамда оддий электрон имзо бўйича эса уларни қўлёзма имзога тенг деб тан олиш фақат тарафлар ўзаро келишиб олган тақдирдагина мумкин.

Шунингдек, шартномани тузган шахсни аниқлашнинг яна бир усули сифатида пул маблағларини контрагент фойдасига ўтказишни ҳам кўриб чиқиш мумкин. Ушбу усулнинг моҳияти шундаки, оферта берган шахс акцепт сифатида муайян миқдордаги пул маблағини (масалан, бир млн. сўмни) акцептант ҳисобидан оферент ҳисоб рақамига ўтказишни белгилайди. Банк ҳисоб рақами очиш жараёнида шахсни идентификация қилиш амалга оширилгани сабабли, оферент тўловни амалга оширган шахс ҳақиқатан ҳам офертага қўшилиш истиғини билдирган шахс эканлигига ишонч ҳосил қилади.

Бироқ ушбу усулнинг камчиликлари ҳам мавжуд. Хусусан, ҳисоб рақамидан фойдаланиш ваколатига эга бўлган шахс ҳар доим ҳам шартнома тузиш ҳуқуқига эга бўлмаслиги мумкин. Натижада пул маблағи ўтказилган бўлса-да, амалда шартнома айнан шу шахс билан тузилмаган бўлиши эҳтимоли юзага келади.

Албатта, қоғоз ҳужжатнинг маълум устунликлари мавжуд. Хусусан, унинг ҳақиқийлиги, ўзгармаганлиги ва яратилган вақти нисбатан осон исботланади. Ҳар бир саҳифаси тарафлар томонидан имзоланган қоғоз шартномани ўзгартириш айрим электрон ҳужжатларга нисбатан анча мураккаб. Шунингдек, қоғоз ва ундаги ёзувлар вақт ўтиши билан физик-кимёвий ўзгаришларга учрайди, бу эса уларнинг яратилган вақтини муайян аниқлик билан белгилаш имконини беради.

Электрон ҳужжатларга келсак, ҳозирги кунда эксперт ташкилотлари улар бўйича шундай турдаги экспертизаларни тўлиқ амалга оширишга тайёр эмас¹. Бу, аввало, электрон ҳужжатларни текшириш бўйича етарли даражада ишлаб чиқилган методикалар мавжуд эмаслиги билан изоҳланади. Натижада, бу ҳолат фуқаролик муомаласида келишувларни қайд этишнинг муқобил усулларида кенг фойдаланишга жиддий тўсиқ бўлиб хизмат қилади.

Агар электрон ҳужжат ўзгартирилган-ўзгартирилмагани ёки унинг аниқ қачон тузилганини ишончли тарзда аниқлаш имкони бўлмаса, фуқаролик муомаласининг барқарорлигига хавф туғилиши мумкин. Бироқ, бу ҳолат мазкур йўналишдаги ривожланишни тўхтатмаслиги, аксинча, уни янада такомиллаштириш ва илмий-амалий ечимлар ишлаб чиқишга туртки бўлиши лозим.

Шу нуқтаи назардан қараганда, янги қоидалар шартнома шаклини баҳолашга бўлган ёндашуви тубдан ўзгартирилганини кўриш мумкин. Илгари шакл муайян “воситалар” — масалан, қўлёзма имзо ёки оғзаки келишув орқали белгиланган бўлса, эндиликда асосий эътибор ҳуқуқий мақсадга қаратилади. Яъни, шартнома қандай усулда тузилганидан кўра, унинг натижасида зарур ҳуқуқий кафолатларга эришилган-эришилмагани муҳим ҳисобланади.

Бу ўзгаришлар айрим камчиликларга эга бўлишига қарамасдан, умуман олганда ижобий баҳоляниши мумкин. Агар шартноманинг асосий ҳуқуқий мақсадларига қонунларда аниқ кўрсатилмаган бошқа усуллар орқали ҳам эришиш мумкин бўлса, бундай ҳолат шартнома шаклининг бузилиши сифатида баҳолянмаслиги лозим. Демак, агар шартномани амалга оширган шахсни аниқлаш имкони мавжуд бўлса ва унинг шартлари ўзгармаслигини кафолатлаш мумкин бўлса, шартнома шакли сақланган деб ҳисобляниши керак. Ушбу йўналишдаги ривожланиш фуқаролик ҳуқуқини эски, формал талаблардан холи қилишга ҳамда шартнома шаклини баҳолашда ягона, унинг асосий — исботлаш функциясига таянадиган ёндашуви шакллантиришга хизмат қилади.

Илмий адабиётларда шартномаларнинг оғохлантирувчи, тушунтирувчи, исботловчи, ахборот берувчи ҳамда назорат функциялари кўрсатилади.

Шунингдек, В.Р.Топилдиевнинг таъкидлашича, қонун ҳам, шартнома ҳам тартибга солувчи вазифани бажаради. Бироқ, бунда қонун нормаси билан шартнома шартлари ўртасида иккита муҳим фарқ мавжуд:

шартнома тарафларнинг эрк изхори бўлса, ҳуқуқ нормаси уни қабул қилган органнинг эрк-иродаси изхори ҳисобланиди. Ҳар иккаласининг амал қилиш доираси ҳам турлича: шартнома фақат тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди ва унда иштирок этмайдиган шахсларга асло таъсир кўрсата олмайди; норматив ҳужжат эса, одатда, барчага ёки муайян гуруҳ субъектларга тааллуқли бўлади².

Амалдаги ЎР ФК 366-моддаси 4-қисмига кўра, ёзма шартнома тарафлар имзолаган битта ҳужжатни тузиш йўли билан, шунингдек почта, телеграф, телетайп, телефон, электрон алоқа ёки ҳужжат шартномадаги тарафдан чиққанлигини ишончли суратда аниқлаш имконини берадиган бошқа алоқа ёрдамида ҳужжатлар алмашиш йўли билан тузилиши мумкин³. Ушбу норма масофавий тарзда шартномалар тузиш билан боғлиқ муносабатларни самарали тартибга солиш учун етарли эмас. Чунки у асосан шартнома ҳужжатлар алмашинуви орқали, жумладан электрон шаклда ҳам тузилиши мумкинлигини қайд этиш билан чекланиб қолган. Бундай ҳужжатларни қоғоз шаклидаги ҳужжатларга тенг деб тан олиш мезонлари аниқ белгилаб берилмаган. Бу эса масофадан туриб тузилган шартномалардан келиб чиқадиган муносабатларни тартибга солишда ушбу норма самарали қўлланилишига тўсқинлик қилади.

Бундан ташқари, қонун чиқарувчи томонидан белгиланган мезонлар масофавий шартномани аъъанавий тарзда тузилган шартномага тенглаштириш учун етарлими, деган савол ҳам юзага келади. Ушбу масалани чуқурроқ англаш учун шартнома тузиш жараёнини уни расмийлаштириш нуқтаи назаридан босқичма-босқич кўриб чиқамиз.

Биринчи босқичда тарафлар бир-бири ҳақидаги маълумотларни алмашадилар. Юридик шахслар учун бу — номланиши, таъсис ҳужжатлари, банк реквизитлари, солиқ идентификация рақамлари, давлат рўйхатидан ўтганлик маълумотлари, шунингдек шартномани имзоловчи шахс ва унинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳақидаги маълумотлардир. Жисмоний шахслар учун эса — Ф.И.О., паспорт маълумотлари ва алоқа воситалари киради.

Иккинчи босқичда тарафлар тақдим этилган маълумотларни текширишади. Бу текширув мустақил тарзда (масалан, ҳужжатларни кўздан кечириш орқали) ёки давлат ахборот тизимлари ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Жумладан, юридик шахслар ҳақида маълумотларни текшириш учун солиқ органлари сервислари, шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни текшириш учун ички ишлар органлари маълумотлари, ишонч-номаларни текшириш учун нотариал реестрлардан фойдаланилади.

Учинчи босқичда олинган маълумотлар ва ҳужжатлар шартномани амалда имзолаётган шахс билан таққосланади. Анъанавий ҳолатда тарафлар имзоловчини шахсан кўради, унинг ҳужжатлари асл нусхасини текширади ва айнан шу шахс шартномани имзолаётганига ишонч ҳосил қилади.

Тўртинчи босқичда тарафлар шартномани кўлёзма тарзда имзолаб, шу орқали ҳужжатда кўрсатилган шартлар асосида ҳуқуқий муносабатларга киришиш иродасини тасдиқлайди.

Бешинчи босқичда эса тарафлар имзоланган шартноманинг асл нусхасини сақлаб қўядилар. Бу келгусида битим тузилганлигини ва унинг шартларини исботлаш имконини беради.

Кўрсатилган шартнома тузиш жараёни масофавий шаклга кўчирилганда, тўртинчи ва бешинчи босқичлар амалда жараёндан чиқиб кетади. Чунки бундай ҳолатда кўлёзма имзо қўйилмайди ва анъанавий маънода ҳужжатнинг "асл нусхаси" шаклланмайди (агар ҳужжатни чоп этиб сақлаш имконияти ҳисобга олинмаса).

Имзо қўйиш талаби ўрнига унинг мазмунига яқинроқ бўлган умумий талаб — ирода билдиришни тасдиқлаш талабини қўйиш мумкин. Бу, ўз навбатида, қонун чиқарувчи томонидан белгиланган, ҳужжат шартномадаги тарафдан чиққанлигини ишончли суратда аниқлаш имконини бериши лозимлиги ҳақидаги мезон билан уйғунлашади.

Қонун чиқарувчи томонидан электрон ҳужжатни сақлаш талаби, яъни ёзма шаклга риоя этилганлигини белгилаш мезони назарда тутилмаган. Бироқ, буни ЎР ФҚда битим мазмунини моддий ташувчида ўзгаришсиз ҳолда қайта тиклаш имкониятини белгилаш билан амалга ошириш мумкин. Электрон ҳужжат таркибида электрон имзо ҳақида маълумот сақловчи дастурий код элементлари мавжуд бўлиши мумкин, бироқ бундай маълумотлар чоп этилган нусхада акс этмайди. Натижада, қоғоз ҳужжатга қараб уни ким имзолаганини, ҳақиқатан ҳам электрон имзо қўлланилган-қўлланилмаганини аниқлаш қийинлашади.

Шу муносабат билан, бизнингча, қонунчиликда ушбу мезонни тўлдирган ҳолда белгилаш лозим. Хусусан, электрон ҳужжатга киритилган ўзгаришларни кузатиш имкониятини таъминловчи қоида ҳам назарда тутилиши керак. Бундай ёндашув битим шаклининг муҳим кафолатларидан бири бўлиб, дастлаб келишилган ҳужжатга киритилган ҳар қандай ўзгаришларни аниқлаш имконини беради ва шу орқали унинг мазмунига ўзбошимчалик билан аралашининг олдини олади.

Масофавий шартномалар тузишда бу талаб айниқса муҳимдир. Чунки анъанавий усуллардан фарқли равишда, тарафларда кейинчалик ҳужжатга ўзгариш киритилганини исботлаш имконияти ҳар доим ҳам мавжуд бўлмайди. Қоғоз шаклида, тарафлар имзоси билан тасдиқланган шартномага бошқа тараф розилигисиз ўзгариш киритиш анча мушкул. Албатта, саҳифаларни алмаштириш ёки имзоларни сохталаштириш каби ҳолатлар бўлиши мумкин, ammo бундай ҳолатлар одатда экспертиза орқали аниқланади.

Масофавий шартномаларда эса вазият бошқача. Масалан, тадбиркор ва истезмолчи ўртасида шартнома тадбиркор сайтида жойлаштирил-

ган оммавий офертага қўшилиш орқали тузилиши мумкин. Бундай усул амалиётда кенг қўлланилади. Офертада тадбиркор зиммасига қонунга нисбатан юқорироқ жавобгарлик юклайдиган шартлар бўлиши мумкин. Бироқ, низо юзага келганда тадбиркор ўз манфаатини кўзлаб, офертани таҳрир қилиб, ноқулай шартларни олиб ташлаши ва сайтга янги таҳрирни жойлаштириши мумкин.

Бундай ҳолатда истезмолчи учун офертанинг аввалги таҳрири бошқача бўлганини исботлаш деярли имконсиз бўлиб қолади. Шу сабабли, электрон ҳужжатларда ўзгаришларни кузатиш имкониятини таъминловчи мезонни жорий этиш ҳуқуқни суистезмол қилишнинг олдини олишга хизмат қилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, оддий кўринишига қарамай, шартнома тузиш жараёни анча мураккаб бўлиб, у бир неча ўзаро боғлиқ босқичларни ўз ичига олади. Қонунчиликда белгиланган "иродани билдирган шахсни ишончли аниқлаш" мезони айнан шу жараённинг дастлабки тўрт босқичини қамраб олади. Чунки шахсни ишончли аниқлаш учун, аввало, у ҳақида маълумотлар йиғилиши (идентификация), кейин улар текширилиши (верификация), сўнг ушбу маълумотлар билан битим тузаётган шахснинг ўзи мос келиши (аутентификация) ва ниҳоят унинг иродаси тасдиқланиши зарур.

Агар ушбу босқичлардан бирортаси мавжуд бўлмаса, битим тарафини ишончли аниқлаш имконияти шубҳа остида қолади. Масалан, аутентификация бўлмаса, контрагентда шахс ҳақида барча маълумотлар бўлиши мумкин, ammo айнан шу шахс шартнома тузганини исботлай олмайди. Верификация бўлмаса, тақдим этилган маълумотлар ҳақиқий эмаслиги хавфи пайдо бўлади (масалан, эски раҳбар номи ёки амал қилмайдиган паспорт маълумотлари). Имзо ёки унинг аналоғи бўлмаса, шахс шартнома шартларига рози бўлганини исботлаш қийинлашади. Агар умуман идентификация амалга оширилмаса, контрагент иккинчи тараф ҳақида маълумотга эга бўлмайди ва уни мажбуриятни бажаришга жалб қилиш имкониятидан маҳрум бўлади.

Шундан келиб чиқиб, масофадан туриб тузилган шартномаларда ёзма шаклга риоя этилган деб ҳисоблаш учун қуйидаги мезон ва босқичлар амалга оширилиши зарур: идентификация (тарафини аниқлаш); верификация (тақдим этилган маълумотларни текшириш); аутентификация (битимни айнан шу шахс тузаётганини тасдиқлаш); ирода билдиришни тасдиқлаш (шартларга розиликни аниқлаш имконияти); келишувни инсон ўқий оладиган шаклда ифода этиш имконияти; ҳужжатга киритилган ўзгаришларни кузатиш имконияти.

Ана шу талабларга риоя қилинган тақдирдагина масофавий шартномаларни ёзма шаклда тузилган битимлар билан тенг даражада ҳуқуқий кучга эга деб баҳолаш мумкин.

Шу асосда, ЎР ФҚ 107-моддасига қуйидаги мазмундаги 2-қисмни киритиш мақсадга мувофиқ: "Битимнинг мазмунини моддий ташувчида ўзгаририлмаган ҳолда қайта тиклаш имконини берувчи электрон ёки бошқа техник воситалар ёрдамида битим тузилган тақдирда, агар ирода билдирган шахсни ишончли тарзда аниқлаш имконини берувчи ҳар қандай усулдан фойдаланилган бўлса, битимнинг ёзма шаклига риоя этилган ҳисобланади".

Ушбу норманинг киритилиши масофадан туриб тузилган, айниқса электрон шартномалардан келиб чиқадиган муносабатларни тартибга солишда муҳим аҳамият касб этади.

Даврон ИКРАМОВ,

ИИВ Академияси мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Журавлев, М.С. Судебная экспертиза электронных документов: в книге "Криминалистика: Проблемы сегодняшнего дня" / М.С. Журавлев // Материалы VI студенческой научно-практической конференции НИУ ВШЭ. – 2013. – С. 87-91.
2. Shartnoma huquqi. Darslik / R.J.Ro'ziyev, M.Sh.Choriyev, A.A.Muxammadiyev va boshqalar. -Toshkent, O'zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti, 2022. 434-bet.
3. <https://lex.uz/docs/111189#155631>

ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ҚЎРИҚЛАШ ХИЗМАТЛАРИДА ШАРТНОМАВИЙ МУНОСАБАТЛАР

АННОТАЦИЯ: мақолада хорижий мамлакатларда қўриқлаш хизматларининг шартномавий муносабатлари назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинади. Хусусан, Россия Федерацияси, Европа давлатлари ва АҚШ тажрибаси асосида қўриқлаш хизматларини ташкил этиш, уларнинг ҳуқуқий табиати, лицензиялаш ва назорат механизмлари, давлат ва хусусий сектор ўртасидаги муносабатлар ўрганилади.

Таянч иборалар: қўриқлаш хизмати, шартномавий муносабатлар, хусусий қўриқлаш, лицензиялаш, хавфсизлик, давлат назорати, Росгвардия, Миллий гвардия, қиёсий таҳлил, киберхавфсизлик, хизмат шартномаси.

Хорижий мамлакатларда қўриқлаш хизматлари бозори анча ривожланган бўлиб, хусусий қўриқлаш компаниялари (private security companies) давлат хавфсизлик тизимининг муҳим таркибий қисмига айланган. Уларда шартномаларнинг ҳуқуқий табиати, муҳим шартлари, жавобгарлик чоралари, рискларни тақсимлаш механизмлари ва мажбуриятларни таъминлаш усуллари аниқ ва самарали тарзда шаклланган.

Рақамли технологиялар ва киберхавфсизликнинг ривожланиши қўриқлаш хизматлари мазмунига янги элементларни киритмоқда. Масалан, видеокузатув, биометрик назорат, ахборот тизимларини ҳимоя қилиш каби хизматлар шартнома предметининг таркибий қисмига айланмоқда. Бу эса анъанавий шартнома моделларини қайта кўриб чиқишни, янги ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқишни талаб этади.

Ўзбекистон Республикасида “Қўриқлаш фаолияти тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган бўлса-да, қўриқлаш хизматлари шартномаларининг фуқаролик-ҳуқуқий табиати, уларнинг муҳим шартлари, жавобгарлик масалалари ва шартнома тузиш амалиётини янада чуқурлаштириш зарурияти сақланиб қолмоқда.

Хорижий қўриқлаш хизматлари фаолиятини таҳлил қилар эканмиз улар орасида турли тафовутларни кузатиш мумкин.

Россия Федерацияси Росгвардияси қўриқлаш бўлинмалари томонидан идоровий ҳарбийлаштирилган қоровуллик ва соқчилик бўлинмаларида умумий ва махсус назорат амалга оширилади ва барча корхона, ташкилотларга (идоровий тегишлилигидан қатъий назар) юридик шахс сифатида ҳарбийлаштирилган қоровул ва соқчилик нарядлари томонидан шартнома асосида қўриқлаш хизматларини кўрсатишлари мумкин.

Россия ва Ўзбекистондаги қўриқлаш хизматларини таққослар эканмиз бир қатор фарқли жиҳатларни кўраемиз. **Хусусан**, Россия Федерациясида қўриқлаш хизмати тизими икки йўналишли, яъни давлат (Росгвардия ва идоровий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари) ҳамда хусусий сектор (хусусий қўриқлаш ташкилотлари — ЧОПлар) ўртасида аниқ институционал тақсимот асосида шаклланган. Ўзбекистонда эса қўриқлаш фаолияти асосан давлат органи — Ички ишлар вазирлиги тизими орқали марказлашган ҳолда амалга оширилади. Хусусий қўриқлаш хизматлари институти мавжуд бўлса-да, у Россиядаги каби кенг ва мустақил бозор шаклида ривожланмаган.

Иккинчидан, лицензиялаш ва назорат механизмида ҳам сезиларли фарқ мавжуд. Россия Федерациясида хусусий қўриқлаш фаолиятини лицензиялаш ва уни назорат қилиш ваколати Росгвардияга берилган бўлиб, бу орган бир вақтнинг ўзида ҳам давлат қўриқлаш хизматини кўрсатувчи субъект, ҳам хусусий секторни тартибга солувчи регулятор сифатида фаолият юритади. Ўзбекистонда эса лицензиялаш ва назорат функциялари қатъий марказлашган бўлиб, давлат органларининг ваколатлари нисбатан чекланган ва хусусий сектор устидан назорат механизми Россиядагидек комплекс тизимга эга эмас.

Учинчидан, шартномавий муносабатлар кўламида ҳам фарқ кузатилади. Россия Федерациясида давлат қўриқлаш бўлинмалари ҳам, хусусий қўриқлаш ташкилотлари ҳам юридик шахсларга кенг кўламли шартнома

асосида хизмат кўрсатади. Ўзбекистонда эса шартномавий қўриқлаш хизматлари асосан давлат органи — Ички ишлар вазирлиги томонидан амалга оширилиб, хусусий сектор иштироки чекланган.

Тўртинчидан, хизмат турлари ва функциялар доирасида ҳам фарқлар мавжуд. Россия Федерациясида хусусий қўриқлаш компаниялари нафақат жисмоний қўриқлаш, балки детективлик, иқтисодий хавфсизлик, товарларни кузатиб бориш (эскорт), фирибгарликка қарши кураш, техник хавфсизлик тизимларини жорий этиш каби комплекс хизматларни тақдим этади. Ўзбекистонда эса қўриқлаш хизматлари асосан жисмоний ва техник қўриқлаш билан чекланиб, детективлик ёки хусусий тергов хизматлари институти амалда ривожланмаган.

Бешинчидан, ҳуқуқий тартибга солиш даражаси ва детализациясида ҳам фарқ мавжуд. Россия Федерациясида қўриқлаш фаолияти бир неча махсус қонунлар билан тартибга солинади ва уларда субъектлар ваколати, лицензиялаш, назорат, жавобгарлик каби масалалар батафсил белгиланган. Ўзбекистонда эса мазкур соҳани тартибга солувчи нормалар мавжуд бўлса-да, уларни янада тизимлаштириш ва махсуслаштириш зарурияти сақланиб қолмоқда.

Олтинчидан, институционал ёндашувдаги фарқ шундаки, Россияда давлат ва хусусий сектор ўртасида ўзаро тўлдирувчи (complementary) модель шаклланган бўлса, Ўзбекистонда ҳозирча давлат устуворлигига асосланган модель сақланиб қолмоқда.

Россия Федерацияси тажрибаси қўриқлаш хизматлари соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш, хусусий секторни кенг жалб қилиш, лицензиялаш ва назоратни ягона органга бирлаштириш ҳамда хизмат турларини диверсификация қилиш орқали самарадорликни ошириш имконини кўрсатади. Ўзбекистон учун эса ушбу тажрибани тўлиқ эмас, балки миллий ҳуқуқий тизим ва хавфсизлик сиёсатини ҳисобга олган ҳолда босқичма-босқич ва селектив тарзда жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бугунги кунда хусусий қўриқлаш хизматлари фаолияти кам аҳамиятли бўлган давлатлар Италия, Испания, Мальта, Дания, Бельгия, Литва ҳисобланади. Аксинча Болгария, Чехия, Финляндия, Венгрия, Ирландия, Люксембург, Польша, Руминия ва Словения давлатларида хусусий қўриқлаш компанияларидаги ходимлар сони ушбу давлатларнинг полиция тизимидаги шахсий тартибга нисбатан кўпчиликни ташкил этади².

Масалан, Исроил давлатида хусусий қўриқлаш компаниялари ходимлари энг муҳим ҳуқуқат объектларини ва фуқароларнинг оммавий жамоат жойлари (хусусан, автовокзал ва аэропорт)ни қўриқлаш ишониб топширилган бўлиб, қуролланиш жиҳатдан Исроил полициясидан яхшироқ моддий-техник (қуролланиш) таъминотга эга.

Умуман хусусий қўриқлаш хизматлари тўғрисидаги қонунчиликда туб ислохотлар 1986 йилда Францияда, 2011 йил 11 сентябрда АҚШда катта террористик ҳужумлардан сўнг амалга оширилди. Албатта бу ислохотлар табиийки хусусий қўриқлаш компанияларининг имкониятлари кенгайишига олиб келди. Ушбу ҳолат Европа мамлакатларида ҳам кузатилади.

Америка Қўшма Штатларида кўриқлаш ва хавфсизликни таъминлаш фаолияти билан 1637 йил ташкил этилган Миллий хавфсизлик департаменти (United States Secret Service) таркибига кирувчи Америка Федерал Кўриқлаш Хизмати (ФСБ) "давлат кўриқлаш ташкилоти" шугулланади.

Бугунги кунда Америка Федерал Кўриқлаш хизмати асосан кўриқлаш хизматини кўриқлаш объектининг хусусиятидан келиб чиқиб икки тоифага бўлган ҳолда хусусий кўриқлаш компаниялари ва давлат органлари таркибидоги махсус вазифаларни бажарувчи хавфсизлик ташкилот (кўриқлаш идоралари)ларни назорат қилиб бориш ҳисобланади.

Ўзбекистонда мавжуд бўлган давлат органлари кўриқлаш тизимларига ўхшаш тизим Германия Федератив Республикасида кузатилади. Айнан Германияда давлат кўриқлаш идоралари ва хусусий кўриқлаш ўртасидаги амалий ҳамда назарий жиҳатлардан бири бу яқин ҳамкорлик натижасида хусусий кўриқлаш компаниялари учун энг қулай шароитлар яратилган (масалан, кадрлар тайёрлаш баъзи функцияларни ўтказиш ва ишда ўзаро ёрдам). Немис соқчилари фаолияти кўзга ташланмайди аммо оператив-ташкилий жиҳатларининг аниқлиги билан доимо биринчи ўринда туради. Албатта бу замонавий технологик кўриқлаш-техник воситалар тизимини ривожланиши (видеокузатув, кириш-чиқишни бошқариш) билан боғлиқдир.

Ўтган асрнинг 90 йиллари ўрталаридан бошлаб Германияда хусусий кўриқлаш компаниялари тез суръатлар билан ўса бошлади. 2003 йилда эса "ҳимоя ва кўриқлаш бўйича мутахассис" лавозими ва касби расмий равишда Германия меҳнат қонунчилигига киритилди³.

Европа мамлакатларидан яна бири, Испанияда ички ишлар кўриқлаш хизмати бўлиб, мазкур бўлинма Миллий полиция тизими таркибидоги ташкил этилган давлат ташкилоти ҳисобланади. Айнан Миллий полиция тизими Испанияда, "Хусусий кўриқлаш хизматлари"ни назорат қилади. Хорижий ҳуқуқшунос олимларнинг фикрича Испанияда жиноятчилик даражаси пастлигининг асосий сабаби "хусусий кўриқлаш" хизматлари фаолияти (Eulen Seguridad, Prosegur Compania de Seguridad, Loomis Spain) ҳамда кўриқлаш хизматларни кўрсатиш (сервис, услуги)га катта эътибор қаратилганлигида деб ҳисобланади.

Европада, хусусий кўриқлаш компанияси лицензияга шунингдек, ҳар бир ходими эса кўриқлаш хизматини кўрсата олиш тоифасини белгилувчи сертификатга эга бўлиши шарт ҳисобланади. Фарб мамлакатлари учун кўриқлаш ходими (агенти, персонал) – бу шунчаки, бўрттирилган ва чиниққан мушаклар ва юзнинг қиёфасини эмас, балки психология, ички қонунчилик ва ташқи сиёсатни умумий асосларини пухта ўзлаштиришни талаб қиладиган касб эгаси ҳисобланади⁴.

Шу сабабли хорижий мамлакатларда кўпгина хусусий кўриқлаш ташкилотларига собиқ ҳарбий хизматчилар, полициячилар, разведкачилар (марказий разведка бошқармаси ва бош.) жалб қилинади. Айниқса Испания, Италия, Норвегия, Бирлашган Араб Амирликларида кучайтирилган ёки махфий кўриқлаш ва хавфсизликни таъминлаш фаолияти билан боғлиқ муассасаларда ишлайдиган кўриқлаш ходимлари одатда кенгрок назарий ва амалий тайёргарликдан ўтадилар.

Масалан, Норвегияда кўриқловчи малакасини тасдиқловчи давлат сертификати жорий этилган. Ушбу сертификат орқали кўриқлаш ходимлари хизмат муддати, маҳорати, иш тажрибаси, лавозими, мураккаблигига қараб иш ҳақи 30-40% гача кўтарилиши белгиланган ҳамда ҳарбий даражага тенглаштирилган расмий даражага эга бўлишлари мумкин⁵.

Бизда бу тизим ҳали йўлга қўйилмаган, кўриқлаш ходимлари учун махсус касбий тайёрлашга бўлган эътибор паст даражада.

Осиё мамлакатларидан Бирлашган Араб Амирликларда 400 дан ортиқ хусусий кўриқлаш компаниялари мавжуд. Хусусий кўриқлаш ширкатлари, хавфсизлик хизматларининг тўлиқ тўпламини тақдим этади. Аммо хусусий кўриқлаш хизматлари фаолияти учун тақиқланган ягона нарса бу хусусий детективлик фаолиятдир. Уларининг асосий вазифаси "алоҳида компания"ларни текшириш, назорат-кузатув текширувларни ва дебитор

қарздорликларни ундириш ҳисобланади⁶. Бу худди солиқ ва мажбурий ижро органларининг вазифасини бажариш билан чекланган дегани.

Кадрлар тайёрлаш масаласида ҳам хорижий тажриба юқори даражада институционаллашганлиги билан ажралиб туради. Масалан, Европа мамлакатларида кўриқлаш ходимлари махсус ўқув дастурлари асосида тайёрланади ва уларнинг касбий малакаси давлат томонидан берилган сертификатлар билан тасдиқланади. Айрим давлатларда эса (масалан, Норвегияда) кўриқлаш ходимларининг малакасига қараб иш ҳақи дифференциация қилинади. Ўзбекистонда эса мазкур тизим ҳали тўлиқ шаклланмаган бўлиб, кўриқлаш ходимларининг касбий тайёргарлигига бўлган талаб ва назорат нисбатан паст даражада қолмоқда.

Шу билан бирга, хорижий мамлакатларда давлат ва хусусий сектор ўртасида ўзаро ҳамкорлик механизми самарали йўлга қўйилган. Германия ва Испания каби давлатларда хусусий кўриқлаш компаниялари давлат органлари билан яқин ҳамкорликда иш юритиб, айрим функциялар уларга қисман ўтказилган. Ўзбекистонда эса бу каби ҳамкорлик механизмлари ҳали етарли даражада ривожланмаган.

Тадиқот натижалари шуни ҳам кўрсатадики, айрим давлатларда (жумладан, Россия Федерациясида) хусусий кўриқлаш хизматларининг ортиқча кенгайиши муайян хавфларни ҳам келтириб чиқармоқда, хусусан, қуролланган хусусий тузилмаларнинг шаклланиши эҳтимоли мавжудлиги қайд этилган. Бу ҳолат кўриқлаш соҳасида давлат назорати ва хусусий сектор эркинлиги ўртасида мувозанатни таъминлаш зарурлигини кўрсатади.

Юқоридаги қиёсий таҳлил натижаларига таяниб, Ўзбекистонда кўриқлаш хизматлари тизимини такомиллаштириш бўйича бир қатор илмий-амалий тақлифларни илгари суриш мумкин. Жумладан, кўриқлаш хизматларини ташкил этишда давлат ва хусусий сектор уйғунлигига асосланган икки поғонали моделни босқичма-босқич жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, лицензиялаш ва назорат функцияларини такомиллаштириш, уларни ягона ваколатли орган — Ички ишлар вазирлиги доирасида тизимлаштириш орқали "кўриқлаш-назорат" механизминини шакллантириш зарур.

Бундан ташқари, кўриқлаш ходимларини сертификатлаш ва уларнинг малакасини баҳолашнинг замонавий тизимини жорий этиш, хизмат турларини диверсификация қилиш, айниқса киберхавфсизлик ва корпоратив хавфсизлик каби йўналишларни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Давлат-хусусий шериклик механизмларини кенгайтириш, кўриқлаш соҳасида қонунчиликни янада аниқ ва тизимли тарзда такомиллаштириш ҳам мазкур соҳанинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, хорижий тажриба кўриқлаш хизматлари соҳасини ривожлантиришда комплекс, бозорга мос ва институционаллашган ёндашуви талаб қилишини кўрсатади. Ўзбекистонда мазкур соҳани модернизация қилиш эса давлат назорати ва хусусий сектор имкониятлари ўртасидаги мувозанатни таъминлаш орқали амалга оширилиши лозим.

Баходирхўжа САИДОВ,

ИИБ Академияси мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Закон РФ от 14 апреля 1999 № 77-ФЗ "О ведомственной охране" (ред.от 05.12.2017).// статья-22 в ред.Федерального закона от 03.07.2016№227-ФЗ и статья-26.// Закон РФ от 3 июля 2016 г. № 226-ФЗ "О войсках национальной гвардии Российской Федерации" в ред. ФЗ от 05.12.2017№391-ФЗ, от 07.03.2018 №40-ФЗ, от 29.07.2018 №264-ФЗ,от 11.10.2018 №364-ФЗ,от 01.10.2019№328-ФЗ, от 02.12.2019 № 404-ФЗ.Статья 2-5.,
2. [https://Posted onCategories. 08.12.2017.](https://Posted onCategories. 08.12.2017)
3. Кикоть-Глуходедова Т.В. Некоторые аспекты организационных основ деятельности специализированных государственных органов, входящих в систему обеспечения национальной безопасности ФРГ и Австрии: СТ канд.,юрид.-наук.доцент.//10.21681/2412-8163-2017-1-45-49.// научной-журнал: YBERLENINKA/2017
4. <http://guardinfo.online/2017/12/08/a-kak-u-nix-kak-robotayut-chastnye-oxrannye-agentstva-zapadnoj-evropy-i-ssha/>
5. [https://ru.qaz.wiki/wiki/Federal_Protective_Service_\(United_States\);https://www.dhs.gov/http://uscodes.house.gov/](https://ru.qaz.wiki/wiki/Federal_Protective_Service_(United_States);https://www.dhs.gov/http://uscodes.house.gov/), <http://www.afgelocal918.org/>
6. <http://guardinfo.online/2017/12/08/a-kak-u-nix-kak-robotayut-chastnye-oxrannye-agentstva-zapadnoj-evropy-i-ssha/> <http://taggerd.su/page/5/128/>

СУД БОСҚИЧИДА ЖИНОЯТ ИШИНИ ТЎХТАТИБ ТУРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

АННОТАЦИЯ: мақолада суд босқичида жиноят ишини кўришни тўхтатиш институтининг ҳуқуқий асослари, процессуал табиати ва ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинади. Шунингдек, мазкур институтни қўллашда учраётган муаммолар ўрганилиб, уни такомиллаштириш бўйича асосланган таклифлар илгари сурилади.

Калит сўзлар: жиноят процесси, суд босқичи, жиноят ишини кўришни тўхтатиш, процессуал қарор, суд назорати, процессуал қафолатлар.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексига мувофиқ жиноят ишини судда муҳокама қилиш муддати бошланган кундан эътиборан икки ойдан ошмаслиги керак.

Бу муддат биринчи инстанция судининг ажримига асосан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар суди ва Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судининг раиси томонидан тўрт ойгача, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари томонидан беш ойгача, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси томонидан эса олти ойгача бўлган муддатга узайтирилиши мумкинлиги белгиланган.

Бундан чиқадиги, жиноят ишини судда кўриб чиқиш ҳамда якуний қарор қабул қилиш учун қонунчиликда аниқ процессуал муддатлар белгиланган ва суд ушбу муддатлар доирасида ишни кўришни тугаллаши шарт ҳисобланади.

Аммо, амалиётда суд томонидан иш юзасидан якуний қарор қабул қилинишига айрим объектив ҳолатлар тўсқинлик қилиши мумкин. Шу сабабли қонунчиликда белгиланган муайян ҳолатларда судьяга жиноят ишини судда кўриш босқичида тўхтатиб туриш ваколоти берилган.

Яъни, Жиноят-процессуал кодексида (кейинги ўринларда ЖПК) жиноят иши бўйича дастлабки эшитувни ўтказиш (405⁷-модда) жараёнида ҳамда суд муҳокамасини ўтказиш давомида (420-модда) жиноят ишини кўришни тўхтатиб туриш имконияти назарда тутилган¹.

Ҳар икки норма мазмунидан келиб чиқиб, жиноят иши бўйича иш юретишни тўхтатиб туришнинг асослари айбланувчи ёки судланувчининг процессуал ҳаракатларда иштирок этиш имконияти мавжуд эмаслиги билан бевосита боғлиқ эканлигидан кўринади. Бу эса жиноят иши бўйича суд муҳокамасида судланувчининг иштироки мажбурий эканлигидан далолат беради.

Кодекс талабларига мувофиқ, дастлабки эшитувни ўтказиш жараёнида ҳамда суд муҳокамаси даврида жиноят ишини кўришни тўхтатишнинг асосларини кенгайтириш мумкин эмас. Яъни, кодексда белгиланганидан бошқа асосларга жиноят ишини тўхтатиш ноқонуний бўлади.

Амалдаги нормаларнинг мавжуд таҳрири иш юретишни тўхтатиб туриш асосларини суд амалиётида бир хил талқин қилиш ва қўллашни тўлиқ таъминлай олмаётгани, натижада турлича ёндашувлар ва айрим номувофиқликлар юзага келаётганлигини кўрсатади.

Шу сабабдан мазкур институтни тартибга соладиган нормалардаги айрим номувофиқликларни таҳлил қилсак.

Эътибор қаратиш лозим бўлган муҳим жиҳат шундаки, жиноят иши бўйича дастлабки эшитувни ўтказиш жараёнида айбланувчининг суд мажлисида иштирок этишини истисно этадиган оғир ва давомли касалликка чалинганлиги фақат суд-тиббий экспертиза хулосаси билан тасдиқланган тақдирдагина суд иш юретишни айбланувчи соғайғунига қадар тўхтатиб туриш тўғрисида ажрим чиқаради.

Бироқ ЖПКнинг 420-моддасида судланувчининг судга келиш имкониятини истисно этадиган руҳий ҳолат бузилиши ёки бошқа оғир касаллик мавжуд бўлган тақдирда ишни тўхтатиш назарда тутилган бўлса-да, ушбу ҳолатларнинг қай тартибда тасдиқланиши лозимлиги тўғрисида аниқ талаб белгиланмаган.

Бундан ташқари, Кодексда қўлланилган “бошқа оғир касаллик” тushunchasi мазмунан очиб берилмаганлиги сабабли унинг ҳуқуқий мазмуни

ноаниқлигича қолмоқда. Амалиётда қайси касалликни “оғир касаллик” деб баҳолаш ва айниқса, унинг қайси белгилари судланувчининг суд мажлисида иштирок этиш имкониятини истисно этаётганлигини аниқлаш масаласи турлича талқин қилиниши мумкин.

Шу тариқа, иш юретишни тўхтатиб туришга асос бўлувчи касаллик мезонларини белгилашда аниқ ва ягона ёндашув мавжуд эмаслиги кузатилади. Гарчи қонунчиликда касалликнинг “оғирлиги”га ишора қилинган бўлса-да, мазкур тушунчанинг ҳуқуқий мазмуни бирорта норматив ҳужжатда очиб берилмаган.

Маълумки, Жиноят-процессуал кодекси талабларига кўра, қарор қабул қилиш учун асос бўлувчи ҳолатлар ишончли ва етарли далиллар мажмуаси билан тасдиқланган бўлиши шарт. Бироқ таҳлиллар амалда иш юретишни тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилишда нафақат процессуал далилларга, балки процессуал бўлмаган ахборотларга ҳам таянилаётганлигини кўрсатади.

Шахсда муайян касаллик мавжудлигини тасдиқловчи ҳар қандай ҳужжатни иш юретишни тўхтатиб туриш учун етарли асос сифатида қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Хусусан, тиббий маълумотнома, бош шифокор томонидан берилган хат, меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ёки стационар даволанишни тасдиқловчи ҳужжатлар ўз-ўзидан бундай қарор қабул қилиш учун етарли бўлмаслиги лозим.

Бунинг асосий сабаби шундаки, мазкур ҳужжатларда суд учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган муҳим, яъни – жиноят иши юритилаётган шахс ўз соғлиги ҳолатига кўра суд муҳокамасида иштирок этиши мумкинми ёки мумкин эмасми? – деган саволга аниқ жавоб берилмайди.

Шу боис иш юретишни тўхтатиб туриш масаласини ҳал этишда касалликнинг мавжудлиги эмас, балки айнан ушбу касаллик шахснинг процессуал ҳаракатларда иштирок этиш имкониятини истисно этадими-йўқми? – деган ҳолат ҳал қилувчи аҳамият касб этиши лозим.

МДХ мамлакатлари қонунчилигида хусусан, Россия Федерациясининг ЖПК 238-моддасига мувофиқ “айбланувчининг оғир касаллиги тиббий хулоса билан тасдиқланган бўлса жиноят иши тўхтатилиши мумкин”².

Белоруссия ва Қозоғистон Республикаси ЖПКларида “судланувчининг вақтинчалик руҳий ҳолатининг бузилиши ёки бошқа оғир касаллиги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланган тақдирда” иш тўхтатилиши белиланган³.

Кўриб турганимиздек, ҳуқуқ тизими бизга яқин бўлган давлатларда судланувчининг “оғир касаллик”ка чалинганини тасдиқлаш бўйича турли хил бўлса-да, муайян тартиб жорий этилган.

Суд босқичида жиноят иши бўйича иш юретишни тўхтатиб туришнинг иккинчи асоси – судланувчининг яширинган бўлишидир.

Айни пайтда, суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида мазкур асос анча кенгрок ифодаланган. Хусусан, ЖПКнинг 364-моддасига мувофиқ, айбланувчининг қаердалиги номаълум бўлган ёки у Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетган ва уни терговга жалб этиш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда иш юретишни тўхтатиб туриш мумкинлиги белгиланган.

Шу нуқтаи назардан, ЖПКнинг 405⁷ ва 420-моддаларида иш юретишни тўхтатиб туриш фақат судланувчининг айнан “яширинганлиги”

билан боғлаб қўйилганлиги қанчалик мақсадга мувофиқ эканлигини қайта кўриб чиқиш зарур.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, суд босқичида судланувчининг қасддан яширинганлигини исботлаш ҳар доим ҳам осон эмас. Чунки у қасддан яширинмаган, балки турли объектив сабабларга кўра (масалан, яшаш жойини ўзгартиргани, хорижга даволаниш ёки сафарга чиққанлиги) суд мажлисида иштирок этмаётган бўлиши мумкин.

РФ ЖПКнинг 238-моддаси 1-қисми 2-бандида, Қозғоғистон Республикаси ЖПКнинг 45-моддаси 1-қисми 2-бандида, Белоруссия ЖПКнинг 280-моддаси 1-қисми 2-бандида ҳам иш юритиш нафақат судланувчи яширинган тақдирда эмас, балки унинг турган жойи бошқа сабабларга кўра аниқланмаган ҳолларда ҳам тўхтатиб туриш мумкинлиги белгиланган.

Шу боис, судланувчининг суддан қасддан яширинганлиги ёки бошқа сабабларга кўра унинг турган жойи аниқланмаганлиги ҳолатларини аниқ фарқлаш учун ЖПКнинг 405⁷ ва 420-моддаларини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Хусусан, мазкур моддаларда иш юритишни тўхтатиб туриш нафақат судланувчи суддан яширинган тақдирда, балки унинг турган жойи бошқа сабабларга кўра аниқланмаган ҳолларда ҳам қўлланилиши мумкинлиги аниқ белгилаб қўйиш лозим.

Бу эса, судни судланувчининг айнан яширинганлигини исботлаш мажбуриятидан озод этади ҳамда унинг турган жойи аниқланмаган ҳолларда ҳам иш юритишни тўхтатиб туриш бўйича асосли қарор қабул қилиш имкониятини таъминлайди.

Бундан ташқари, ЖПКнинг 61-боби (565–581-моддалар)да тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни юритиш тартиби белгиланган.

Мазкур боб мазмунидан келиб чиқиб, жиноят содир этганидан сўнг руҳий ҳолати бузилган шахслар, шунингдек ижтимоий хавfli қилмиш ақли норасолик ҳолатида содир этган шахсларга нисбатан қатор муҳим ҳолатларни аниқлаш талаб этилади. Жумладан, шахснинг кейинги хулқ-атвори унинг ўзи ва атрофдагилар учун хавф туғдириш-туғдирмаслиги, унинг даволанишга муҳтожлиги, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш зарурати ва уларнинг тури каби масалалар ҳал қилиниши лозим.

Ушбу ҳолатларни исботлаш мақсадида суд-психиатрия экспертизаси тайинланади ва унда қуйидаги масалаларга аниқлик киритади: шахснинг қилмиш содир этган пайтдаги руҳий ҳолати, унинг ҳаракатларининг аҳамиятини англаш ва бошқариш қобилияти, ҳозирги руҳий ҳолати жазонинг тарбиявий таъсирига тўққинлик қилувчи даражада бузилган-бузилмагани, мазкур ҳолатнинг сурункалиги ёки вақтинчалиги, шахснинг янги ижтимоий хавfli қилмиш содир этиш эҳтимоли, шунингдек унинг тергов ва суд ҳаракатларида иштирок этиш қобилияти каби масалалар.

Демак, 61-боб нормалари асосан, шахснинг ақли норасолиги ёки руҳий ҳолати бузилганлиги муносабати билан унга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш масаласини ҳал этишга қаратилган.

Бироқ ушбу бобдаги 569-модда мазмунан бошқача ҳуқуқий муносабатни ҳам қамраб олади. Хусусан, унга кўра, агар гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг руҳий ҳолати бузилганлиги ёки бошқа оғир касаллиги амбулатория экспертизаси хулосаси ёки бошқа тиббий ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиб, унинг аниқ ташхисини белгилаш, ақли расолиги ва муомалага лаёқатлилиги масалаларини ҳал этиш, шунингдек тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини танлаш мақсадида стационар экспертиза ўтказилаётган бўлса, шахс тиббий муассасага жойлаштирилган даврда, агар бошқа процессуал ҳаракатларни ўтказишга зарурат бўлмаса, иш юритишни тўхтатиб туриш мумкинлиги назарда тутилган.

Шундай қилиб, мазкур норма суриштирув, дастлабки тергов ва суд босқичларида шахснинг нафақат руҳий ҳолати, балки "бошқа оғир касаллик"

ҳолатларида ҳам стационар экспертиза ўтказиш имкониятини тан олади ҳамда ушбу даврда иш юритишни тўхтатиб туришга ҳуқуқий асос яратади.

Шу ўринда суриштирув, дастлабки тергов жараёнида ёки бўлмаса суд босқичида гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг қандай касалликка дучор бўлганлигини ҳал этиш, шунингдек тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини танлаш учун стационар экспертиза ўтказилаётган бўлса, шахс тиббий муассасага жойлаштирилган даврда, башарти бошқа процессуал ҳаракатларни ўтказишга ҳожат бўлмаса ишни юритиш тўхтатиб туриш мумкинми?, деган ҳақли савол туғилади.

ЖПКнинг 569-моддаси тўғридан-тўғри талқин қилинганда, стационар экспертиза ўтказилиши муносабати билан шахс тиббий муассасага жойлаштирилган даврда, агар бошқа процессуал ҳаракатларни амалга оширишга зарурат бўлмаса, иш юритишни тўхтатиб туриш мумкинлиги инкор этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди маълумотларига кўра, судлар томонидан ЖПКнинг 420-моддаси асосида 2023 йилда 1471 та, 2024 йилда 1515 та ва 2025 йилда 1576 та жиноят ишлари тўхтатилган бўлса, 405⁷-моддаси тартибида мос равишда 2023 йилда 13 та, 2024 ва 2025 йилларда 10 тадан жиноят иш тўхтатилган бўлса, ЖПКнинг 569-моддаси асосида жиноят иши тўхтатилмаган⁴.

Ушбу статистик маълумотлар шуни кўрсатадики, амалда ҳуқуқни қўлловчи органлар томонидан ЖПКнинг 569-моддасида назарда тутилган асос билан жиноят ишини тўхтатиш деярли қўлланилмапти.

Юқорида келтирилган мулоҳазаларни умумлаштириб, суд босқичида жиноят иши бўйича иш юритишни тўхтатиб туриш асосларини ҳуқуқий тартибга солишда мавжуд зиддиятларни бартараф этиш мақсадида ЖПКга қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Жумладан, ЖПКнинг 420-моддаси 1-қисмини қуйидаги тахрирда баён этиш таклиф этилади: "Агар судланувчи яширинган бўлса ёки унинг турган жойи бошқа сабабларга кўра аниқланмаган бўлса, шунингдек унинг судга келишига тўққинлик қилувчи руҳий ҳолати бузилганлиги ёки бошқа оғир касалликка чалинганлиги тиббий хулоса ёки суд-тиббий экспертиза хулосаси билан тасдиқланган бўлса, суд мазкур судланувчига нисбатан иш юритишни тўхтатади ...".

Шу билан бирга, мазкур моддани қўшимча норма билан тўлдириш лозим. Унга кўра, агар судланувчининг руҳий ҳолати бузилганлиги ёки бошқа оғир касаллиги амбулатория экспертизаси хулосаси ёки бошқа тиббий ҳужжатлар билан дастлаб тасдиқланган бўлиб, касалликнинг хусусиятини аниқлаш, шахснинг ақли расолиги ва муомалага лаёқатлилиги масалаларини ҳал этиш, шунингдек тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини танлаш мақсадида стационар экспертиза ўтказилаётган бўлса, шахс тиббий муассасага жойлаштирилган даврда, агар бошқа процессуал ҳаракатларни амалга ошириш зарурати бўлмаса, иш юритишни тўхтатиб туриш мумкинлиги белгиланиши керак.

Мазкур асосни суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида жиноят ишини тўхтатиб туриш тартибини белгиловчи ЖПКнинг 364-моддасига ҳам киритиш мақсадга мувофиқ.

Таклиф этилаётган мазкур ўзгартиш ва қўшимчаларни ЖПКга киритиш амалдаги жиноят-процессуал қонунчиликдаги мавжуд ҳуқуқий ноаниқлик ва зиддиятларни бартараф этишга хизмат қилади. Натижада жиноят иши бўйича иш юритишни тўхтатиб туриш ҳақида қарорлар қабул қилиш амалиётида яқдиллик ва ҳуқуқни бир хилда қўллаш таъминланади.

Шерзод ТУХТАШЕВ,

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил ишланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси.
2. "Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации" от 18.12.2001 N 174-ФЗ (ред. от 08.03.2026).
3. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан от 4 июля 2014 года № 231-V ЗРК.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан тақдим этилган маълумотнома.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДА РЕГУЛЯТОР ВА ФИНТЕХ-СУБЪЕКТЛАР ЎРТАСИДАГИ ТЕХНОЛОГИК ТЕНГЛИК ҲАМДА ГЛОБАЛ КАДРЛАР ТРАНСФЕРИ ЗАРУРИЯТИ

АННОТАЦИЯ: мақолада рақамли молия бозорида давлат регуляторлари ва финтех-субъектлар ўртасидаги технологик тенгликни таъминлашнинг институционал-ҳуқуқий механизмлари тадқиқ этилган ҳамда финтех-инновациялар ривожланиш динамикаси ва ҳуқуқий тартибга солиш ўртасидаги кечикишларни бартараф этишда IT-виза институтининг роли асослаб берилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, финтех, технологик тенглик, IT-виза, кадрлар трансфери, гибрид бандлик, SupTech, RegTech.

Рақамли иқтисодиёт трансформацияси молия бозорида финтех-субъектлар ва давлат регуляторлари ўртасида технологик узилишни юзага келтирмоқда. “Бали Финтех Кун тартиби” (2018) ҳужжатида таъкидланганидек, финтех-инновацияларнинг динамик ривожланиши ва регуляторлар институционал салоҳияти ўртасидаги технологик номуносивлик тизимли хавфларни яратди¹.

Халқаро ҳисоб-китоблар банки экспертларининг хулосасига кўра, регулятор ва финтехлар ўртасидаги “билимлар бўшлиғи” назорат органларининг бозор динамикасини тушуниш қобилиятини чеклаб қўймоқда². Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти ҳисоботларида эса ушбу технологик асимметрия алгоритмлар устидан назоратни сулалаштириши ва натижада “бозор муваффақиятсизлиги”га олиб келиши мумкинлиги ҳақида жиддий огоҳлантириш берилган³.

Илмий адабиётларда ушбу муаммонинг ечими сифатида технологик “паритет” (тенглик) концепцияси илгари сурилмоқда. Хусусан, С. Омарова финтех тизимларининг технологик мураккаблиги ва регуляторларнинг анъанавий услулари ўртасидаги асимметрияни таҳлил қилиб, регуляторлар технологик жиҳатдан финтех субъектлари билан “паритет” (тенглик) даражасига чиқмас экан, молиявий барқарорликни таъминлаш имконсизлиги ҳақидаги қарашларини илгари суради⁴. Доуглас Арнер фикрича, технологик тенгликка эришишнинг ягона амалий механизми — регуляторнинг финтех даражасидаги технологиялардан, яъни RegTech (тартибга солиш технологиялари) ва SupTech (назорат технологиялари) воситаларидан фойдаланишидир⁵. Яъни, назорат функцияси фақат ҳуқуқий нормаларга эмас, балки субъект билан тенг бўлган технологик алгоритмларга таяниши шарт. Бироқ, Жаҳон банки хулосаларига кўра, технологик мувозанатни таъминлаш фақат дастурий ечимларга эмас, балки юқори даражадаги техник экспертиза ва инсон капиталига боғлиқ⁶. Бугунги кунда давлат регуляторлари ва глобал финтех-гигантлари ўртасидаги кадрлар учун рақобат давлат секторидан “ақллар оқими” (brain drain) муаммосини келтириб чиқармоқда. Бу эса регулятор тизимида юқори малакали мутахассислар трансферини ҳуқуқий жиҳатдан легитимлаштириш ва янги бандлик моделларини жорий этиш заруриятини белгилайди.

Ушбу технологик номуносивликни бартараф этиш учун IT-виза институти шунчаки миграция имтиёзи эмас, балки регулятор ва финтех-субъектлар ўртасидаги “билимлар бўшлиғини” ёпишга хизмат қилувчи стратегик ҳуқуқий инструментдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 21 ноябрдаги 734-сонли қарори билан Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрда “Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишлари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартиби тўғрисида”ги 408-сонли қарорига киритилган ўзгаришлар асосида IT-виза тизимининг ривожланиши технологик паритетни таъминлаш йўлидаги муҳим институционал қадам бўлди⁷. Қарорга мувофиқ, IT-виза субъектлари доирасининг илмий даражага эга хорижий мутахассислар ҳисобига кенгайтирилиши ҳамда визани мамлакат худудидан чиқмасдан туриб узайтириш имкониятининг яратилиши регулятор тизимидаги “билимлар бўшлиғини” фундаментал даражада ёпишга хизмат қилади.

Рақамли молия бозоридаги субъектлар ва регуляторлар ўртасидаги технологик узилиш шунчаки операцион кечикиш эмас, балки чуқур когнитив асимметрия маҳсулидир. Бу ерда “узилиш” деганда, финтех-субъектларнинг янги технологик

ечимларни (масалан, сунъий интеллектга асосланган кредит скоринги ёки марказлашмаган ликвидлик ҳовузлари) жорий этиш тезлиги билан регуляторнинг ушбу жараёнларни аудит қилиш ва ҳуқуқий рамакка солиш қобилияти ўртасидаги номуносивлик тушунилади. Хусусан, финтех-субъектлар томонидан генератив сунъий интеллект ва ўз-ўзини ижро этувчи “смарт-контрактлар” тизимларининг операцион жараёнларга интеграция қилиниши регуляторнинг “статик мониторинг” услубидан ўртача ўн баравар юқори тезликдаги динамикада ривожланишига сабаб бўлмоқда⁸. Мазкур технологик узилиш қуйидаги уч ўлчовли асимметрия кўринишида намоён бўляпти:

Операцион-алгоритмик асимметрия – Финтех-субъектларнинг 24/7 реал вақт режимидаги амалиётларига нисбатан регуляторлар 30-90 кунлик “кечкикучи ҳисоботлар” моделига таянади. Халқаро ҳисоб-китоблар банки маълумотлари ва Эстония ҳамда Ўзбекистон кейслари таҳлили ушбу узилиш регуляторнинг назорат функцияси фақат оқибатларни қайд этиш билан чекланиб қолганлигини кўрсатади⁹.

Экспертиза ва инсон капитални номуносивлиги – Регулятор аппаратида алгоритмлар аудитини ўткази оладиган мутахассислар ва хусусий сектордаги аналогик кадрлар нисбати номуносив қолмоқда¹⁰. Бу ҳолат айниқса ривожланаётган (БАА, Ўзбекистон) экотизимларида фундаментал “технологик вакуум” мавжудлиги сабабли юзага келади.

Регулятив орқада қолиш кўрсаткичлари – “BIS” таҳлилларига кўра, “билимлар бўшлиғи” регулятив кечикишнинг бош омилдир¹¹. Эстониянинг “VASP” режими таҳлили янги крипто-активлар архитектурасини тушуниш учун бевосита техник экспертиза танқислиги оқибатида 18 ой вақт (2020-2022) сарфлаган. Сингапур тажрибасида алгоритмлар назоратидаги 24 ойлик узилиш регуляторнинг код даражасидаги аудит имкониятлари чекланганлиги натижасида юзага келган.

БАА ва Ўзбекистон каби юрисдикцияларда мавжуд 30-36 ойлик регулятив узилишлар нафақат технологияни англашда, балки халқаро кадрлар бозоридан зарур компетенцияларни (алгоритмик назорат, AI-аудит) жалб қилишдаги ҳуқуқий филтрлар қатъийлиги оқибатидир. Ички ресурслар ҳисобига финтех-кадрларни трансформация қилиш узоқ муддатли циклни талаб этишини инобатга олсак, глобал кадрлар трансфери (тайёр мутахассисларни интеграция қилиш) инновациялар устидан реал (декларатив бўлмаган) назоратни ўрнатиш ҳамда технологик паритетга эришишнинг энг тезкор ва самарали йўли сифатида намоён бўлади.

Юқори малакали инсон капиталининг глобал микёсдаги ҳаракатланиши рақамли иқтисодиётда технологик паритетга эришишнинг фундаментал шарт бўлса-да, амалдаги меҳнат миграцияси тизимлари рақамли кадрлар трансферининг динамик табиатига мослашмаган. Жаҳон иқтисодий форуми маълумотларига кўра, финтех-компанияларнинг 39 фоизи кадрлар етишмовчилигини ривожланишдаги асосий тўсиқ сифатида қайд этган¹². Бунинг негизда классик ишчи визаларини расмийлаштириш жараёнларининг финтех-инновацияларнинг тез ҳаракатланувчи ҳаётий циклига зидлиги ётади. Натижада “доимий тартибга солиш кечикиши” одадий ҳолатга айланиб қолмоқда¹³. Шунингдек, анъанавий виза тизимларидаги “бир иш берувчига боғлиқлик” тамойили мутахассисларнинг регуляторларни “Sandbox” (тартибга солиш қумдони) лойиҳаларида эксперт сифатида қатнашиши имкониятини чеклаб, билимлар оқимини институционал блоклаб қўймоқда¹⁴.

Мазкур институционал тўсиқларни тизимли бартараф этиш мақсадида, муаллиф томонидан технологик тафовутни мувозанатлаштирувчи "IT-виза асосидаги билимлар трансфери ва технологик паритет" концептуал модели ишлаб чиқилди. Моделнинг фундаментал ядросини IT-визани регулятор технологик салоҳиятини ташқи экспертиза ҳисобига динамик ривожлантирувчи инструмент сифатида белгилаш ташкил этади. Моделнинг марказий элементи — "Гибрид регулятив бандлик" режимидир. Ушбу режим доирасида "бир иш берувчига боғлиқлик" чеклови бекор қилиниб, мутахассисга хусусий секторда ишлаш билан бир вақтда, регуляторнинг SupTech лойиҳаларида "ташқи техник эксперт" сифатида иштирок этиш ваколати бериллади. Моделнинг "Экспертизани вертикал интеграциялашув алгоритми" қисми мутахассис билимларини амалиётга уч босқичда жорий этишни таъминлайди: аввал операцион даражада мониторинг тизимларини рақамли аудит ва алгоритмик таҳлил воситасида модернизация қилиш орқали назоратнинг технологик асослари мустаҳкамланади, сўнгра тактик даражада техник экспертиза хулосаларини тайёрлаш мuddатини тезлаштиради ва яқунда стратегик даражада экспертларнинг бевосита иштирокида миллий RegTech стандартлари юзасидан ҳуқуқий базани шакллантириш ва такомиллаштиришга хизмат қилади.

Таклиф этилаётган ҳуқуқий алгоритм тартибга солишнинг кечикишини ҳозирги 18-36 ойлик критик даврдан 3-6 ойлик операцион даврга тушириш имконини беради. Мазкур модел регуляторни технологик "истеъмолчи" мақомидан "тенг ҳамкор" даражасига кўтариши ва бозор субъектлари билан реал вақт режимда ҳамкорлик қилишнинг барқарор ҳуқуқий формуласини тақдим этади.

Тадқиқот натижасида аниқланган регулятив асимметрия кўрсаткичлари аънавий тартибга солиш назарияларини қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Хусусан, Д.Арнернинг "технологик оптимизм" концепцияси, яъни регуляторни фақат SupTech дастурий воситалари билан қуроллантириш етарли деган ёндашуви, биз аниқлаган кадрлар дисбаланси факторига зид келади. Интерпретациямизга кўра, технологик паритетнинг ядросида "алгоритмик тенглик" эмас, балки "компетентиявий синхронизация" ётиши шарт. Назорат технологиялари уни бошқарувчи инсон капитали билан мутаносиб бўлмас экан, регулятор "технологик кўрлик" ҳолатидан чиқа олмайди. Шу нуқтаи назардан, таклиф этилаётган "IT-виза асосидаги билимлар трансфери ва технологик паритет" модели С. Омарова илгари сурган технологик тенглик назариясини декларатив даражадан операцион-институционал даражага кўтарилади¹⁵. С.Омарова паритетни давлат ресурси, деб ҳисобласа, биз уни IT-виза орқали амалга ошувчи "билимлар диффузияси" жараёни сифатида белгилаймиз. Бунда янгилик шундаки, регулятор технологияни "сотиб олмайди", балки "гибрид бандлик" механизми орқали бозордаги мавжуд экспертизани тизимга "импорт" қилади. Тадқиқот натижалари шуни тасдиқлайдики, рақамли иқтисодиётда "билимсиз назорат қилиш" омили, экспертлар билан ҳамкорлик қилишда юзага келиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашувидан кўра кўпроқ тизимли хавф туғдиради. Таклиф этилаётган "IT-виза асосидаги билимлар трансфери ва технологик паритет" моделининг амалий жозибдорлиги регулятор тизимидаги "технологик бўшлиқни" ташқи инсон капитали ҳисобига тезкор тўлдириш имконияти билан асосланса-да, уни миллий ҳуқуқий майдонга интеграция қилишда бир қатор институционал чекловларни инобатга олиш лозим. Биринчи навбатда, мутахассис бир вақтнинг ўзида ҳам хусусий секторда, ҳам регулятор лойиҳаларида иштирок этиши манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқариб, "регулятив ўзлаштириш" хавфини туғдириши мумкин¹⁶. Мазкур зиддиятни бартараф этиш мақсадида маъмурий қонунчиликда гибрид бандликнинг ҳуқуқий чегараларини қатъий белгилаш талаб этилади.

Шу билан бирга, хорижий кадрларнинг регуляторнинг ички назорат тизимлари ва махфий маълумотлари билан ишлаши миллий рақамли суверенитет ҳамда ахборот хавфсизлиги нуқтаи назаридан қўшимча ҳуқуқий филтрларни тақозо этади. Ушбу чекловни бартараф этиш учун кадрлар трансферини "очиқ кириш" режимда эмас, балки "назорат остидаги ҳамкорлик" тамойили асосида амалга ошириш лозим. Бунда IT-виза эгалари регуляторнинг стратегик маълумотлар базасига эмас, балки фақат "Sandbox" лойиҳаларининг техник аудити ва назорат алгоритмларини моделлаштириш жараёнига жалб этилиши мақсадга муво-

фиқдир. Шунингдек, "масофавий экспертиза" ва "гибрид бандлик" тушунчалари ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ аниқлаштирилмаса, IT-виза имкониятлари инновацион ривожланишга хизмат қилувчи инструмент эмас, балки декларатив имтиёз бўлиб қолиши мумкин.

Ушбу чекловлар таклиф этилаётган моделни татбиқ этишда иммиграция, маъмурий ва ахборот хавфсизлиги ҳуқуқини синхрон трансформация қилишни тақозо этади. Технологик паритетга эришиш — бу нафақат виза режимини либераллаштириш, балки давлат аппаратининг ташқи компетенцияларни қабул қилиш қобилиятини ошириш жараёнидир. "IT-виза асосидаги билимлар трансфери ва технологик паритет" модели ҳуқуқий пойдевор яратса-да, GenAI ва DeFi тизимлари мураккаблашиши шароитида мутахассисларнинг "алгоритмик жавобгарлиги" масаласи очиқ қолмоқда. Келгуси тадқиқотларда ушбу кадрларнинг назорат жараёнидаги ҳатолари учун ҳуқуқий жавобгарлик чегараларини белгилаш долзарб йўналиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг асосий илмий хулосаси шундан иборатки, аънавий виза ва меҳнат миграцияси режимлари рақамли кадрлар трансферининг динамик табиатида жавоб бермайди ва бу регуляторнинг тизимли мослашувчанлигини чеклаб, унинг технологик ривожланишига тўсиқлик қилади.

Мақолада таклиф этилган "IT-виза асосидаги билимлар трансфери ва технологик паритет" модели рақамли молиявий хизматлар соҳасини ҳуқуқий тартибга солишнинг қисқартириш, яъни регуляторнинг операцион тезлигини бозор динамикасига синхронлаштириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 21 ноябрдаги 734-сонли қарори билан IT-виза тизимига киритилган ўзгартиришлар, хусусан, илмий даражали хорижий IT-экспертларнинг жалб қилиниши ва визани мамлакат ҳудудидан чиқмасдан туриб узайтириш имконияти, ушбу тадқиқотда илгари сурилган "технологик паритет" моделини ҳаётга татбиқ этиш учун мустаҳкам ҳуқуқий замин яратди.

Хулоса қилиб айтганда, IT-виза институтини шунчаки иммиграцион имтиёз эмас, балки регулятор ва финтех-субъектлар ўртасидаги технологик тенгликни таъминловчи стратегик инструмент сифатида ҳуқуқий қонунийлаштириш — рақамли молия бозорига субъектларнинг фуқаролик-ҳуқуқий мақомини такомиллаштиришга, тизимли молиявий барқарорликни таъминлашга ҳамда алгоритмлар устидан реал техник назорат ўрнатиш орқали финтех-хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий моделини шакллантиришга хизмат қилади.

Ноила АБДУРАХМОНОВА,

Тошкент давлат юридик университети таянч докторанти.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. IMF & World Bank. (2018). The Bali Fintech Agenda.
2. BCBS (2017). Sound Practices: Implications of fintech developments for banks and bank supervisors. Bank for International Settlements.
3. OECD (2020). Digital Finance: Policies and Challenges. Organisation for Economic Co-operation and Development.
4. Omarova, S. T. (2020). Technology v. Technocracy: Fintech as a Regulatory Challenge. Oxford Research Encyclopedia of Banking and Finance.
5. Arner, D. W., Barberis, J., & Buckley, R. P. (2017). From Fintech to RegTech: The Integration of Technology and Regulation. General Law Review.
6. World Bank. (2020). How Regulators Respond to Fintech.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 21.11.2025 йилдаги "Рақамли технологиялар соҳасида мутахассисларни тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш ҳамда чет эллик мутахассисларга "IT-visa" бериш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" ги 734-сон қарори.
8. Financial Stability Board (2023). FinTech and Market Structure in Financial Services.
9. Cambridge Centre for Alternative Finance. (2024). The 2nd Global Cryptoasset Regulatory Landscape Study.
10. World Economic Forum. (2024). The Future of Jobs Report 2024.
11. Enriques, L. (2023). Regulatory Sandboxes and the Future of Financial Regulation. Oxford University Press.
12. Deloitte. (2024). Beyond Borders: The Global Race for Tech Talent in Financial Services.

ЭРГАШМА ХУҚУҚ ИНСТИТУТИНИНГ ТАБИАТИ ВА УНИНГ САНЪАТ БОЗОРИДАГИ АҲАМИЯТИ

АННОТАЦИЯ: *мазкур мақолада санъат асарлари муомаласида эргашма ҳуқуқ институтининг ҳуқуқий табиати ва аҳамияти таҳлил қилинади. Муаллиф томонидан эргашма ҳуқуқнинг шаклланиш тарихи, унинг иқтисодий ва ҳуқуқий асослари ҳамда муаллифлик ҳуқуқлари тизимидаги ўрни ўрганилади. Шунингдек, трансчегаравий муносабатларда мазкур институтни қўллашда юзага келадиган халқаро хусусий ҳуқуқ муаммолари илмий жиҳатдан ёритилади.*

Калит сўзлар: *эргашма ҳуқуқ, санъат асарлари, муаллифлик ҳуқуқи, халқаро хусусий ҳуқуқ, ҳуқуқий табиат.*

Сўнги ўн йилликларда жаҳонда креатив иқтисодиётнинг жадал ривожланиши, санъат бозорининг глобаллашуви ҳамда рақамли технологияларнинг кенг жорий этилиши натижасида санъат асарларининг фуқаролик муомаласи янги босқичга кўтарилди. Айниқса, тасвирий санъат асарларининг трансчегаравий айланиши, аукцион савдолари орқали қайта сотилиши ва онлайн платформалар орқали муомалага кириши муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг анъанавий механизмларини қайта кўриб чиқиш заруратини юзага келтирмоқда. Бундай шароитда муаллифларнинг иқтисодий манфаатларини таъминлашга қаратилган махсус ҳуқуқий институтлардан бири сифатида “эргашма ҳуқуқ” (*droit de suite*) алоҳида аҳамият касб этади.

Эргашма ҳуқуқнинг моҳияти шундан иборатки, тасвирий санъат асари муаллифи ўз асарининг асл нусхаси ҳар бир қайта сотилганида унинг қийматидан белгиланган фоизда мукофот олиш ҳуқуқига эга бўлади. Мазкур институт, биринчи навбатда, санъат бозорида юзага келадиган иқтисодий номутаносибликни бартараф этишга хизмат қилади, яъни муаллиф томонидан дастлаб паст нархда сотилган асарнинг кейинчалик юқори қийматда қайта сотилиши натижасида ҳосил бўлган қўшимча фойдадан муаллифнинг ҳам улуш олишини таъминлайди. Шу жиҳатдан эргашма ҳуқуқ ижодкорларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Шу билан бирга, эргашма ҳуқуқнинг муаллифлик ҳуқуқлари тизимидаги ўрни ҳамда унинг мулкӣ ёки аралаш (*suī generis*) ҳуқуқ сифатида баҳоланиши масалалари илмий доираларда мунозарали бўлиб қолмоқда.

“Эргашма ҳуқуқ” тасвирий санъат асарлари муаллифларига шахсий номоддий ва мутлақ ҳуқуқлар билан бир қаторда эргашмиш ҳуқуқини ҳам тақдим этади. Ушбу ҳуқуққа мувофиқ, муаллиф тасвирий санъат асарининг оригинали қайта сотилган тақдирда, унинг нархидан фоиз шаклида мукофот олиш имкониятига эга бўлади. Бундай қайта сотиш жараёнида воситачи сифатида юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркор (хусусан, аукцион уйи, тасвирий санъат галереяси, рассомлар салони, дўкон ва бошқалар) иштирок этиши керак. Эргашмиш ҳуқуқи асосан моддий (мулкӣ) ҳуқуқ сифатида қаралади. Бу ҳуқуқ муаллиф асаридан воз кечган пайтдан бошлаб унга берилади ва у мазкур асар кейинчалик бошқа шахсларга ўтганда ҳам ундан даромад олиш имкониятига эга бўлади. Яъни, муаллиф асарнинг кейинги тақдирига “эргашиб”, ундан тижорат фойдаси олиш ҳуқуқига эга бўлади. Мазкур ҳуқуқ “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонуннинг 23-моддасида мустаҳкамлаб кўйилган.

“Эргашма ҳуқуқ”нинг юзага келиши, тасвирий санъат асарлари муаллифларининг ижодлари маҳсулини ўз карерасининг бошида ҳақиқий ижодий ва молиявий қийматига мос келмайдиган, яъни паст нархларда сотганликлари сабабли, муаллифлар манфаатларини ҳимоя қилиш зарурати билан боғлиқ эди. Сотиш нархи яъни бирламчи санъат бозоридаги ва қайта сотиш (иккиламчи бозор) орасидаги фарқ, оралик сав-

догарларга катта даромад олиб келди, бунда муаллифлар ўзларининг ижодлари маҳсулини тўлақонли равишда нархлай олишмади. Машҳур бўлиб, улар ўзларининг ижодий ишлари орқали ижодий натижаларидан фойдаланиш имкониятидан маҳрум бўлдилар. Ушбу зиддият муаллифларнинг “эргашма ҳуқуқ”ни ҳуқуқий тартибга солувчи воситалар қаторига киритиш орқали ҳал қилинди.

Ушбу ҳуқуқнинг моҳияти шундаки, баъзи муаллифларга яратган асарларини тижорат айланмасига қўшганликлари учун қўшимча даромад олиш имконияти тақдим этилади.

“Улушли иштирок назарияси” (*Equity participation theory*) 1920 йилда Францияда биринчи марта муаллифларнинг субъектив ҳуқуқи сифатида амалга оширилган. Ушбу ҳуқуқий институтнинг пайдо бўлишига Биринчи Жаҳон Урушидан кейин юзага келган иқтисодий ва интеллектуал инқирозлар сабаб бўлди. Француз ҳуқуқшуноси Кассин (*Cassin*) шу пайтда мавжуд бўлган вазиятни қуйидагича таърифлайди: “Урушдан кейин Францияда интеллектуал ёшлар қатори сезиларли даражада камайди. Урушдан келиб чиққан ҳалокат бутун Европа бўйлаб омон қолганлар томонидан интеллектуал маҳсулотларни яратишда фаолиятни анча пасайтирди. Ҳеч қачон бўлмаганидек, интеллектуал ва хис-туйғуларни материал дунёсига қаратилган талаблардан ҳимоя қилиш ва қайта тиклаш зарурати пайдо бўлди”.

Д. Подносковнинг фикрича, эргашма ҳуқуқининг юзага келишига сабаб бўлган омиллар қуйидагилардан иборат:

Ижодий фаолиятининг бошида асарларини арзонга сотган рассомлар ва ҳайкалтарашларнинг яшаш тарзи ва улар яратган ижодий ишлар эса ажойиб нархларга сотилиши;

Биринчи жаҳон урушида ҳалок бўлган рассомларнинг меросхўрлари орасидаги оғир ҳолат;

Ижодкорларнинг янги санъат асарларини яратишга рағбатлантириш учун қўшимча мукофот тақдим этиш мақсадида.

Шу сабабли, 1920 йилда Француз ҳуқуқшунослари санъат асари муаллифларига ўзларининг асарларини оммавий савдоларда қайта сотган сотувчилардан қўшимча мукофот олиш ҳуқуқини берадиган қонун қабул қилдилар.

Бироқ, қайта сотувчилар, муаллифларга шартномалар бўйича қўшимча шартлар белгилаш имкониятига эга эканликларини ҳисобга олиш керак эди. Бу ҳақда голландиялик олим М. Геестеранус (*M. Geesteranus*) шундай дейди: “Муаллиф ўз асаридан фойдаланиш учун мурожаат қилишга мажбур бўлган шахсларга деярли муқаррар иқтисодий жиҳатдан тобе бўлиб қолиши, баъзан эса бу ҳолат уни тўлақонли қарамликка айлантириши ҳам мумкин”. Шундай қилиб, муаллифларни қайта сотувчиларнинг иқтисодий босимидан ҳимоя қилиш мақсадида, қонунан уларнинг яратган асарларини қайта сотишдан ва қўшимча мукофот олиш ҳуқуқини бошқа шартнома орқали йўқ қилишга рухсат бермаслик талаб қилинди. Фақатгина меросхўрлар ўзаро меросни бўлиб олиш ҳуқуқини олишади. Юқорида айтиб ўтилганлардан кўриниб турибдики, чорак асрдан ортиқ вақт ўтгач, 1948 йилда Брюссельда

бўлиб ўтган Бернь конвенциясини қайта кўриб чиқиш конференциясида иштирокчилар мазкур халқаро шартноманинг 14 ter-моддасида эргашма ҳуқуқининг мазмунини расман мустаҳкамладилар. Унинг моҳияти куйидагидан иборат:

1) Санъат асарларининг асл нусхалари. *Ёзувчи ва композиторлар асарларининг асл кўлёмаларига нисбатан муаллиф, унинг вафотидан кейин эса миллий қонунчилик томонидан ҳуқуқий ваколат берилган шахслар ёки муассасалар асар муаллифи томонидан амалга оширилган биринчи воз кечишдан кейин асарнинг ҳар бир сотувда ўзларининг мусодара қилинмайдиган ҳиссаси билан қатнашиш ҳуқуқидан фойдаланадилар.*

2) Аввалги бандда назарда тутилган муҳофаза. *Агар муаллиф мамлакатининг қонунчилиги бундай муҳофазани назарда тутган бўлиб, у ушбу муҳофаза сўралаётган мамлакат қонунчилигида йўл қўйилган ҳажмда бўлса, ҳар қандай Иттифок мамлакатида сўралиши мумкин.*

3) Суммаларни тўплаш тартиби ва миқдори *миллий қонунчиликда белгиланади.*

Келтирилган матндан кўриниб турибдики, 1886 йилда Швейцарияда "Адабий ва бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Бернь конвенцияси ишлаб чиқилганида муаллифлар француз қонунларидан бирмунча кенгрок ёндашиб, улар эргашма ҳуқуқини нафақат ҳар қандай санъат асари муаллифларига, балки ёзувчи ва композиторларга ҳам ўз кўлёмалари юзасидан бердилар.

Ушбу эргашма ҳуқуқ концепциясини рад этувчи олимлар ҳам бор. Жумладан, А.А. Пиленко ўз қарашларини куйидагича баён этган эди: "Агар расмом менга ўз расмини сотган бўлса ва кейин уни кўпайтириш мақсадида фотосуратга олишни хоҳласа, мен уни ўз квартирамга киритишга мажбур эмасман". Бу ҳолатда муаллифнинг ижодий ишини кўпайтириш имкониятини беришга қаратилган манфаатни қайд қилишга уриниш мавжуд эди. АҚШ миллий қонунчилиги "эргашма ҳуқуқ"ни рад этади ва "биринчи сотув" (first sale doctrine) концепциясига таянади.

Юқоридаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, эргашма ҳуқуқ (droit de suite) тасвирий санъат асарларининг фуқаролик муомаласида муаллифларнинг иқтисодий манфаатларини таъминлашга қаратилган муҳим ҳуқуқий институт ҳисобланади. Унинг асосий моҳияти асар муаллифи томонидан яратилган оригинал асарнинг кейинги қайта сотиш жараёнларида ҳам муаллифнинг муайян улушда иштирок этишини таъминлаш орқали санъат бозоридаги иқтисодий адолатни тиклашдан иборат.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, эргашма ҳуқуқ ўз ҳуқуқий табиатида кўра классик мулк ҳуқуқлардан фарқ қилувчи, муаллифлик ҳуқуқлари тизими доирасида шаклланган ва айрим ҳолларда мустақил (sui generis) хусусиятга эга бўлган комплекс ҳуқуқ сифатида намоён бўлади. У бир вақтнинг ўзида муаллифнинг мулк манфаатларини таъминлашга хизмат қилса-да, унинг амалга оширилиши шахсий номулк ҳуқуқлар билан ҳам узвий боғлиқдир. Шу боисдан, уни фақатгина мулк ҳуқуқ сифатида баҳолаш илмий жиҳатдан тўлиқ эмас, балки уни аралаш ҳуқуқий табиатга эга институт сифатида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Шу билан бирга, эргашма ҳуқуқнинг халқаро-ҳуқуқий тартибга солинишида муайян муаммолар мавжуд. Хусусан, трансчегаравий санъат бозори шароитида асарларнинг қайта сотилиши бир неча давлатлар ҳудуди билан боғлиқ бўлгани сабабли, қайси давлат ҳуқуқи кўлланилиши, мукофот ундириш механизми ва ваколатли субъектларни аниқлаш масалалари долзарб бўлиб қолмоқда. Амалда эса мазкур муносабатларни тартибга солишда асосан lex loci protectionis тамойили қўлланилса-да,

у барча ҳолатларда самарали ечимни таъминламайди. Шу нуқтаи назардан, эргашма ҳуқуқ муносабатларига нисбатан махсус коллизия нормаларни ишлаб чиқиш зарурати мавжуд.

Бундан ташқари, рақамли иқтисодиёт ва замонавий технологияларнинг ривожланиши эргашма ҳуқуқнинг амалга оширилиш шакллари сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, NFT технологиялари ва онлайн аукцион платформалари орқали амалга оширилаётган қайта сотиш жараёнлари анъанавий ҳуқуқий механизмларнинг самарадорлигини пасайтирмоқда. Шу муносабат билан, эргашма ҳуқуқни рақамли муҳитга мослаштириш, жумладан, автоматлаштирилган ҳисоб-китоб ва тўлов тизимларини жорий этиш, шунингдек, онлайн савдоларда иштирок этувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаш муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, куйидаги илмий-амалий таклифларни илгари суриш мумкин:

– эргашма ҳуқуқнинг ҳуқуқий табиатини миллий қонунчиликда аниқ белгилаш ва уни муаллифлик ҳуқуқининг алоҳида тури сифатида мустаҳкамлаш;

– трансчегаравий муносабатларда эргашма ҳуқуқни қўллаш учун махсус коллизия нормаларни ишлаб чиқиш ва фуқаролик қонунчилигида киритиш;

– санъат асарларининг онлайн ва рақамли айлинишини ҳисобга олган ҳолда эргашма ҳуқуқни амалга оширишнинг замонавий механизмларини жорий этиш;

– муаллифларнинг ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида аукцион уйлари ва бошқа воситачиларнинг жавобгарлигини кучайтириш ҳамда уларнинг фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш.

Хулоса қилиб айтганда, эргашма ҳуқуқ институти санъат асарларининг фуқаролик муомаласини ҳуқуқий тартибга солиш тизимида муҳим ўрин тутаяди ҳамда унинг самарали амал қилиши муаллифларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, замонавий санъат бозорининг барқарор ривожланишини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу боисдан мазкур институтни миллий ва халқаро даражада такомиллаштириш устувор вазибалардан бири ҳисобланади.

Зарина ОЛИМОВА,

Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси таянч докторанти.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2006. – № 28–29.
2. Дюма Р. Литературная и художественная собственность Авторское право Франции / пер. с фр. – 2-е изд. – М.: Международные отношения, 1993. – 304 с.
3. Флейшиц Е.А. Личные права в гражданском праве Союза ССР и капиталистических стран. – М.: Юридическое издательство НКЮ СССР, 1941. – 208 с.
4. Подносков Д.В. Нормативное регулирование права следования в России на современном этапе развития арт-рынка // Интеллектуальная собственность Авторское право и смежные права. – 2006. – № 10. – С. 49–53.
5. Пиленко А.А. Новый закон об авторском праве. – СПб.: Издание А.С. Суворина, 1911. – 120 с.
6. Geesteranus M. The Resale Right in the International Art Market // International Review of Intellectual Property and Competition Law. – 2000. – Vol. 31. – P. 1–15.
7. Directive 2001/84/EC of the European Parliament and of the Council of 27 September 2001 on the resale right for the benefit of the author of an original work of art // Official Journal of the European Communities. – 2001.
8. WIPO. When Private International Law Meets Intellectual Property Law: A Guide for Judges. – Geneva: WIPO, 2019. – 180 p.
9. Merryman J.H., Elsen A.E., Urice S.K. Law, Ethics, and the Visual Arts. – 6th ed. – New York: Kluwer Law International, 2007. – 1200 p.

РАҚОБАТ БИЛАН БОҒЛИҚ МАЪМУРИЙ-ХУҚУҚИЙ НИЗОЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда тақиқланмаган усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақли эканлиги, ҳар ким ўз ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиши кафолатланган. Фуқароларнинг ушбу ҳуқуқларини таъминлаш судларнинг устувор вазифаларидан ҳисобланади. Рақобат тўғрисидаги низолар маъмурий ва иқтисодий судларнинг судловига тааллуқлидир. Мазкур ҳолатда, рақобат тўғрисидаги ишларнинг судга тааллуқлиги масаласини ҳал қилиб олиш бугунги кундаги процессуал қонунчилик олдидан турган муаммолардан биридир. Сабаби, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг (МСИЮтК) 272-моддасида ҳамда Иқтисодий процессуал кодексининг 302-моддаси нормалари деярли бир хил мазмунга эга бўлиб, уларнинг фарқли жиҳатларини аниқлаштириб олишни фақатгина ушбу нормалар билан амалга ошириб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан, дастлаб, маъмурий судлар томонидан кўриб чиқиладиган ишларни аниқлаштириб олишимиз зарур.

МСИЮтКнинг 26-моддасида, маъмурий судга фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар тааллуқли эканлиги, бундан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига, фуқаролик ишлари бўйича судларга, иқтисодий судларга ва ҳарбий судларга тааллуқли ишлар мустасно эканлиги белгилаб берилган. Ушбу моддага кўра, маъмурий судлар томонидан кўриб чиқиладиган ишларга қўйилган асосий талаб бу – низонинг маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққанлиги ҳисобланади. Шу ўринда эътибор қаратишимиз керак бўлган яна бир жиҳат – низо ёки ижтимоий муносабатнинг келиб чиқиш асоси оммавий характер касб этишидир. Яъни, бунда тарафлар асосан давлат органи, фуқаро ёки хўжалик юритувчи субъектлар бўлиши мумкин. Булар ўзаро тенг бўлмаган, бири иккинчисига бўйсиниш тартибидаги ижтимоий муносабатларга киришган бўлиши зарур ҳамда бир тарафда давлат ҳокимиятини амалга оширишга ваколати бўлиши зарур.

Рақобат тўғрисидаги маъмурий-ҳуқуқий низонинг ўзига хослигини тушунтиришда, дастлаб, маъмурий ҳуқуқ, маъмурий-ҳуқуқий низо, маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар тушунчалари ва уларнинг мазмунига эътибор қаратадиган бўлсак мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, ушбу тушунча ва терминларнинг мазмун ва моҳиятини тушунмасдан туриб, рақобат тўғрисидаги маъмурий-ҳуқуқий низоларни тушунишимиз қийин. Маъмурий ҳуқуқ атамаси арабча “маъмурий” – бошқарув, лотинча – “administratio” сўзидан олинган бўлиб, “бошқарув ҳуқуқи” маъносини англатади. Маъмурий ҳуқуқ – бу давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнидаги ижтимоий муносабатларни, яъни давлат органларининг ижро этиш ва фармойиш бериш фаолиятида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солишини англатади.

Ҳуқуқшунос Э.Хожиёвнинг фикрига кўра, маъмурий ҳуқуқ бу – давлат бошқарувини ташкил этиш ва бошқарувни амалга ошириш жараёнида вужудга ке-

ладиган турли-туман ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ тармоғи сифатида тушунтиришга ҳаракат қилган. Ҳуқуқшунос олим Д.Артиков фикрига кўра, маъмурий ҳуқуқ – ижро ҳокимиятини амалга ошириш ва давлат бошқаруви жараёнида маъмурий органларнинг жисмоний ва юридик шахслар билан ўзаро муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқ нормалари йиғиндисидир. Демак, маъмурий ҳуқуқ давлат бошқарувини ташкил этиш ва унда вужудга келадиган муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқ тармоғи ҳисобланар экан.

Маъмурий-ҳуқуқий низолар тушунчасига бир қатор олимларимиз ўзининг қарашларини билдириб ўтишган. Хусусан, С.А.Муратаев, Б.Т.Мусаев, Д.Р.Артиковларнинг фикрига кўра, маъмурий-ҳуқуқий низолар – бу маъмурий-ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари доирасидан келиб чиқадиган зиддиятлари, қарама-қаршиликлари ҳисобланади. Ушбу низоларда тарафлар сифатида бир томондан давлат органлари ёки уларнинг мансабдор шахслари, иккинчи томондан жисмоний ёки юридик шахслар иштирок этади. Ушбу жиҳати билан маъмурий-ҳуқуқий низолар бошқа турдаги юридик низолардан фарқ қилади. Рақобат билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқий низоларда жавобгар томон сифатида ҳар доим Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари, яъни давлат органи иштирок этади.

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларнинг маъмурий-ҳуқуқий хусусияти қуйидагилар билан белгиланади:

- мазкур турдаги низолар давлат органларининг давлат бошқарув функцияларини амалга оширишлари билан боғлиқ ҳолда юзага келади;

- маъмурий низолар маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар доирасида юридик-ҳокимий қарорларни қабул қилиш ва уларга нисбатан иккинчи тарафнинг норозилиги натижасида юзага келади.

Ҳуқуқшунос Д.Артиковга кўра, маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар бу – маъмурий органларнинг жисмоний ва юридик шахслар билан давлат бошқаруви жараёнида юзага келган ва маъмурий-ҳуқуқий нормалар билан

тартибга солинган ҳуқуқий муносабатларнинг бир туридир. Ушбу таъриф мукамал ва тушунарлироқ қилиб берилган ҳамда тушунчанинг моҳиятида ушбу муносабатларнинг қандай вужудга келиши-ю, қандай тартибга солиниши борасида фикр юритилган. Шунингдек, Д. Артиков таъкидлаганидек, маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар шунчалар кўп ва кенг кўламга эгаки, улар бўйича тегишли батафсил қонунлар қабул қилиш имконияти ҳар доим ҳам мавжуд бўлмайди. Яъни, барча маъмурий-ҳуқуқий муносабатларни қонун нормалари билан тартибга солишнинг иложи йўқ.

“Рақобат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига кўра рақобат тушунчасига қуйидагича таъриф берилган. Унга кўра, рақобат – хўжалик юритувчи субъектларнинг (рақобатчиларнинг) мусобақалашуви бўлиб, бунда уларнинг мустақил ҳаракатлари улардан ҳар бирининг товар ёки молия бозоридаги товар муомаласининг умумий шарт-шароитларига бир томонлама тартибда таъсир кўрсатиш имкониятини истисно этади ёки чеклайди.

“Рақобат” атамаси рус тилида “конкуренция”, инглиз тилида “competition”, немис тилида “wettbewerb” шаклида учрайди. Бу атамаларнинг барчаси лотин тилида “concurrentia” – тўқнашув сўзидан келиб чиққан. Умумий маънода рақобат муайян бир муҳитда шахслар, гуруҳлар, ташкилотларнинг нисбатан яхшироқ натижаларга эришиш учун ўзаро мусобақалашувини англатади. Маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилган рақобат тўғрисидаги ишларда ҳам, кўп ҳолларда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан рақобат қонунчилиги билан боғлиқ нормаларнинг бузилиши кузатилади. Бундай ҳолларда ваколатли давлат органи томонидан ушбу содир этилган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш учун қарорлар, кўрсатмалар қабул қилинади ҳамда ушбу ҳаракатлар бевосита хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлади. Ушбу ҳуқуқ ва манфаатларини ваколатли органга ёки судга мурожаат қилиши йўли билан тиклаши мумкин. Шундай жараёнда ваколатли давлат органи ва хўжалик юритувчи субъект ўртасида низо вужудга келади. Маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилган рақобат тўғрисидаги ишлар айнан шундай низолар тоифасига киради.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб рақобат билан боғлиқ маъмурий ва иқтисодий низоларнинг фарқли жиҳатлари ҳамда ўзига хосликликлари сифатида қуйидагиларни кўрсатишимиз мумкин:

- Рақобат билан боғлиқ низоларда томонлар: маъмурий низоларда бир тараф доимо давлат органи ва иккинчи тараф тадбиркорлик субъекти, иқтисодий низоларда иккала томон ҳам хўжалик юритувчи субъектлар бўлади. Яъни, маъмурий низода алоҳида субъектлар иштирок этиши талаб этилади.

- Рақобат билан боғлиқ низоларнинг тартибга солиш манбалари бўйича: маъмурий низолар маъмурий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинса, иқтисодий низоларда фуқаролик ҳуқуқи қоидалари билан тартибга солинади.

- Рақобат билан боғлиқ низоларнинг суд юрисдикцияси: маъмурий низоларда – маъмурий суд, иқтисодий низоларда. иқтисодий суд бўлади.

- Рақобат билан боғлиқ низоларда низо предмети: маъмурий низоларда давлат органининг қарори, ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги бўлса, иқтисодий низоларда шартномавий муносабатлардан келиб чиққан шартлар бўлади.

- Рақобат билан боғлиқ низоларда кучлар пропорционалиги, яъни маъмурий низода бир тараф давлат органи бўлганлиги сабабли ҳуқуқлар ва ваколат тенг эмас, иқтисодий низоларда иккала томон ҳам тенг ҳуқуқли субъект сифатида иштирок этади.

- Рақобат билан боғлиқ низоларда далиллар билан таъминлашда, маъмурий судларда давлат органи томонида исботлаб бериш мажбурияти бўлади, иқтисодий судларда иккала томон ҳам ўз имкониятидан келиб чиқиб далилларни тақдим этади, бунда бир томонда исботлаб бериш мажбурияти бўлмайди.

- Ижтимоий аҳамияти юқори бўлган бу турдаги низолар нафақат алоҳида хўжалик юритувчи субъектлар, балки истеъмолчилар, бозор тизими ва давлатнинг иқтисодий сиёсатида таъсир кўрсатади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлашимиз мумкинки, рақобат билан боғлиқ маъмурий-ҳуқуқий низолар – бозор иқтисодиёти шароитида кўп учрайдиган ва муҳим ҳуқуқий низолар тоифаси ҳисобланади. Шунинг учун бугунги бозор иқтисодиёти ривожланаётганда рақобат билан боғлиқ ишларнинг долзарблиги ошиб бормоқда. Бу эса ушбу тоифадаги низоларни ўрганиш ва уларни тадқиқ қилишни тақозо этади.

Азизбек ДАВРОНОВ,

Ўзбекистон Республикаси

Одил судлов академияси мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 26.01.2018 й., 02/18/МПК/0627-сон, 26.09.2025 й., 03/25/1084/0874-сон.
3. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 25.01.2018 й., 02/18/МПК/0623-сон, 20.10.2025 й., 03/25/1089/0953-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Рақобат тўғрисидаги қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.07.2023 й., 03/23/850/0439-сон; 24.06.2025 й., 03/25/1070/0536-сон.
5. Ш.Т.Икрамов ва И.А.Хамедов. Маъмурий ҳуқуқ. Дарслик. Тошкент – 2016.
6. Э.Хожиев, Т.Хожиев. Маъмурий ҳуқуқ. Дарслик. Тошкент- 2008.
7. Д.Артиков. Маъмурий ҳуқуқ ва процесс. Ўқув қўлланма. Тошкент – 2021.
8. С.А.Муратаев, Б.Т.Мусаев, Д.Р.Артиков. Маъмурий ҳуқуқ ва процесс. Дарслик. Тошкент -2020.
9. Артиков Д. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топшиш тўғрисидаги ишларни судда кўришнинг маъмурий жиҳатлари. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. – Т.: 2020.
10. Иллюстрированный энциклопедический словарь (электронное издание, воспроизведенное по изданию 1995 года). — М., 1997. Худди шу мазмундаги изоҳ инглиз лугатларида ҳам келтирилади: Longman dictionary of contemporary English. – Edinburgh, 2001. – P. 270.

ДАЛИЛЛАРНИ ТЎПЛАШ ВА МУСТАҲКАМЛАШ: ТАШКИЛИЙ ВА ТЕХНОЛОГИК ЁНДАШУВЛАР УЙҒУНЛИГИ

АННОТАЦИЯ: мазкур мақолада тиббиёт ходимларининг касбий вазифаларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслиги билан боғлиқ жиноятларда далилларни тўплаш ва мустаҳкамлаш масалалари таҳлил қилинади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 116-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси нормалари асосида далил тушунчаси, унинг манбалари ва исботлаш жараёнидаги ўрни ёритилади. Тиббий жиноятларга хос бўлган сабабий боғланишни аниқлаш мураккаблиги, суд-тиббий экспертизанинг ҳал қилувчи роли ва хизмат текширувлари билан боғлиқ муаммолар очиб берилади.

Калит сўзлар: тиббий жиноятлар, касбий бепарволик, далилларни тўплаш, далилларни мустаҳкамлаш, суд-тиббий экспертиза, сабабий боғланиш, хизмат текшируви, рақамли далиллар, DMED, электрон тиббий ҳужжатлар, криминалистика, тергов амалиёти.

Тиббиёт соҳасида касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаслик ёхуд лозим даражада бажармаслик билан боғлиқ жиноятлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 116-моддаси билан тартибга солинади. Ушбу турдаги жиноятларни эрта аниқлаш, олдини олиш долзарблигига сабаблардан бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сонли фармонида кўра “Ўзбекистон – 2030” Стратегияси доирасида аҳоли саломатлигини таъминлаш бўйича ислохотлар мақсадлар доирасида келтириб ўтилган. Хусусан, белгиланган давр давомида тиббиёт соҳасида рақамли технологияларни кенг жорий қилиш – тиббиёт муассасаларини рақамлаштиришни 100 фоизга етказиш мақсади қўйилган. Бу жараён ўз-ўзидан тиббиёт соҳасида тиббиёт ходимлари томонидан касб вазифасини лозим даражада бажармаслик билан боғлиқ жиноятларни барвақт аниқлаш, жиноятларни очишда далилларни тўплаш ва текширишда асосий восита бўлиб ҳам хизмат қилади.

Ушбу турдаги жиноятларни аниқлаш, далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш ҳақида фикр юритишдан олдин, “далил” тушунчасига тўхталиб ўтсак, Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал кодексининг 81-моддасида қуйидагича келтирилади: “Ижтимоий ҳафли қилмишнинг юз берган-бермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айбли-айбсизлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни суриштирувчи, терговчи ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай фактик маълумотлар жиноят иши бўйича далил ҳисобланади. Демак, жиноят иши бўйича далил бу фактик маълумот, қонунчилигимизда эса фактлар тўғрисидаги маълумотлар ҳақиқий саналади. Далиллар назарияси бўйича факт – объектив ижтимоий борлиқдаги ҳодиса ҳисобланиб, жиноятни тергов қилаётган шахсларга боғлиқ бўлмаган ҳолда бўлади ва улар(фактлар) ҳақидаги хабарлар эса бу фактларни улар орқали билишимиз мумкин бўлган маълумотлар саналади. Масалан, тиббиёт ходими касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаси ёхуд лозим даражада бажармаси, айтилиб ҳамшира беморга нотўғри техникада инъекция қилди ёки танасининг нотўғри қисмига йўллади, ушбу қилмишда нотўғри бажарилган амалиёт факт бўлса, бу факт ҳақидаги маълумотларга кўрсатмалар, беморнинг шахсий тиббий картаси, касалликлар тарихи сингарилар кириши мумкин.

Тиббиёт соҳасида касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаслик билан боғлиқ жиноятларда далилларни аниқлаш ва уларни тўплаш жараёни суд-тиббий экспертизаси, сўроқ қилиш, ҳужжатлар ва электрон маълумотларни қабул қилиш ёхуд эксгумация орқали амалга оширилиши мумкин. Жиноят-процессуал кодексининг 325-моддасида фақатгина жабрланувчининг шикоят асосида кўзгатиладиган жиноят ишлари келтириб ўтилган бўлиб, улар қаторида жиноят кодексининг 116-моддасига тааллуқли биронта қисм келтириб ўтилмаган. Демак, ушбу турдаги қилмишлар содир этилса ва бунга етарли далиллар мавжуд бўлса, жиноят иши кўзгатилиши лозим.

Мазкур жиноятларга оид тергов масаласи прокуратурада бўлиб, 116-модданинг 1-ва 2-қисмлари бўйича асосан шахсларнинг ўзи мурожаат қилишади ва мурожаат мавжуд бўлганда прокуратура томонидан терговга қадар текширув давомида ушбу ҳолат юзасидан шифохонага ва тегишли шахсга нисбатан хизмат текширувини тайинлаш бўйича тегишли органга мурожаат қилинади, бундан ташқари экспертиза тайинлини ҳам мумкин. Ушбу ҳулосалар жиноят ишини кўзгатиш ёки кўзгатишни рад қилиш масаласини ҳал этиб берувчи асосий восита бўлиб хизмат қилади. Хизмат текширувида ҳал этиладиган асосий масалалар бу шифохона ушбу турдаги фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эгами, шифокорнинг маълумоти, ихтисослиги, малака талабларига жавоб бериши ёки бермаслиги, беморни даволаш чоғида шифокор ССВ томонидан тасдиқланган клиник протоколлар ва стандартларга амал қилган ёки йўқми сингари асосий жиҳатлар ҳал этилади. Баъзан, тергов органи томонидан хизмат текширувининг ўзи жиноят ишини кўзгатмасликка сабаб бўлиб қоладиган ҳолатлар мавжуд, айрим ҳолатларда эса хизмат текшируви ва экспертиза ҳулосаси ўртасида ҳам қарама-қарши ҳолатлар пайдо бўлади. Бу хизмат текширувининг ўзига жиноят иши кўзгатилишини рад этилишига сабаб бўлиши нотўғрилигини намоян этиди.

Жиноят-процессуал кодексининг 81-моддаси 2-қисмида далиллар, яъни фактик маълумотларнинг манбалари келтирилган бўлиб, унга кўра, гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг кўрсатувлари, экспертнинг ҳулосаси, ашёвий, ёзма ва рақамли далиллар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар, тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ва бошқа ҳужжатлар манбалар саналади. Тиббиёт соҳасида содир этиладиган жиноятларда одатда бирламчи далил манбаси сифатида биз, экспертнинг ҳулосаси, ёзма, рақамли ва айрим ашёвий далилларни олишимиз мумкин, хусусан, DMED (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигини рақамлаштириш учун ишлаб чиқилган ягона тиббий тизимдир. У беморлар учун ҳам, тиббиёт ходимлари учун ҳам тиббий хизмат кўрсатишни оптималлаштириш ва сифатини ошириш учун комплекс ечимни таклиф этади) тизимида эндиликда беморнинг шахсий тиббий маълумотлари, касаллик тарихи, эпикризлари қайд этиб борилади, бу янада такомиллаштириб борилмоқда ҳамда қонун ва қонуности ҳужжатларимизда ҳам ўз аксини топган, хусусан Вазирлар Маҳкамасининг 425-сонли “2025-2026 йилларда сунъий интеллект технологиялари соҳасида устувор лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида, Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруқларида ўз аксини топган.

DMEDдаги маълумотлар ҳам эндиликда рақамли далил манбаси бўлиб, тиббиёт соҳасида содир этилган жиноятларни очишда воситачи бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал кодексида 204¹ ва 204²-моддалар 2024 йил 21 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига рақамли далиллар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар ки-

ритиш тўғрисида”ги 1003-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни асосида киритилган бўлиб, унга кўра, рақамли далил – иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган электрон маълумотлар, шу жумладан электрон тарздаги файллар, аудио-, видеоёзувлар, интернет жаҳон ахборот тармоғида сақланаётган маълумотлар, шунингдек бошқа электрон маълумотлардир. “Рақамли далиллар - бу электрон муҳитда мавжуд бўлган ва тергов жараёнида муҳим аҳамиятга эга бўлган ахборотлар ҳисобланади”. Уларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- ◆ Компьютер тизимларидан олинган далиллар (файллар, дастурлар, лог-файллар);
- ◆ Мобил қурилмалардан олинган далиллар (SMS, кўнғироқлар, чат ёзишмалари);
- ◆ Тармоқ ва интернет хизматларидан олинган далиллар (IP-манзиллар, электрон почта хабарлари, ижтимоий тармоқ ёзишмалари);
- ◆ Булутли технологиялар ва сервер маълумотлари.

DMED маълумотлари ҳам юқоридагилар бўйича айтишимиз мумкин, рақамли далиллар сирасига киради. DMED маълумотларидан нафақат, жиноят ҳуқуқи, жиноят судларида далил сифатида фойдаланиш, балки, бошқа фуқаровий низоларда ҳам фойдаланиш мумкин, айтилик, моддий ва маънавий зарар, тиббий фактни аниқлаш каби ҳолатларда.

Эндиликда ушбу маълумотларни олиш ва улардан фойдаланиш жиҳатларига эътибор қаратсак. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори Б. Ҳамидовнинг келтиришича, “энг муҳим техник талаблардан бири — мазкур маълумотлар олинган пайдан бошлаб ўзгартирилмаган бўлишидир. Шу сабабли, мутахассислар қурилмани оддий очиб кўриш ёки файлларни қўлбола усулда кўчириш билан чекланмайди. Аксинча, махсус техник воситалар ёрдамида маълумотларнинг аниқ нусхаси олинади ва кейинги барча таҳлил ишлари айнан ушбу нусха асосида амалга оширилади. Халқаро амалиётда ушбу мезонлар ҳеш қийматлар, вақт тамгалари ҳамда далилларни сақлаш ва назорат қилишнинг узлуксиз занжири (chain of custody) орқали таъминланади”.

Юқоридагиларни инобатга олиб, қуйидагиларни тақлиф сифатида келтиришимиз мумкин:

1. Мустақил экспертни жалб қилиш ва экспертлар учун жавобгарликни кучайтириш.

Ҳозирги кунда экспертиза марказига кўпинча “ишончли” далил манбаси сифатида қаралади. Экспертиза ҳулосаси учун эса кўпинча кўп вақт талаб қилинади, бу эса ўз-ўзидан жараёни секинлаштиради, қолаверса, тақдим қилинган ҳулоса доим аниқ ва ишончли бўлавермайди, шу боис мустақил хусусий экспертиза тизимини шакллантириш ва экспертлар учун жавобгарликни кучайтиришни тақлиф қиламиз.

2. Рақамли тиббий ҳужжатларни мажбурий жорий этиш (DMED орқали), ва ундаги ўзгартиришлар тарихини сақлаш.

DMED орқали барча тиббий ҳужжатлардан нафақат тиббиёт муассасаси ёки бемор, балки ишга тааллуқли маълумотлар мавжуд бўлганда экспертиза муассасалари ва тергов органлари ҳам фойдалана олиши лозим. Бу ўз-ўзидан мазкур турдаги жиноят ишларининг тез ва тўла очилишида далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

3. Тиббиёт соҳасидаги жиноятларда экспертиза турларини кенгайтириш.

Масалан, клиник экспертиза, фармакологик экспертиза, техник экспертиза сингари.

4. Рақамли мониторинг тизимларини жорий этиш, операцияларни видео ёзиб олиш, реанимация мониторинг маълумотларини сақлаш.

Ушбу мониторинг тизимлари ҳам ягона DMED тизими орқали тўпланиши ва сақланиши тақлиф этилади. Шу орқали ҳолатни тиклаш ва уни моделлаштириш тизими шакллантирилади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, тиббиёт соҳасида касб билан боғлиқ жиноятларни аниқлаш, тергов қилиш, ҳамда уларнинг далилларини тўплаш ва мустаҳкамлаш жараёни мураккаб. Бундай жиноятлар кўпинча махсус билимни талаб қилади. Уларнинг яширин характери ва сабабий боғланишини аниқлашдаги қийинчиликлар алоҳида эътиборга лойиқдир. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 116-моддаси доирасида ушбу жиноятлар учун далиллар тизими асосан эксперт ҳулосалари, тиббий ҳужжатлар ва замонавий шароитда муҳим аҳамият касб этаётган рақамли маълумотларга таянади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига далилларни тўплашнинг умумий тартиби белгиланган, лекин тиббиёт соҳасига хос процессуал механизмлар етарлича ривожланмаган. Рақамлаштириш жараёнлари, хусусан, DMED тизими доирасида тиббий маълумотларнинг электрон шаклда юритилиши, уларнинг ҳеш қийматлари, вақт тамгалари ва “chain of custody” принциплари асосида сақланиши ушбу жиноятларни фош этишда янги имкониятлар яратмоқда. Бу эса далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқади. Амалиётда экспертиза ҳулосасининг аҳамияти, хизмат текширувлари билан боғлиқ зиддиятлар, тиббий протоколларнинг мураккаблиги ҳамда тергов органларининг ихтисослашмаганлиги мавжуд муаммоларни кўрсатади.

Ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун мустақил экспертиза институти ривожлантириш, тиббий ҳужжатларни тўлиқ рақамлаштириш ва уларнинг ўзгартирилишини назорат қилиш, рақамли далиллар билан ишлашнинг процессуал асосларини такомиллаштириш, тергов амалиётида замонавий технологиялар ва рақамли мониторинг воситаларидан кенг фойдаланиш зарур.

Умуман олганда, тиббиёт соҳасидаги касбий бепарволик билан боғлиқ жиноятларда далилларни тўплаш ва мустаҳкамлаш самарадорлигини оширишга ҳуқуқий, ташкилий ва технологик ёндашувларнинг уйғунлигини таъминлаш орқали эришиш мумкин. Бу эса фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Озода ЭРГАШЕВА,

Тошкент давлат юридик университети таянч докторанти.

Фойдаланилган адабиётлар:

- I. Normativ-huquqiy hujjatlar:
 - 1.1. O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING JINOYAT-PROTSESSUAL KODEKSI - <https://lex.uz/docs/-111460#-253744>
 - 1.2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni "O'zbekiston — 2030" strategiyasi to'g'risida - <https://lex.uz/docs/-6600413>
 - 1.3. Vazirlar Mahkamasining 425-son "2025-2026-yillarda sun'iy intellekt texnologiyalari sohasida ustuvor loyihalarni amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida" gi qarori.
 - 1.4. "O'zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga raqamli dalillar bilan ishlash tizimini takomillashtirishga qaratilgan o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida" gi 1003-sonli O'zbekiston Respublikasi qonuni.
- II. Ilmiy adabiyotlar:
 - 2.1. Baratov, A.Sh. va boshq. Kriminalistika Ijild [Matn]: darslik/ Baratov A.Sh. va boshq.-T: TDYU nashriyoti-2025
 - 2.2. Criminal evidence Fourteenth edition published 2021 by Routledge 605 Third Avenue, New York, NY 10158 and by Routledge 2 Park Square, Milton Park, Abingdon, Oxon, OX14 4RN - <https://www.taylorfrancis.com/books/mono/10.4324/9781003092360/criminal-evidence-jefferson-ingram>
 - 2.3. Tulaganova, G.Z., Bazarova, D.B. Dalillar nazariyasi [Matn]: darslik / G.Z. Tulaganova, D.B. Bazarova.-T: TDYU nashriyoti, 2025.-320 b.
 - 2.4. M.X., Kadirova Jinoyat protsessida dalillar va isbotlash [Matn]: o'quv qo'llanma/ Kadirova Moxigul Xamitovna.-T: TDYU nashriyoti, 2024.-148 b.
 - 2.5. Maxmudov, S.A. Jinoyat protsessida dalillar va isbot qilish [Matn]: o'quv qo'llanma / Maxmudov S. A.-T: TDYU nashriyoti, 2025.-128 b.
 - 2.6. Xamidov Xamidovich, B. (2026). RAQAMLI DALILLAR VA SUD JARAYONI: SUDLARDA YANGI KO'NIKMALARNI SHAKLLANTIRISH ZARURIYATI. JOURNAL OF SCIENCE-INNOVATIVE RESEARCH IN UZBEKISTAN, 4(01), 117–121. Retrieved from <https://scienceinno.org/index.php/jsiru/article/view/84>.
- III. Elektron manbalar:
 - 3.1. <https://lex.uz>.
 - 3.2. <https://library-tsul.uz/>
 - 3.3. <https://ru.scribd.com/document/879959623/Raqamli-Dalillarning-Maqbulligi-Masalalari>.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИЧКИ НАЗОРАТ: РАҚАМЛИ ДУНЁ, РАҚАМЛИ КОМПЛАЕНС

АННОТАЦИЯ: мазкур мақолада соҳа ва тармоқларда коррупциявий хавф-хатарларни эрта аниқлаш, уларни тизимли баҳолаш ҳамда профилактик чораларни самарали ташкил этишда сунъий интеллектга асосланган ахборот дастурий таъминотларининг аҳамияти ёритилган. Хусусан, Ўзбекистонда жорий этилиши режалаштирилаётган “E-complayens” модулининг ҳуқуқий ва амалий асослари, унинг коррупцияга қарши ички назорат тизимини такомиллаштиришдаги ўрни ҳамда сунъий интеллект ёрдамида хавф индикаторларини аниқлаш имкониятлари кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: коррупция, сунъий интеллект, “E-complayens”, рақамли комплаенс, хавф-хатар, ички назорат, шаффофлик, мониторинг, давлат харидлари, аффилиланганлик.

Бугунги кунда соҳа ва тармоқларда коррупция хавф-хатарларини таҳлил қилиш ҳамда уларни нормал ҳолатда ушлаб туриш учун сунъий интеллект имкониятларига эга бўлган ахборот дастурий таъминотларининг ўрни беқийс.

Мазкур тизимлар катта ҳажмдаги маълумотлар билан ишлаш, манфаатлар тўқнашуви ва коррупция ҳолатлари билан боғлиқ хавфларни аниқлашда масъул ходимлар томонидан бажариладиган кундалик вазифаларни вақт ва аниқлик нуқтаи назаридан энгиллаштирибгина қолмасдан қарор қабул қилишда инсон омилни максимал даражада чеклаш имкониятини беради.

Ушбу тизимларнинг асосий вазифаларидан бири – бу рискларни эрта босқичда аниқлашдир. Масалан, харид жараёнлари, кадрлар алмашинуви, молиявий операциялар ёки имтиёзлар тақсимоотида шубҳали ҳолатлар кузатилса, тизим огоҳлантириш беради.

Бу эса коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир бўлишдан олдин профилактик чоралар кўриш имконини яратади.

Ўқоридагилардан келиб чиқиб, сунъий интеллектга асосланган тизимлар куйидаги йўналишларда фойдали хусусиятга эга эканлигини келтириб ўтишимиз мумкин:

- маълумотлар орасидаги боғлиқлик ва номуносивликларни аниқлаш;
- коррупция натижасида қабул қилинган қарорларни бекор қилиш;
- хавф индикаторлари асосида давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини мониторинг қилиб бориш;
- таҳлилий ҳисоботларни автоматик шакллантириш;
- қарор қабул қилишда шаффофликни ошириш.

Мазкур турдаги тизимларнинг яна бир муҳим жиҳати – бу инсон омилни камайтиришдир. Қачонки таҳлил қўлда эмас, автоматлаштирилган алгоритмлар ёрдамида амалга оширилса субъективлик, эътиборсизлик ёки манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ хавфлар камаяди. Натижада бошқарув жараёнлари янада соддалаштирилиб, соҳада очиқлик ва шаффофликка эришилади.

Дарҳақиқат, соҳа ва тармоқларда коррупцияга қарши курашиш ишлари самарадорлигини сифат жиҳатидан такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-270-сонли фармонида ҳам коррупцияга қарши ички назорат бўлиналари фаолиятини тўлиқ рақамлаштиришга оид “E-complayens” модулини “Рақамли комплаенс” ахборот дастурий комплекси доирасида ишга тушириш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигига юклатилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган мазкур ташаббуснинг мазмунини тўғри англаш учун, аввало коррупцияга қарши ички назорат бўлиналарининг давлат бошқарувидаги ўрнига эътибор қаратиш керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат бўлиналари мустақиллигини таъминлаш ҳамда фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-147-сонли қарори 1-бандида давлат органлари ва ташкилотларидаги коррупцияга қарши ички назорат бўлиналарининг устувор вазифалари сифатида куйидагилар келтирилган:

– коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олиш, уларга имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш;

– давлат хизматларини кўрсатишда коррупциявий омилларни бартараф этиш, маънавий коррупциянинг олдини олиш, шу жумладан, рақамлаштириш, бюрократияни қисқартириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

– идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш ва яқунлари бўйича аниқланган коррупциявий нормаларни бекор қилиш бўйича таклиф киритиш;

– давлат харидларини амалга оширишда манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик чораларини кўриш, давлат харидлари бўйича превентив ўрганишларни амалга ошириш;

– коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан мунтазам равишда Коррупцияга қарши курашиш агентлигига электрон ҳисобот тақдим этиб бориш;

– тегишли соҳа ва тармоқларда коррупциявий хавф-хатарлар рўйхатини шакллантириш, уларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, тасдиқланишини таъминлаш;

– давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши ички назоратни амалга ошириш ҳамда коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш имконини берувчи ситуацион марказлар фаолиятини йўлга қўйиш бўйича таклифлар киритиш;

– меҳнат жамоасида коррупцияга нисбатан муносабат муносабатни шакллантириш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик ва одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш;

– коррупцияга қарши курашиш бўйича ижобий тажрибаларни оммалаштириш ва жорий этиш юзасидан таклифлар киритиш.

Ўқорида таъкидланган асосий устувор вазифаларга эришиш учун биринчи навбатда мазкур назорат тузилмаларини зарур ахборот-ресурс манбалари билан таъминлашимиз зарур.

Ҳудди шу маънода, дастурий комплекснинг асосий устунликларидан бири – идораларо маълумот алмашишни тезлаштиришдир.

Фармонда¹ “Рақамли комплаенс” дастурий мажмуасининг вазифалари орасида коррупцияга қарши курашиш кластери иштирокчилари ўртасида тезкор маълумот алмашиш, давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимларини дастурий таъминот билан интеграция қилиш орқали Агентликни ахборот билан таъминлаш ҳам кўрсатилган.

Бу жуда муҳим, чунки коррупция хавфи кўпинча бир идоранинг ичиде эмас, балки идораларо узилишлар, кечикишлар ва маълумот етишмаслиги фониде кучаяди. “E-complayens” модули эса, ана шу камчиликларни бартараф этишга алоҳида хизмат кўрсатади.

Иккинчи катта афзаллик – ҳисобот ва мониторинг жараёнининг стандартлашувидир.

Ҳозирги моделда коррупцияга қарши ички назорат бўлиналари томонидан ҳар ой яқини бўйича Агентликка тақдим этиб борадиган ҳисоботлари примитив шаклларда йиғилиши, таҳлил қилишнинг турли ёндашувга асосланганлиги мазкур бўлиналарининг фаолиятини тўғри баҳолаш имкониятини бермаслиги мумкин.

Ишлаб чиқилиши режалаштирилаётган модулда эса бўлинмаларининг иш натижаларини, аниқланган хавфларни, кўрилган чораларни ва таклифларни ягона электрон форматда жамлаш имкони яратилади. Бу нафақат вақтни тежайди, балки бошқарув қарорларининг сифатини ҳам оширади.

Қарорнинг² 9(г)-банди эса, бўлинмаларнинг Агентликка электрон ҳисобот тақдим этиб бориш амалиётини ҳуқуқий асослантиради.

Фармонда³ “Рақамли комплаенс” мажмуаси таркибида сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш назарда тутилган бўлиб, улар маълумотларни таҳлил қилиш орқали коррупция хавфларини аниқлаш ва олдини олиш, шунингдек, давлат харидларида афилланганлик ҳамда манфаатлар тўқнашувини аниқлаш имконини бериши қайд этилган. Бу “E-komplayens” модулининг оддий электрон ҳужжат айланиш тизими бўлиб қолмаслигини, балки таҳлилга асосланган бошқарув платформасига айланишини аниқлатади.

Албатта, ҳар қандай рақамли ислохот сингари, “E-komplayens”нинг муваффақияти ҳам бир нечта шартларга боғлиқ бўлади.

Биринчидан, тизимдаги маълумотлар тўлиқ ва сифатли бўлиши керак, акс ҳолда сунъий интеллект ҳам нотўғри хулоса бериши мумкин.

Иккинчидан, идоралараро интеграция фақат техник эмас, ташкилий жараён сифатида ҳам бошқарилиши зарур.

Учинчидан, ходимларнинг рақамли саводхонлиги ва комплаенс маданияти бир хил даражада ривожланмаса, платформа тўлиқ самара бермаслиги мумкин.

Шу сабабли “E-komplayens” модулининг жорий этишга масъул шахслар томонидан методик қўлланмалар, ўқув дастурлари ва операцион тартиблар ишлаб чиқилиши зарур.

Бугунги кун амалиётида соҳага доир масалаларни жойга чиққан ҳолда ўрганиш, маълумотларини ташкилотлардан сўраб олиш, йиғилган маълумотларни алоҳида-алоҳида кўриб чиқиш каби эскича усуллардан фойдаланилмоқда.

Масалан, 2 минг нафар давлат хизматчисининг тадбиркорлик фаолияти билан шугулланишини текшириш учун солиқ, бандлик ва молия органлари маълумотларини сўраб олиш, барча маълумотларни солиштириб чиқиш ва таҳлил қилиш учун бир нафар ходим 5-6 кун вақт сарфлайди.

Агарда мазкур жараён рақамлашиб, маълумот базалари ўртасида интеграция таъминланса ва текширув автоматлаштирилса 1 соат ичида юқоридаги вазифани бажариш имконияти яратилади.

Маълумот учун: Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги УРҚ-931-сонли қонуни, 8-моддасига кўра, давлат органи ёки бошқа ташкилотнинг ходимига тижорат ташкилотларининг таъсисчиси (акциядори, иштирокчиси) бўлишга чекловлар қўйилган.

Бундан ташқари, коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари томонидан давлат харидларида мониторинг қилиш, давлат органлари функцияларидати коррупция хавфларини таҳлил қилиш, давлат органлари фаолиятини рейтинг баҳолаш, коррупцияга оид жинот содир этган шахсларни қайта давлат хизматига қабул қилинмаслигини назорат қилиш жараёнларини тўлиқ рақамлаштириш зарур.

Илғор хорижий давлатлар тажрибасида ҳам сунъий интеллект технологиялари орқали давлат харидлари соҳасида коррупция хавфларини аниқлаш ва таҳлил қилиш бўйича бир қатор ахборот тизимлари жорий этилган.

Жумладан, Россия Федерациясида коррупцияга қарши курашиш бўйича “Посейдон” ахборот тизими⁴ яратилган.

Ушбу тизим солиқ, адлия, бандлик, молия органларининг ахборот тизимлари ва бошқа очик манбалардаги маълумотлар асосида маълум бир шахсни текширувдан ўтказиб (яқин қариндошлари, бизнеси, мол-мулки ва бошқа) мавжуд ва эҳтимолий коррупция хавфларини таҳлил қилади.

Ёки Албанияда давлат харидлари жараёнларини бошқариш учун сунъий интеллект асосидаги махсус модель – “Diella” тизими⁵ жорий этилган.

Албания Бош вазири Эди Раманинг таъкидлашича⁶, “янги тизимнинг жорий этилиши “100 фоиз коррупциясиз” давлат харидлари механизмини яратишга хизмат қилади”.

Шу каби, соҳа ва тармоқларда коррупциявий хавф-хатарларнинг шакллари уларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда таснифлаш ва

коррупциявий хавфларнинг олдини олишга қаратилган аниқ чораларни белгилаш бугунги амалиётимизда энг асосий муаммолардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг 2022 йил 31 августдаги 2-сон, Адлия вазирлигининг 2022 йил 31 августдаги 5-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан уларнинг ҳудудий бўлинмалари, давлат муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотлар фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш услубиёти” талабларида ҳам давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш шакллари сифатида коррупцияга оид нормаларни бекор қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда ички идоравий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, қарор қабул қилишда инсон омилни қисқартириш ва давлат ташкилоти фаолиятини (вазифа ва функцияларини) рақамлаштириш, шаффофликни таъминлаш, жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш, давлат ташкилоти фаолиятини (вазифа ва функцияларини) тартибга солиш чораларини кўриш ва бошқалар келтирилган.

Муаммонинг асл сабабини аниқлашда коррупциявий хавф-хатарларни бошқариш ва таснифлаш асосий рўл ўйнашини соҳанинг етакчи олимларидан бири Oskar Kureg ҳам тасдиқлайди. Унга кўра, “Коррупциявий хавф-хатарлар тақсимоти муаммо сабабларини аниқлаш ва тегишли қонуний ҳамда институционал чоралар тўғри йўналтирилиши учун муҳимдир”.

Яна бир кўзга кўринган соҳа олимларидан Adam Graycar ва David Painterларнинг “Коррупцияни таснифлаш унга қарши назорат чораларини мақсадли равишда танлаш имконини беради”⁸, деган фикрларига тўлиқ қўшилган ҳолда, кўйида нима сабабдан ушбу масалалар ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги ва бошқарув, иқтисодий барқарорлик ҳамда жамоатчилик ишончига қандай фойда келтириши ҳақида фикр-мулоҳазаларни келтириб ўтиб, уларни тизимлаштирамиз. Сабаби:

А) Соҳада учраши мумкин бўлган коррупциявий хавф-хатарларнинг ҳар бир тури хилма-хил олдини олиш ёки жавоб чораларини талаб қилади.

Б) Уларнинг ўзига хос хусусиятларини тушуниш янада самаралироқ бўлган мослаштирилган, аниқ мақсадга йўналтирилган стратегияларни ишлаб чиқишда кўл келади.

С) Таснифлаш меъёрий-ҳуқуқий базаларни ишлаб чиқиш йўналишларини белгилабгина қолмай, мазкур ҳолатларни бартараф этишга қаратилган ресурсларни оптимал равишда тақсимлашга ёрдам беради.

Юқоридагиларга асосан, “E-komplayens” модулида коррупциявий хавфлар картограммасини шакллантириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бунда, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг сони, коррупция хавфини келтириб чиқараётган омиллар, миқдорларнинг банклар томонидан кўрсатилаётган хизматларга нисбатан муносабати ҳамда коррупция юзага келиши мумкин бўлган эҳтимолий ҳолатларни кўрсатиб турадиган қизил чиқиқлар (red flag) инобатга олиниши лозим.

РАСУЛОВ Мероншоҳ Раҳимжон ўғли,

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил илганувоҳиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-270-сонли фармони. [Электрон манба] URL: <https://lex.uz/docs/7962922>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-147-сонли фармони. [Электрон манба] URL: <https://lex.uz/docs/7486279>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-270-сонли фармони. [Электрон манба] URL: <https://lex.uz/docs/7962922>
4. Farakhiev, D.M. State information system “Poseidon”: a modern view on combating corruption. Bulletin of the Moscow University of the Ministry of Internal Affairs of Russia, 2023, no. 1, pp. 250–254. DOI: 10.24412/2073-0454-2023-1-250-254.
5. Albanian Telegraphic Agency (ATA). Diella, first AI Minister of State for Public Procurement. 2025 Sep 11.
6. The Guardian. (2025, September 11). Albania puts AI-created ‘minister’ in charge of public procurement.
7. Kurer, O. (2015). Definitions of corruption. In P. M. Heywood (Ed.), Handbook of Political Corruption
8. Graycar, A., & Painter, D. (2015). Corruption: Classification and analysis. Policy & Society, 34(2), 87–104.

МУҲИМ ОБЪЕКТЛАР КИБЕРХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақола муҳим ахборот инфратузилмаси (МАИ) объектларини киберхужумлардан ҳуқуқий ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган. Унда кибержиноятчиликнинг глобал ва миллий статистикаси таҳлил қилиниб, Ўзбекистон қонунчилигидаги МАИ объектларини тоифалаш ва давлат органларининг ваколатлари ёритилган.

Калит сўзлар: киберхавфсизлик, МАИ, тоифалаш, кибержиноят, ҳуқуқий тартибга солиш, ДХХ, рақамли далил.

Ҳозирги вақтда ахборот-коммуникация технологияларининг жамият ҳаётига чуқур кириб бориши натижасида кибержиноятчилик энг тез ривожланаётган глобал таҳдидлардан бирига айланди.

Айниқса, муҳим ахборот инфратузилмаси (МАИ) объектларига қилинган хужумлар динамикасида кескин ўсиш кузатишмоқда: 2025 йилнинг тўққиз ойи давомида глобал “Ransomware” (шифрловчи вирус) хужумлари ўтган йилга нисбатан 34 фоизга ошган бўлса, ушбу хужумларнинг тенг ярми (50%) соғлиқни сақлаш, энергетика ва молия каби стратегик соҳалар ҳиссасига тўғри келган¹. Дунё бўйлаб ҳар 14 сонияда битта киберхужум содир этилаётгани² МАИ ҳимояси нақадар долзарб эканини кўрсатади³.

Ўзбекистон миллий кибермақонида ҳам бу борадаги вазият анча мураккаблашган. Охириги беш йил ичида мамлакатимизда кибержиноятлар сони 68 бараварга ортиб, уларнинг умумий жиноятчиликдаги улуши 2024 йилда 44,4 фоизни ташкил этган⁴. Статистик маълумотларга кўра, 2024 йилда 50 мингдан ортиқ кибержиноят содир этилган бўлса, 2025 йилнинг 11 ойи давомида фуқаролар ва банк тизимига етказилган зарар миқдори қарийб 1,9 триллион сўмга етган. Ташвишли жиҳати шундаки, кибержиноятларнинг фош этилиш даражаси ҳозирда 8 фоиздан ҳам паст кўрсаткични қайд этмоқда.

МАИ хавфсизлигини таъминлашда юзага келаётган муаммолар фақатгина технологик эмас, балки тизимли ҳуқуқий бўшлиқлар билан ҳам боғлиқ. Биринчи навбатда, МАИни ҳуқуқий тартибга солишда институционал тарқоқлик кузатишмоқда; кўплаб мамлакатларда масъулият турли давлат идоралари ўртасида тақсимланиб кетган бўлиб, бу ягона мувофиқлаштирувчи механизмнинг самарадорлигини пасайтиради.

Шунингдек, қуйидаги тизимли муаммоларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

● **Ҳуқуқий таърифларнинг ноаниқлиги ва етишмовчилиги:** миллий қонунчиликда, хусусан Жиноят кодексида кибертерроризм, киберкўпурувчилик ва бошқа замонавий кибержиноят турлари учун жавобгарлик нормалари технологик ривожланишдан ортда қолмоқда⁵.

● **Атрибуция ва юрисдикция муаммоси:** киберхужумларнинг трансмиллий хусусияти хужумчининг шахсини ва жойлашган ўрнини аниқлашда (атрибуция) қийинчиликлар туғдиради, бу эса халқаро ҳамкорлик ва ўзаро ҳуқуқий ёрдам механизмларининг сустиги сабабли жиноятчиларнинг жазосиз қолишига замин яратмоқда.

● **Маълумот алмашинувидаги ҳуқуқий тўсиқлар:** давлат ва хусусий сектор ўртасида кибертаҳдидлар ҳақида

маълумот алмашиш жараёнида махфийлик ва шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш қонунчилиги (масалан, ГДПР) ўртасидаги зиддиятлар тизимли ҳамкорликка тўсиқ бўлмоқда⁶.

● **Процессуал механизмларнинг мукамал эмаслиги:** рақамли далилларни тўплаш, сақлаш ва судда экспертизадан ўтказишнинг мажбурий тартиби ҳамда ягона методикасининг мавжуд эмаслиги тергов самарадорлигини пасайтирувчи асосий омил бўлиб қолмоқда⁷.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, МАИ объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг миллий ва халқаро тажрибасини уйғунлаштирган ҳолда такомиллаштириш бугунги куннинг кечиктириб бўлмас зарурати ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида муҳим ахборот инфратузилмаси (МАИ) объектларини ҳуқуқий тартибга солиш асосан “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги Қонун⁸ ҳамда Президентнинг ПҚ-167-сонли қарори⁹ ва бошқа соҳавий низомлар билан белгиланган.

Манбалар асосида МАИ объектларининг тоифаланиши ва давлат органларининг ваколатларини батафсил таҳлил қиламиз:

МАИ — бу муҳим стратегик ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган автоматлаштирилган бошқарув тизимлари, ахборот тизимлари ҳамда тармоқлар ва технологик жараёнлар ресурсларининг мажмуидир. МАИ объектларига қуйидаги соҳалардаги ахборотлаштириш тизимлари киради:

- Давлат бошқаруви, мудофаа ва хавфсизлик;
- Ёқилғи-энергетика (атом энергетикаси), кимё ва металлургия тармоқлари;
- Соғлиқни сақлаш, банк-молия, транспорт ва телекоммуникация;
- Қишлоқ ва уй-жой коммунал хўжалиги, экология ва стратегик қазилмаларни қазиб олиш соҳалари.

МАИ объектлари киберхавфсизлик ҳодисаси натижасида юзага келиши мумкин бўлган зарар кўлами ва ижтимоий-иқтисодий оқибатларга қараб учта тоифага¹⁰ бўлинади:

► **Юқори даражадаги МАИ объектлари**¹¹: киберхужум натижасида жуда кўп миқдорда зарар етиши, 20 дан ортиқ одам соғлиғига зиён етиши ёки 500 дан ортиқ кишининг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилиши мумкин бўлган объектлар. Шунингдек, давлат сирлари билан ишловчи, атом энергетикаси, соғлиқни сақлаш ва телекоммуникация соҳасидаги тизимлар оқибатлардан қатъи назар ушбу тоифага киради.

► **Ўрта даражадаги МАИ объектлари**¹²: кўп миқдорда зарар, 11 дан 20 гача одам соғлиғига зиён ёки 101 дан 500 гача кишининг ҳаёт фаолияти бузилиши, шунингдек давлат обрўсига путур етиш хавфи бўлган объектлар.



3. **Паст даражадаги МАИ объектлари**¹³: юқори ва ўрта тоифага кирмайдиган бошқа МАИ объектлари.

МАИ субъектлари ҳар йили камида бир марта ўз объектларини тоифалаш лозим. Тоифалаш натижалари бўйича далолатнома тузилиб, ваколатли органга Ягона давлат реестрига киритиш учун ариза берилади.

МАИ ҳимоясини таъминлашда учта асосий орган иштирок этади:

А) Давлат хавфсизлик хизмати (Ваколатли давлат органи)¹⁴:

- Киберхавфсизлик соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширади.

- МАИ объектларининг Ягона давлат реестрини юритади ва объектларни реестрга киритиш тўғрисида қарор қабул қилади.

- МАИ объектларида киберхавфсизлик талабларини белгилайди ва уларнинг бажарилиши устидан назорат қилади.

- Давлат сирлари билан ишловчи МАИ объектларини бевосита назорат қилади ва аттестациядан ўтказиши.

- МАИ объектларининг масъул ходимларини ҳар 3 йилда бир марта аттестациядан ўтказиши.

Б) “Киберхавфсизлик маркази” ДУК (Ишчи орган)¹⁵:

- МАИ объектларини киберхавфсизлик талабларига мувофиқлиги бўйича аудит, аттестация ва экспертизадан ўтказиши¹⁶.

- Замонавий кибертаҳдидлар тўғрисидаги маълумотларни марказлаштирилган ҳолда тўплайди ва таҳлил қилади.

- МАИ объектларида қўлланиладиган аппарат ва дастурий воситаларни сертификатлайди.

- Мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга масъулдир.

В) “Ўзкомназорат” инспекцияси¹⁷:

- Давлат сирлари мавжуд бўлмаган МАИ объектларида киберхавфсизлик қонунчилигига риоя этилишини назорат қилади.

- Ишчи орган билан биргаликда техник регламентлар талаблари бажарилишини текширади ва камчиликларни бартавраф этиш бўйича кўрсатмалар беради.

МАИ субъектлари ўз навбатида ахборот тизимларининг узлуксиз ишлашини таъминлаши, маълумотларнинг захира нусхаларини камида 3 ой давомида сақлаши ва киберҳодисалар ҳақида ваколатли органни дарҳол хабардор қилиши шарт.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, муҳим ахборот инфратузилмаси (МАИ) объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш нафақат техник, балки стратегик ҳуқуқий вазифа-дир. Ўзбекистон Республикасида МАИ ҳимояси бўйича шакллантирилган институционал тизим ва тоифалаш механизми соҳани тартибга солишда муҳим қадам бўлди. Бироқ, кибертаҳдидларнинг трансмиллий хусусияти ва технологик ривожланиш суръати миллий қонунчиликни янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Олиб борилган таҳлиллар асосида қуйидаги якуний хулосаларга келиш мумкин:

- ▶ ДХХ, Киберхавфсизлик маркази ва “Ўзкомназорат” ўртасидаги ваколатлар тақсимотини амалиётда янада жипслаштириш, МАИ субъектлари билан маълумот алмашинувининг ягона ҳимояланган платформасини яратиш зарур.

- ▶ Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексига рақамли далиллар билан ишлаш, кибертерроризм ва МАИ объектларига

хужум учун махсус жавобгарлик нормаларини киритиш орқали ҳуқуқий бўшлиқларни тўлдириш лозим.

- ▶ Кибержиноятчиликнинг чегара билмаслигини инobatга олиб, халқаро конвенцияларга (масалан, Будапешт конвенцияси) интеграциялашув ва хорижий давлатлар билан кибертергов соҳасида тезкор ҳуқуқий ёрдам механизмларини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

- ▶ МАИ объектларида фаолият юритаётган масъул ходимларнинг нафақат техник, балки киберҳуқуқ соҳасидаги билимларини мунтазам ошириб бориш тизимнинг барқарорлигини таъминловчи асосий омил ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, МАИ объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тизимининг самарадорлиги — давлатнинг рақамли суверенитети ва миллий хавфсизлигининг кафолатидир.

Хусниддин ИСМАНАЛИЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси тингловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Half of 2025 ransomware attacks hit critical sectors as manufacturing, healthcare, and energy top global targets // Industrial Cyber (KELA тадқиқоти асосида). — 2025. — 22-октябрь.
2. Legal Implications of a Cyber-Attack // 405(d) Post: Cyber Safety is Patient Safety. — 2022. — 19-сентябрь.
3. Kiberjinoyatlar uchun javobgarlik choralarini va ulardan himoyalash usullari qanday? // Ички ишлар вазири Академияси (илмий-амалий мақола). — 2026. — 23-февраль.
4. Олимов А. Кибержиноятчиликка қарши курашининг ташкилий-ҳуқуқий асослари // Диссертация автореферати (DSc). — Тошкент: Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, 2018. — 12-б.
5. Олимов А. Кибержиноятчиликка қарши курашининг ташкилий-ҳуқуқий асослари // Диссертация автореферати (DSc). — Тошкент: Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, 2018. — 6-б.
6. Самиев Т.А. Жиноят ишлари бўйича рақамли экспертиза имкониятларидан фойдаланиш масалалари: миллий ва хорижий тажриба // Магистрлик диссертацияси. — Тошкент: Бош прокуратура академияси, 2020. — 89-б.
7. Thanvi I.A. Legal Challenges in Securing Critical Information Infrastructure Protection (CIIP): An American Empathy // Cyber Law Reporter. — 2023. — Vol. 2. Iss. 1. — P. 73.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги Қонуни: Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 15.04.2022 йилдаги ЎРҚ-764-сон // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.04.2022 й., 03/22/764/0309-сон
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг муҳим ахборот инфратузилмаси объектлари киберхавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, 31.05.2023 йилдаги ПҚ-167-сон // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 02.06.2023 й., 07/23/167/0323-сон.
10. Ўзбекистон Республикаси муҳим ахборот инфратузилмаси объектларини тоифалаш ва уларнинг ягона реестрини шакллантириш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом. 11.11.2024 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 3570.
11. мазкур Низомнинг 9-банди “а” кичик банди.
12. мазкур Низомнинг 9-банди “б” кичик банди
13. мазкур Низомнинг 9-банди “в” кичик банди.
14. Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги Қонуни, 11-модда ва 14-модда
15. Ўзбекистон Республикаси муҳим ахборот инфратузилмаси объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги низом, 3-боб, 10-банд.
16. Ўзбекистон Республикаси киберхавфсизлик ва муҳим ахборот инфратузилмаси объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш даражасини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низом. 22.09.2023 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 3458 // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 25.09.2023 й., 10/23/3458/0725-сон.
17. “Ўзкомназорат” инспекцияси назорати: Ўзбекистон Республикаси муҳим ахборот инфратузилмаси объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги низом, 2-боб, 9-банд

МУАЛЛИФЛИК ВА ТУРДОШ ХУҚУҚЛАРНИНГ ЯНГИ ЭХТИМОЛИЙ ОБЪЕКТЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақола муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларнинг янги эҳтимолий объектлари, хусусан, сунъий интеллект томонидан яратилган асарларнинг ҳуқуқий мақомини аниқлашга бағишланган.

Калит сўзлар: муаллифлик ҳуқуқи, сунъий интеллект (СИ), рақамли контент, интеллектуал мулк, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар, генератив сунъий интеллект (GenAI), ҳуқуқий ҳимоя, катта тил моделлари (LLM).

Муаллифлик ҳуқуқи — адабий, бадий, мусиқий ва бошқа ижодий асарлар каби асл ижод маҳсулотларини ҳимоя қилувчи интеллектуал мулкнинг бир тури. Муаллифлик ҳуқуқи яратувчига ўз асаридан фойдаланиш, уни тарқатиш ва ўзгартириш бўйича эксклюзив ҳуқуқларни тақдим этади. Бу ҳуқуқлар одатда маълум бир вақт давомида амал қилади (Adil, 2024, 4-6). Интеллектуал мулк ҳуқуқлари эса санъат асарлари, ихтиролар, дизайнлар ва тасвирлар каби инсон томонидан яратилган турли ишланмаларни ҳимоя қилувчи кенгрок ҳуқуқий тизимни англатади (Hugenholtz, 2021, 1216-6).

Муаллифлик ҳуқуқи пиксел, матн ёки дастурий таъминотнинг асл нусхаларини қамраб олса-да, GenAI (генератив сунъий интеллект) томонидан яратилган тақлидий мазмундаги контент LLMларнинг (катта тил моделлари) муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган маълумотларни ўрганиши ва улардан фойдаланишига асосланади. Бу ҳолат “AI томонидан яратилган янги объект” деган даъвои қисман савол остига қўяди. (Dwivedi, 2023).

Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонунини 8-моддасига мувофиқ, ижодий фаолият натижаси бўлмаган, техника воситалари ёрдамида яратилган маҳсулотлар муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳисобланмайди (УРҚ-42-сон). Мазкур тамойил рақамли контентни ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасида ҳам ўз кучини сақлаб қолади. Бошқача айтганда, объектнинг рақамли шаклида бўлиши унинг автоматик равишда муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланишини англатмайди; асосий мезон сифатида объектнинг бевосита инсон ижодий фаолияти натижаси эканлиги талаб этилади. Масалан, сунъий интеллект томонидан яратилган тасвир рақамли мулк шаклида мавжуд бўлса-да, муаллифлик ҳуқуқи билан муҳофаза қилинмайди. Демак, рақамли объектларга ҳуқуқий ҳимоя беришнинг асосий мезони уларнинг ўзига хос яратувчанлик даражаси ва индивидуал ифода шакли билан бевосита боғлиқдир.

Миллий қонунчиликка асосан “жисмоний шахс” муаллифлик ҳуқуқининг субъекти ҳисобланиши “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонуннинг 3 ва 8-моддаларида ўз ифодасини топган. Шунингдек, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Берн конвенциясида ҳам муаллифлик инсон фаолияти билан боғлиқлиги қайд этилган. Бироқ, бу ҳолат сунъий интеллект томонидан яратилган объектларга нисбатан қандай қўлланилиши масаласи ҳалигача ўз ечимини топмаган. Шунга қарамай, Бразилияда сунъий интеллект томонидан яратилган объектларга оид кенг қамровли ҳуқуқий ҳужжат эълон қилинган.

Юқорида қайд этилган ҳолат бўйича, Бразилияда сунъий интеллектта оид қонунчилик ташаббусларининг 4-моддасида “муаллифлик ҳуқуқи субъекти” айнан муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар доирасида яратилган асарларга эгаллик қилиши ёки ҳуқуқ эгаси бўлиши тўғрисида қайд қилинган. Бироқ, ушбу моддага эътибор қаратадиган бўлсак, унда “сунъий интеллект агентлари” сифатида дастурчилар, тарқатувчилар ва фойдаланувчилар кўрсатиб ўтилган. Улар AI тизими ҳамда унинг ички бошқарувида иштирок этадилар ва тегишли меъёрий ҳужжатлар асосида тартибга солинадилар. Демак, сунъий интеллект томонидан яратилган асарларга нисбатан муаллифлик ҳуқуқи кимга тегишли эканлигини белгилашда асарни яратиш жараёнидаги иштирок даражаси таҳлил қилинади ва бу ҳолат ваколатли давлат органлари томонидан тартибга солинади.

Таъкид қилиш керакки, давлат органлари томонидан яратилган асарларни муаллифлик ҳуқуқи объектлари сифатида эътироф этиш масаласида иккита асосий ёндашув мавжудлигини кўрсатади.

Биринчиси — анъанавий ёндашув бўлиб, унга кўра, муаллифлик ҳуқуқи фақат инсон ижоди маҳсулини ҳимоя қилади ва сунъий интеллект томонидан яратилган асарлар ҳуқуқий ҳимояга эга эмас (Addison Hichman, 2025; “Thaler v Perlmutter” иши, 2025, 10-6). Ушбу ёндашув АҚШ суд амалиёти ва Муаллифлик ҳуқуқи идораси ҳужжатларида ўз ифодасини топган. Муаллифлик ҳуқуқи тизими тарихан инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, халқаро ва миллий қонунчилик ҳужжатларида ҳам шунга мос нормалар белгиланган. Бироқ, технологик тараққиёт шароитида мазкур ёндашувни мутолақлаштириш сунъий интеллект воситасида яратилган асарларнинг ҳуқуқий ҳимоясиз қолишига ҳамда кўплаб амалий муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Иккинчи ёндашув сунъий интеллект ёрдамида яратилган асарларни муайян шартлар асосида муҳофаза қилишни тақлиф этади (US report, 2025). Хусусан, АҚШ Муаллифлик ҳуқуқи идорасининг 2025 йилги ҳисоботида таъкидланишича, агар инсон томонидан тизимли ижодий назорат амалга оширилган бўлса, сунъий интеллект ёрдамида яратилган асарлар ҳуқуқий ҳимояга эга бўлиши мумкин.

Ушбу ёндашув технологик тараққиёт ва инсон ижодкорлиги ўртасидаги мувозанатни таъминлашга хизмат қилади. Бироқ, бу тизим нафақат миллий қонунчилик, балки муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар соҳасини тартибга солувчи халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ҳам мувофиқлаштирилиши лозим.

Сунъий интеллект томонидан яратилган асарларнинг ҳуқуқий мақомидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонунини 11-моддасида белгиланган муҳофаза белгиларидан (УРҚ-42-сон) фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Хусусан:

- айлана ичидаги лотинча “С” ҳарфи;
- мутолақ муаллифлик ҳуқуқлари эгасининг исми-шарифи (агар асар сунъий интеллект томонидан яратилган бўлса, тизим номи ёки фойдаланувчи номи);
- объектнинг биринчи марта эълон қилинган йили.

Бундай ёндашув сунъий интеллект томонидан яратилганлигини очиқ кўрсатишга ва ҳуқуқий аниқликни таъминлашга хизмат қилади.

Олиб борилган таъкидот натижалари шуни кўрсатадики, сунъий интеллект томонидан яратилган асарларни муаллифлик ҳуқуқи объектлари сифатида эътироф этиш масаласи ҳамон халқаро муҳокамалар марказида қолмоқда. Агар сунъий интеллект ёрдамчи восита сифатида қўлланилса ва инсон томонидан ижодий назорат амалга оширилсагина, бундай асарлар ҳимояга эга бўлиши мумкин.

Бу борада қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Инсон иштироки мезонлари: инсон ҳиссасининг аниқ мезонларини белгилаш.

2. Шаффофлик: сунъий интеллект тизимларини ўқитаётганда муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган асарлардан фойдаланишнинг ҳуқуқий режими тартибга солиши (маълумотлар манбаларини ошкор этиш).

3. Компенсация механизми: муаллифларнинг ҳуқуқлари бузилган тақдирда, уларга тегишли компенсация тўлаш тартибини жорий этиш.

Европа Иттифоқининг 2025 йилги қонунчилик ҳужжатлари бу борада муҳим аҳамият касб этади. Мазкур халқаро стандартларни инобатга олган ҳолда, миллий қонунчиликка муаллифлик ҳуқуқининг “эҳтимолий объектлари”ни аниқ асословчи ўзгартиришлар киритиш зарур.

Ўзбекистонда 2025 йилда амалга оширилган ислохотлар, хусусан, Жиноят кодексига муаллифлик ҳуқуқини бузганлик учун жавобгарликни кучайтирувчи нормаларнинг киритилиши ва ҳимоя муддатини узайтириш масалаларининг муҳокама қилиниши миллий қонунчилигимизнинг халқаро стандартларга мослашиб бораётганидан далolat беради (ЎРҚ-1080-сон).

Тадқиқот давомида ўрганилган ҳужжатлар ва амалий ҳолатларни таҳлил қилган ҳолда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича қуйидаги таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш мумкин. Ушбу чоралар муаллифлик ҳуқуқи эгасини аниқлашдаги ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этишга хизмат қилади:

1. Қонунчилик базасига тузатишлар киритиш Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонунига сунъий интеллект томонидан яратилган асарларнинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи нормаларни киритиш зарур. Ушбу нормаларда “ижодий иерархия” тамойилини мустаҳкамлаш лозим:

- **Бирламчи муаллифлик:** инсоннинг иждоий ҳиссаси (интеллектуал меҳнат) муаллифлик ҳуқуқининг вужудга келиши учун асосий мезон ҳисобланади.

- **Иккиламчи ҳуқуқ:** сунъий интеллект воситасида яратилган объектларга эгаллик қилиш ҳуқуқи инсон иштироки даражасига қараб белгиланиши (фойдаланувчи ёки дастурчининг ҳуқуқларини аниқлаштириш) керак.

2. Сунъий интеллект тизимларини ўқитишда шаффофликни таъминлаш Сунъий интеллект тизимларини ўқитишда муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган асарлардан фойдаланишнинг махсус тартибини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Бунда қуйидагиларни акс эттириш керак:

- **Маълумотлар шаффофлиги:** моделларни ўқитишда ишлатилган манбалар ошкор этилишини таъминлаш.

- **Ҳуқуқий ҳимоя ва компенсация:** агар сунъий интеллект томонидан яратилган контент мавжуд муаллифларнинг ҳуқуқларини бузса, уларга адолатли компенсация тўлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг аниқ механизмларини (эҳтимоллий объектлар сифатида) қонунчиликда акс эттириш.

3. Халқаро ҳамкорлик ва ҳуқуқий саводхонлик

- **Халқаро тажриба:** WIPO (Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти) ва бошқа нуфузли халқаро тузилмалар доирасидаги муҳокамаларда фаол иштирок этиш орқали миллий қонунчиликни халқаро стандартларга мослаштириш.

- **Кадрлар салоҳияти:** судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари учун сунъий интеллект ва интеллектуал мулк соҳасида махсус ўқув курсларини ташкил этиш.

- **Жамоатчиликни хабардор қилиш:** аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида соҳа мутахассислари томонидан “сунъий интеллект муаллифлиги” ва “интеллектуал мулк” тушунчалари бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш, бу жамиятда муаллифлик ҳуқуқига бўлган ҳурматни шакллантиради.

Ушбу таклифларнинг амалиётга татбиқ этилиши рақамли иқтисодиёт шароитида инновацияларни рағбатлантириш билан бирга, муаллифларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим ҳуқуқий кафолат бўлиб хизмат қилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларнинг янги эҳтимоллий объектлари масаласи замонавий ҳуқуқ тизимининг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Ушбу муаммони ҳал этишда миллий қонунчиликни такомиллаштириш, илғор халқаро тажрибаларни ўрганиш ва уларни миллий ҳуқуқ тизимига имплементация қилиш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар соҳасидаги “эҳтимоллий объектлар” ҳимоясига оид соҳавий тушунтиришларни жамоатчилик ўртасида кенг ёритиш “ҳуқуқий онг”ни юксалтиришга хизмат қилади.

Мазкур тадқиқот шуни кўрсатадики, рақамли технологиялар аънавий интеллектуал мулк тушунчасини тубдан ўзгартирмоқда. Хусусан, сунъий интеллект томонидан яратилган асарлар, видео ўйинлардаги мураккаб контент ва метаоламлардаги (metaverse) виртуал активлар эндиликда ҳуқуқий тартибга солишни талаб этувчи реал объектларга айланди ва улар миллий ҳамда халқаро миқёсда ҳуқуқий ҳимояга муҳтож.

Амалдаги қонунчиликда “ижодий ҳисса” ва “муаллиф” тушунчаларини қайта кўриб чиқиш ҳамда техника воситалари ёрдамида яратилган объектларга нисбатан махсус ҳуқуқий режимни жорий этиш — бугунги куннинг долзарб вазифасидир. Бу нафақат иждоқорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, балки рақамли иқтисодиётда инновацияларнинг барқарор ривожланишида алоҳида ўрин тутди. Ушбу янгиланиш ва таклифлар миллий қонунчиликни халқаро стандартлар ҳамда замонавий технологик тенденциялар билан уйғунлаштириш орқали, келажақда интеллектуал мулкнинг ушбу янги турлари бўйича юзага келиши мумкин бўлган ҳуқуқий низоларнинг олдини олишда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Хайринисо Жўраева,

Тошкент давлат юридик университети, ОАВ ҳуқуқи йўналиши магистранти.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Peukert, Windisch. “The economics of copyright in the digital age”. Journal of Economic Surveys, 2024 – p. 878.
2. World Intellectual Property Organization. - Standing Committee on Copyright and Related Rights, Forty-Sixth Session. Geneva, 2025-yil 7-11-aprel.
3. E. Bonadio, N. Lucchi, G. Mazziotti. “Will technology-aided creativity force us to rethink copyright’s fundamentals? Highlights from the platform economy and artificial intelligence” // IIC-International Review of Intellectual Property and Competition Law 53(8). – 2022. - p. 1174-1200.
4. Adil S. Al-Busaidi, Raghu Raman, Laurie Hughes, Mousa Ahmed Albashrawi, Tegwen Malik and others. “Redefining boundaries in innovation and knowledge domains: Investigating the impact of generative artificial intelligence on copyright and intellectual property rights” // Journal of Innovation & Knowledge. - 2024. - p. 4.
5. Hugenholtz P. B., Quintais J. P. “Copyright and artificial creation: Does EU copyright law protect AI-assisted output?” // IIC-International Review of Intellectual Property and Competition Law 52(9). – 2021. - p. 1216.
6. Dwivedi Y. K., Kshetri N., Hughes L., Slade E. L., Jeyaraj A., Kar A. K., Wright R. “So what if ChatGPT wrote it? Multidisciplinary perspectives on opportunities, challenges and implications of generative conversational AI for research, practice and policy” // International Journal of Information Management. - 2023. - 71, Article 102642.
7. Fui-Hoon Nah, F. Zheng, R. Cai, J. Siau, Chen L. “Generative AI and ChatGPT: Applications, challenges, and AI-human collaboration” // Journal of Information Technology Case and Application Research 25(3). - 2023. - p. 277-304.
8. Reuters. “Getty Images lawsuit says Stability AI misused photos to train AI”. - URL: <https://www.reuters.com/legal/getty-images-lawsuit-says-stability-ai-misused-photos-train-ai-2023-02-06>
9. Christina Bohannon, “Copyright Preemption of Contracts”. - 67 Maryland Law Review, 2008. – p. 616-671.
10. “Mualliflik huquqi va turdosh huquqlar to'g'risida”gi qonun. <https://www.lex.uz/acts/1022944>
11. Davison Mark J. “The Legal Protection of Databases”. - Cambridge: Cambridge University Press, 2020. - p. 67.
12. Bostrom N. “Superintelligence: Paths, Dangers, Strategies”. - Oxford: Oxford University Press, 2014. - p. 122.
13. Elkin-Koren N. “Copyright in the Age of Artificial Intelligence: Reflections on Automation, Creativity, and Human Authorship” // UCLA Law Review. - 2020. - Vol. 67. - p. 34.
14. World Intellectual Property Organization. “WIPO Intellectual Property Handbook: Policy, Law and Use”. - Geneva: WIPO, 2021. - p. 45.
15. Martens B. “Why the scope of EU copyright protection should be reduced to realize the innovation benefits of generative AI”. - TILEC Discussion Paper No. 2024-07. Tilburg University, Tilburg. – URL: <https://ssrn.com/abstract=4971588>
16. Bryan Khan. “AI Regulation, Copyright, and Data Mining: A Critical Analysis of the Brazilian Proposal” // IIC International Review Intellectual Property Competition Law. - Max Planck Institute for Innovation and Competition. – 2026. – p. 3.
17. Addison Hichman. “AI, Authorship, and Copyright: A Comparison Between the United States and the European Union” // International and comparative law review. – Volume 33, Issue 1. - 2025. – p. 1.
18. Rahmatian Andreas. “Copyright and artificial intelligence – is there anything new to say?” European Intellectual Property Review 46(1). – 2024. - p. 25-33.
19. Martin Senfleben. “Text and Data Mining, Generative AI, and the Copyright Three-Step Test” // IIC International Review Intellectual Property Competition Law. - ISSN: 0018-9855, 2195-0237. – 2026-yil fevral. – p. 17.
20. United States Copyright Office. “Copyright and Artificial Intelligence, Part 2: Copyrightability Report”. – 2025-yil 29-yanvar.
21. European Union. Regulation (EU) 2024/1689 of the European Parliament and of the Council of 13 June 2024 laying down harmonised rules on artificial intelligence (Artificial Intelligence Act). – Official Journal of the European Union. – URL: <https://eur-lex.europa.eu/eli/reg/2024/1689/oj>
22. European Commission. General-Purpose AI Code of Practice. – Brussels. – 2025-yil iyul. – URL: <https://digital-strategy.ec.europa.eu/en/policies/ai-code-practice>
23. O'zbekiston Respublikasining 08.08.2025-yildagi O'RQ-1080-son “O'zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida”gi Qonuni. – URL: <https://www.lex.uz/docs/-7675869>
24. United States Court of Appeals for the District of Columbia Circuit. “Thaler v. Perlmutter”, Case No. 23-5233. – 2025-yil 18-mart. – p. 10.



ЕВРОПА ИТТИФОҚИДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲУҚУҚИ: ШАКЛЛАНИШИ, УНИФИКАЦИЯСИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

ЕИ интеллектуал мулк ҳуқуқининг ривожланиши 1957 йилдаги Рим шартномасидан бошланиб, ҳозирги кунга қадар давом этмоқда. Ушбу жараён бир томондан миллий қонунчиликлар ўртасидаги фарқларни бартараф этиш, иккинчи томондан эса ягона бозорни таъминлаш мақсадларини ўзида мужассам этади. Рақамли даврда эса интеллектуал мулк ҳуқуқи янги чақириқлар олдида янада мураккаблашмоқда.

Интеллектуал мулк ҳуқуқининг тарихи иқтисодий тараққиёт ва ҳуқуқий ривожланишнинг ўзаро таъсирида шаклланган. Ҳуқуқшунос олимларнинг таъкидлашича, иқтисодий тараққиёт ва интеллектуал мулк ҳуқуқлари ривожланиши бир-бирига ўзаро таъсир кўрсатиб келган. 1474 йилдаги Венеция патент низомидан 1883 йилдаги Париж конвенцияси ва 1886 йилдаги Берн конвенциясигача бўлган йўл интеллектуал мулкни суверен имтиёздан мустақил ҳуқуқий категорияга айланттирди.

ЕИ доирасида шаклланиш уч босқичда кечган.

Биринчи босқич (1957-1980): Рим шартномасининг 36-моддаси саноат мулкни ҳимоя қилиш учун импорт чекловларига руҳсат берди, лекин бу чекловлар савдонини яширин равишда тўсаслиги зарур эди. Триттоннинг таъкидлашича, бу даврда CJEU прецедентлари асосий тартибга солиш механизми бўлди. 1971 йилдаги Deutsche Grammophon иши “ҳуқуқларнинг тугаши” доктринасини жорий этди: маҳсулот ЕИ бозорида сотувга чиқарилганидан сўнг, ҳуқуқ эгаси унинг кейинги ҳаракатини назорат қила олмайди. 1974 йилдаги Centrafarm ишлари бу тамойилни патент ва савдо белгиларига татбиқ этиб, “розилик” тушунчасини марказга қўйди. Silhouette ишида эса минтақавий тугаш тамойили мустаҳкамланди.

Иккинчи босқич (1988-2010): 1988 йилги Яшил китобдан бошлаб, 1991 йилда компьютер дастурлари учун директива, 1994 йилда савдо белгилари учун ягона Ҳамжамият тизими яратилди. 2001 йилги InfoSoc директиваси рақамли муҳитни тартибга солиб, онлайн хизматларда ҳуқуқларнинг тугаши доктринаси қўлланмаслигини белгилади. 2012 йилдаги UcedSoft v Oracle иши эса рақамли товарлар соҳасида ҳам ҳуқуқларнинг тугаши доктринаси қўлланиши мумкинлигини тасдиқлади.

Учинчи босқич (2019 йилдан ҳозиргача): 2019 йилдаги DSM директиваси онлайн платформаларни фойдаланувчи контенти учун жавобгар қилиб, “қиймат бўшлиғи”ни бартараф этишга қаратилди. Польша шикоятига қарамай CJEU бу модданинг ҳақиқийлигини тасдиқлади. 2023 йилда Унитар патент тизими ва Ягона патент суди 50 йиллик музокаралар якуни сифатида ишга тушиб, харажатларни 80 фоизга камайттирди. 2024 йилдаги AI Act интеллектуал мулк ҳуқуқида янги уфқни очди.

ЕИ интеллектуал мулк ҳуқуқини унификация қилиш икки асосий механизм орқали амалга оширилади: гармонизация (директивалар) ва тўлиқ унификация (регламентлар). Геигер таъкидлашича, фундаментал ҳуқуқлар ва интеллектуал мулк ўртасидаги муносабатни тартибга солиш ЕИ Асосий Ҳуқуқлар Хартияси (17(2)-модда) доирасида тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Савдо белгилари соҳасида 2017 йилги EUTM Регламенти тўлиқ супранационал тизимни жорий қилган: тадбиркорлар Аликантедаги EUIPO орқали барча аъзо давлатлар учун ягона савдо белгисини олиш имкониятига эга бўлди. Патент соҳасида Унитар патент тизими бу соҳада 50 йиллик музокараларнинг якуни бўлди. Муаллифлик ҳуқуқида гармонизация тўлиқ эмас – DSM директивасининг 17-моддаси Польша шикоятига қарамай CJEU томонидан тасдиқланди.

Халқаро даражада ЕИ TRIPS битими ва Берн конвенцияси талабларини ўз ичига олган бир қатор директивалар қабул қилди. Олимларнинг таъкидлашича, интеллектуал мулк ҳуқуқлари глобал ҳодиса сифатида маҳаллий ва минтақавий ҳуқуқий маданиятларга таъсир кўрсатиб, ҳуқуқий моделларнинг кўп йўналишлиги гибриллашувига олиб келмоқда.

Савдо белгилари соҳасида тўлиқ унификация амалга оширилган бўлса, муаллифлик ҳуқуқи ҳали ҳам гармонизация босқичида. Патент соҳасида 2023 йилдаги Унитар патент тизими муҳим қадам бўлди, аммо Испания ва Хорватия ҳали

тизимга қўшилмаган. Сунъий интеллект ва интеллектуал мулк кесишмаси эса ҳуқуқий тартибга солишнинг энг динамик соҳасига айланиб бормоқда.

Таҳлиллар бир қатор муҳим ҳулосаларни беради. **Биринчидан**, CJEU прецедентлари (Deutsche Grammophon, Centrafarm, UsedSoft) қонунчилик гармонизациясига қадар интеллектуал мулк ҳуқуқини тартибга солишнинг асосий механизми бўлиб хизмат қилди. Бу эса CJEU фаолиятининг қонун ижодкорлик функциясини ҳам бажарганини кўрсатади.

Иккинчидан, рақамли иқтисодиёт анъанавий ҳуқуқий категорияларни тубдан ўзгартирмоқда. Сунъий интеллект моделлари муаллифлик асарларидан ўрганади, 3D чоп этиш патент ва муаллифлик ҳуқуқларини бузиш имконини беради, катта маълумотлар эса маълумотлар базалари ҳуқуқига янги муаммолар юзага келтиради. ЕИ AI Act бу соҳадаги биринчи тизимли жавоб бўлди.

Учинчидан, ЕИ ва АҚШ тизимларининг таққосламаси шуни кўрсатадики, ЕИ муаллифнинг шахсий ҳуқуқларини (droit moral) иқтисодий ҳуқуқлардан алоҳида ҳимоя қилишга кўпроқ эътибор қаратади. АҚШ эса асосан утилитар ёндашув – инновацияларни рағбатлантиришга – асосланади.

2021 йилги Муаллифлик ҳуқуқи қонунини такомиллаштириш учун бир неча муҳим йўналишларни белгилайди:

- 1) рақамли муҳитда муаллифлик ҳуқуқини тартибга солиш – айниқса онлайн платформалар масъулияти;
- 2) сунъий интеллект томонидан яратилган асарлар учун ҳуқуқий механизмлар;
- 3) EUIPO фаолияти тажрибасини миллий интеллектуал мулк агентлиги учун модел сифатида татбиқ этиш.

Ўрганишлар асосида қуйидаги ҳулосаларга келиш мумкин. **Биринчидан**, ЕИ интеллектуал мулк ҳуқуқининг 1957 йилдан бугунги кунгача бўлган ривожланиши суд прецедентларидан қонунчилик гармонизациясига, ундан тўлиқ унификацияга қараб изчил ҳаракат қилганини кўрсатади.

Иккинчидан, 2019 йилдаги DSM директиваси ва 2023 йилдаги Унитар патент тизими ЕИ интеллектуал мулк тизимининг замонавий йирик эришувлари бўлиб, глобал рақамли иқтисодиёт учун янги стандартлар белгилади. **Учинчидан**, 2024 йилдаги AI Act интеллектуал мулк ҳуқуқини сунъий интеллект билан боғлаш бўйича жаҳоннинг биринчи тизимли ҳуқуқий ҳужжати сифатида ЕИнинг “биринчи тартибга солувчи” мавқеини мустаҳкамлади.

И. Рустамбеков ва ҳаммуаллиф олимларнинг таъкидлашича, интеллектуал мулк ҳуқуқлари глобал ҳодиса сифатида маҳаллий ва минтақавий ҳуқуқий маданиятларга таъсир кўрсатиб, ҳуқуқий моделларнинг кўп йўналишлиги гибриллашувига олиб келади. ЕИ тажрибаси Ўзбекистон учун миллий қонунчиликни халқаро стандартларга мослаштиришда муҳим йўл-йўриқ бўла олади.

Комронбек КАЛАНДАРОВ,

Тошкент давлат юридик университети магистратура талабаси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Rustambekov I., Gulyamov S., Ubaydullaeva A. Intellectual Property in the Digital Age. Roma: Roma Tre Press, 2024. – 293 p.
2. Tritton, G. Intellectual Property in Europe. 4th ed. London: Sweet & Maxwell, 2022.
3. Kur, A. & Dreier, T. European Intellectual Property Law. Cheltenham: Edward Elgar, 2013.
4. Mezei, P. Copyright Exhaustion. Cambridge: Cambridge University Press, 2018.
5. Geiger, C. Constitutionalising Intellectual Property Law (2006) 37 IC 371.
6. Case 78/70, Deutsche Grammophon Gesellschaft mbH v Metro-SB-Grossmarkte GmbH [1971] ECR 487.

ЕВРОПА КЕНГАШИ ТИЗИМИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ СУД ЙЎЛИ БИЛАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Иккинчи Жаҳон уруши даҳшатли оқибатлари инсон ҳуқуқларини халқаро миқёсда ҳимоя қилишининг янги ва самарали механизмларини яратишга ундади. 1949 йилда ташкил этилган Европа Кенгаши ана шундай заруриятдан келиб чиққан ҳолда 1950 йилда Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа Конвенциясини (бундан буён — Конвенция) қабул қилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Суди дастлаб 1959 йилда ўз фаолиятини бошлади. 1998 йилгача Суд ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Комиссияси параллел тарзда фаолият юритди. 1998 йилда кучга кирган 11-сонли Протокол ушбу икки органни бирлаштирди ва Судни доимий фаолият юритувчи органга айлантирди. Ҳозирда Суд Европа Кенгашининг 46 та аъзо давлатидан сайланган 46 нафар судьядан иборат.

Суд ўз ваколатлари доирасида икки турдаги ишларни кўради: Конвенциянинг 33-моддаси асосида давлатлараро шикоятлар ва 34-моддаси асосида индивидуал шикоятлар. Амалда индивидуал шикоятлар асосий юкни ташкил этади.

Индивидуал шикоят механизми Конвенциянинг 34-моддасида мустаҳкамланган бўлиб, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг энг самарали йўллари билан бири ҳисобланади. Аммо ариза беришдан олдин Конвенциянинг 35-моддасида белгиланган бир қатор мақбуллик шартларини бажариш зарур.

Биринчидан, ички ҳимоя воситаларини тўлиқ тугатиш талаби.

Бу тамойилга кўра, ариза берувчи ўз давлатидаги барча мавжуд судлов ва маъмурий ҳимоя воситаларидан фойдаланган бўлиши керак. Бу субсидиарлик принципи, деб юритилади ва давлатларга ўз муаммоларини мустақил ҳал қилиш имкониятини беради.

Иккинчидан, муддат талаби. Ариза ички судлов жараёнининг якуний қарори эълон қилинган кундан бошлаб тўрт ой ичида берилиши лозим (15-сонли Протокол асосида қисқартирилган муддат).

Учинчидан, аризачи Конвенцияда мустаҳкамланган ҳуқуқлардан бирининг бузилишидан жабрланган шахс бўлиши талаб этилади. Актио популарис, яъни умумий манфаат номидан шикоят қилиш Судда қабул қилинмайди.

Ариза қабул қилинганидан сўнг, Суднинг Буюк котиблиги дастлабки кўриб чиқишни амалга оширади. Агар ариза расмий талабларга жавоб берса, тегишли давлатга билдирилади. Давлат Конвенциянинг 38-моддаси асосида ўз позициясини тақдим этади. Суд ўз амалиётида бир қатор муҳим принципларга асосланади: маржинал баҳо бериш доктринаси давлатларга ҳуқуқларни татбиқ этишда муайян ҳаракат эркинлигини беради.

Пилот қарорлар механизми тизимли муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади. Агар Суд битта давлатда ўхшаш Конвенция бузилишлари тизимли характер касб этганини аниқласа, пилот қарор қабул қилади ва давлатдан тизимли муаммони бартараф этишни талаб қилади. Папамичалопоулос ва бошқалар. Греция ишида Суд мулк ҳуқуқи ва адолатли тоvon масаласида муҳим стандарт ўрнатди.

Буюк палата Суднинг энг юқори тузилмаси бўлиб, 17 нафар судьядан иборат ва улар икки ҳолатда йиғилади: биринчиси, иш Конвенциянинг талқинига оид жиддий масалаларни кўтарганида; иккинчиси, палата томонидан кўриб чиқилган иш Суднинг олдинги амалиёти билан зид келганида. Буюк палата қарорлари бутун Европа миқёсида прецедент аҳамиятига эга ва миллий судлар учун йўл-йўриқ бўлиб хизмат қилади.

Суд фаолиятидаги энг долзарб муаммолардан бири аризалар сони ортиб бораётганлигидир. Бу ҳолат Суднинг самарадорлигини сезиларли даражада пасайтиради ва адолатни кечиктиради. Муаммони бартараф этиш мақсадида Interlaken (2010) ва Brighton (2012) декларациялари қабул қилинди. Ушбу ҳужжатлар Судни ислоҳ қилиш, субсидиарлик тамойилини кучайтириш ва давлатлар томонидан Кон-

венцияни миллий даражада самарали қўллаш механизмларини мустаҳкамлашга қаратилган.

Шунингдек, 15-сонли Протокол (2022) ва 16-сонли Протокол (2018, миллий судларнинг маслаҳат хулосалари сўраш ҳуқуқи) Суднинг миллий судлар билан муносабатларини такомиллаштирди. Венеция Комиссияси мамлакатларга қонунчилигини Конвенция стандартларига мослаштиришда муҳим маслаҳат органи сифатида хизмат қилмоқда.

Давлатлар томонидан Конвенцияни миллий даражада тўғри ва тўлиқ қўллаш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Амалиёт шуни кўрсатадики, кўпгина давлатлар Суд олдидаги ишлар кўпайишини миллий ҳуқуқ-тартибнинг заиф томонлари сабабли бошдан кечирмоқда. Шу сабабли миллий даражадаги ҳимоя механизмларини мустаҳкамлаш субсидиарлик принципини амалда татбиқ этишнинг энг самарали йўлидир.

Европа Кенгаши тизимида инсон ҳуқуқларини суд йўли билан ҳимоя қилиш механизмлари жаҳон миқёсида ўзига хос ва самарали тизимни ташкил этади. Индивидуал шикоят ҳуқуқи, Суднинг мажбурий юрисдикцияси, Вазирлар Қўмитаси назорати ва пилот қарорлар институти биргаликда яхлит ҳимоя тизимини шакллантиради.

Хулоса сифатида қуйидаги таклифларни билдириб ўтмоқчимиз:

биринчидан, давлатлар Конвенция талабларини миллий қонунчиликка тўлиқ синедириши ва миллий судларни Конвенция прецедентлари асосида қарор қабул қилишга ўргатиши лозим;

иккинчидан, Суд юкни камайтириш учун давлатлар миллий даражадаги самарали ҳимоя воситаларини, жумладан, инсонпарварликка асосланган махсус апелляция институтларини яратиши керак;

учинчидан, Суд маъмурияти ва Венеция Комиссияси билан ҳамкорликни кучайтириш орқали қонунчилик ислохот жараёнини тезлаштириши зарур.

Ўзбекистон Республикаси учун Европа тажрибаси миллий ҳуқуқий ислохотларда муҳим йўл-йўриқ бўлиб хизмат қилиши мумкин. Хусусан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали миллий механизмларини яратиш, судьялар малакасини ошириш ва ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш борасида Европа стандартларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

ФОЗИЛОВ Озодбек Собир ўғли,

Тошкент давлат юридик университети магистранти.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Rustambekov I., Gulyamov S., Ubaydullaeva A. Intellectual Property in the Digital Age. Roma: Roma Tre Press, 2024. – 293 p.
2. Tritton, G. Intellectual Property in Europe. 4th ed. London: Sweet & Maxwell, 2022.
3. Kur, A. & Dreier, T. European Intellectual Property Law. Cheltenham: Edward Elgar, 2013.
4. Mezei, P. Copyright Exhaustion. Cambridge: Cambridge University Press, 2018.
5. Geiger, C. Constitutionalising Intellectual Property Law (2006) 37 IIC 371.
6. Case 78/70, Deutsche Grammophon Gesellschaft mbH v Metro-SB-Grossmarkte GmbH [1971] ECR 487.
7. Cases 15-16/74, Centrafarm BV v Sterling Drug Inc. [1974] ECR 1147.
8. Case C-355/96, Silhouette International Schmied v Hartlauer [1998] ECR I-4799.
9. Case C-128/11, UsedSoft GmbH v Oracle International Corp. [2012] EU:C:2012:407.
10. Case C-401/19, Republic of Poland v European Parliament and Council [2022] EU:C:2022:297.
11. Directive 2001/29/EC (InfoSoc Directive), OJ L 167, 22.6.2001.
12. Directive 2019/790/EU (DSM Directive), OJ L 130, 17.5.2019.
13. Regulation (EU) 2017/1001 on the EU trade mark, OJ L 154, 16.6.2017.
14. Agreement on a Unified Patent Court, OJ C 175, 20.6.2013.
15. Regulation (EU) 2024/1689 (AI Act), OJ L, 12.7.2024.

ТОВАР БЕЛГИЛАРИНИНГ ДУАЛИСТИК МОҲИЯТИ ВА ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚДАГИ ИФОДАСИ

АННОТАЦИЯ: мақолада товар белгиларининг халқаро хусусий ҳуқуқдаги ўрни ва ҳуқуқий табиати таҳлил қилинади. Тадқиқотда Париж конвенцияси ва TRIPS каби халқаро ҳужжатлар, ҳудудийлик тамойили ҳамда *lex loci protectionis* принципининг қўлланилиши кўриб чиқилади. Яқунда товар белгиларининг миллий ва халқаро ҳуқуқ нормаларига асосланган дуалистик хусусияти асослаб берилади.

Калит сўзлар: товар белгиси, интеллектуал мулк, халқаро хусусий ҳуқуқ, ҳудудийлик тамойили, коллизия нормалар, *Lex loci protectionis*, ТРИПС, Париж конвенцияси.

Товар белгиларининг ҳуқуқий табиатини аниқлаш масаласи доктринавий жиҳатдан баҳсли бўлиб қолмоқда. Айрим олимлар, хусусан Н.А. Туракулова, товар белгиларини интеллектуал фаолият натижаси сифатида эмас, балки индивидуаллаштириш воситаси сифатида талқин этади¹.

Ушбу ёндашув муайян даражада асосли бўлса-да, уни мутлақ қабул қилиш мумкин эмас. Чунки амалиёт шуни кўрсатадики, замонавий товар белгиларининг яратилиш жараёни кўпинча ижодий элементларни ўз ичига олади. Мураккаб дизайн, график ечимлар ва семантик мазмун орқали шакланган белгилар оддий функционал воситадан кўра кенгроқ ҳуқуқий моҳият касб этади. Шу сабабли, товар белгиларини фақат индивидуаллаштириш воситаси сифатида чеклаб қўйиш уларнинг асл ҳуқуқий табиатини торайтиради.

Товар белгиларининг ҳуқуқий моҳиятини аниқлашда уларнинг ҳуқуқий муҳофазага лаёқат мезонлари ҳам муҳим рол ўйнайди. И. Рустамбеков ва А. Нуридуллаевларнинг таъкидлашича, товар белгиси ҳуқуқий муҳофазага эга бўлиши учун янгилик ва фарқлантириб бериш хусусиятларига эга бўлиши лозим². Ушбу мезонлар нафақат ҳуқуқий ҳимоя шартлари, балки товар белгиларининг мустақил ҳуқуқий объект сифатида шаклланишининг асосий аломатларидир. Айниқса, фарқлантириш хусусияти истеъмолчи онгида муайян махсулотни бошқалардан ажратиш имконини бериши билан бевосита боғлиқ бўлиб, унинг иқтисодий ва ҳуқуқий аҳамиятини бирлаштиради.

Товар белгиларининг ҳуқуқий табиатини тўлиқ англаш учун уларни фақат норматив ёндашув доирасида эмас, балки иқтисодий нуқтаи назардан ҳам таҳлил қилиш зарур. Ландес ва Поснер нуқтаи назарига кўра, товар белгиларининг асосий вазифаси истеъмолчиларнинг ахборот харажатларини камайтириш ва бозор самарадорлигини оширишдан иборат³. Ушбу ёндашув товар белгиларини оддий ҳуқуқий объект эмас, балки бозор механизмнинг муҳим элементи сифатида талқин қилиш имконини беради. Шу билан бирга, уларнинг мутлақ эмас, балки маълум чегаралар доирасида амал қилувчи ҳуқуқ эканлигини ҳам кўрсатади.

Товар белгилари ҳуқуқий табиатининг шаклланишида халқаро шартномалар алоҳида ўрин эгаллайди. Париж конвенцияси товар белгиларини саноат мулки объектлари сифатида талқин қилган бўлса, ТРИПС битими уларни тўлиқ ҳуқуқий муҳофазага эга интеллектуал мулк объектлари сифатида мустаҳкамлади⁴. Бироқ ушбу ҳужжатлар тўлиқ унификацияни таъминламайди. Аксинча, улар минимал стандартларни белгилаб, миллий ҳуқуқ тизимларининг

устуворлигини сақлаб қолади. Натижада, товар белгиларига оид муносабатлар турли давлатларда турлича тартибга солинади ва бу коллизия муаммоларни юзага келтиради. Мазкур муаммолар айниқса халқаро хусусий ҳуқуқ доирасида яққол намоён бўлади.

Товар белгиларига бўлган ҳуқуқлар ҳудудийлик тамойилига асосланган бўлса-да, уларнинг амалий қўлланилиши кўпинча бир нечта юрисдикциялар билан боғлиқ бўлади. Шу сабабли, бундай муносабатларни тартибга солишда коллизия нормалар муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро хусусий ҳуқуқда товар белгиларига оид муносабатларда “*Lex loci protectionis*” принципи устувор ҳисобланади, яъни ҳуқуқий ҳимоя талаб этилаётган давлат ҳуқуқи қўлланилади. А. Кур ушбу принципнинг устуворлигини эътироф этган ҳолда, унинг амалиётда қўлланиши мураккабликларни юзага келтиришини таъкидлайди⁵.

Айниқса, интернет ва рақамли муҳит шароитида бир хил ҳуқуқбузарлик бир вақтнинг ўзида бир нечта давлат ҳудуди-га таъсир кўрсатиши мумкинлиги ушбу принципнинг самарадорлигини чеклайди.

Хулоса қилиб айтганда, товар белгиларининг ҳуқуқий табиати замонавий иқтисодий муносабатлар ривожини шароитида мураккаб ва кўп қатламли хусусият касб этади. Улар бир томондан махсулот ва хизматларни индивидуаллаштирувчи ҳуқуқий восита сифатида намоён бўлса, иккинчи томондан иқтисодий қийматга эга бўлган мустақил номоддий актив сифатида шаклланади. Товар белгиларига бўлган ҳуқуқлар анъанавий равишда ҳудудийлик тамойилига асосланган бўлса-да, уларнинг амалий қўлланилиши трансчегаравий хусусиятга эга бўлиб, бу эса турли ҳуқуқ тизимлари ўртасида коллизия муаммоларни юзага келтиради. Мазкур ҳолат товар белгиларининг ҳуқуқий табиатини фақат миллий ҳуқуқ доирасида изоҳлаш етарли эмаслигини кўрсатади.

Асадбек САМАДОВ,

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети халқаро бизнес ҳуқуқи йўналиши магистратура талабаси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Intellektual mulk huquqi [Matn]: darslik / I.B. Yakubova, A.A. Yuldashov, M.B. Bahramova, N.A. Turakulova. – T.: TDYU nashriyoti, 2025. – 344 b. 38-39-betlar
2. Intellektual mulk huquqi [Matn]: darslik / I.B. Yakubova, A.A. Yuldashov, M.B. Bahramova, N.A. Turakulova. – T.: TDYU nashriyoti, 2025. – 344 b. 38-39-betlar
3. Landes, William M., and Richard A. Posner. “Trademark Law: An Economic Perspective.” *The Journal of Law & Economics* 30, no. 2 (1987): 265–309. <http://www.jstor.org/stable/725498>.
4. Paris Convention for the Protection of Industrial Property (1883); TRIPS Agreement (1994).
5. Kur Annette. Intellectual Property Rights in Conflict of Laws.

НЕКОТОРЫЕ ОСОБЕННОСТИ ГОСУДАРСТВЕННОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ РЫНКА ТРУДА В РОССИЙСКОЙ ФЕДЕРАЦИИ

АННОТАЦИЯ: доступ на российский рынок труда имеет очень существенное значение для граждан Республики Узбекистан. Хотя за последние годы в Узбекистане создано большое количество новых рабочих мест, демографическая ситуация - постоянный рост населения не позволяет нормально трудоустроить всех совершеннолетних граждан внутри страны. Правительство республики в этих условиях уделяет большое внимание направлению граждан на нормально оплачиваемую легальную работу за рубеж. Хотя проводится разумная государственная политика по диверсификации направления граждан в разные страны, остается очень высокой концентрация из общего числа направляющихся на работу за рубеж в направлении России. Статья направлена на то, чтобы дать читателям реальное представление о том, каков сейчас новый режим пребывания иностранцев в России, при несоблюдении которого они могут получить очень серьезные проблемы по неосторожности.

Ключевые слова: миграция, Российская Федерация, право на трудоустройство, трудовые патенты, миграционный статус, временное пребывание.

На официальной встрече в Санкт-Петербурге с главными редакторами международных СМИ летом 2025 года (его видеозапись легко найти на ютубе) Владимир Путин дал высокую позитивную оценку состоявшемуся незадолго до этого визиту Саиды Мирзиёевой в Москву. Также было сказано, что достигнуты договоренности с Президентом Республики Узбекистан Шавкатом Мирзиёевым о совместном решении миграционных вопросов, в том числе касающихся подготовки людей, желающих работать в России.

Как правило, граждане Республики Узбекистан ведут себя в России нормально, полностью соблюдая требования местного законодательства. Некоторые из них демонстрируют настоящие отвагу и героизм. Большой общественный резонанс получило недавно мужество Хайрулло Ибадуллаева из Кашкадарьинской области, работающего в Санкт-Петербурге дворником. Расчищая в метель снежные сугробы, он спас 7-летнего мальчика, выпавшего из окна 7 этажа дома, сам получив при этом переломы. Указом Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева он награжден медалью "Жасорат". Губернатор Санкт-Петербурга Александр Беглов наградил его знаком отличия "За доблесть в спасении", отметив: "Герои бывают разные. Иногда они в форме спасателей, в халатах докторов, а иногда — в спецовке. Сегодня встретился с Хайрулло Ибадуллаевым. Весь наш город знает историю его подвига". Ранее в 2024 году тоже в Санкт-Петербурге произошел похожий резонансный случай, когда гражданином Узбекистана дворник Олимжон Ибрагимов спас несколько человек во время пожара, забравшись по трубе на третий этаж. Он рассказал журналистам, что служил много лет в десантных войсках в Фергане, является мастером спорта по боксу и сказал: "Это наша обязанность помогать, Бог за всеми смотрит". На мой взгляд, он тоже заслужил государственную награду, а его основной профессиональный опыт может быть востребован в армии Узбекистана в качестве наставника.

Вместе с тем есть случаи, когда граждане Узбекистана нарушают в России миграционное законодательство, создавая этим серьезные проблемы себе и своим близким. Нередко это происходит неумышленно, от незнания особенностей местного законодательства. В мире сейчас есть общая тенденция к ужесточению наказаний за нарушения для мигрантов, даже незначительные. У всех на слуху в этом аспекте США, но тенденция касается и других стран. В Республике Узбекистан в прошлом году тоже были существенно повышены штрафы за правонарушения в этой сфере, но все же Узбекистан пытается пока что обойтись обычно штрафами без массовых депортаций. Однако в Рос-

сии, США, Южной Корее даже в Казахстане миграционная политика жестче, и, к сожалению, остается существенным количество случаев депортации граждан Узбекистана из этих стран.

Случаи высылки граждан Узбекистана из России обычно связаны с тем, что они не имели действующей регистрации по месту жительства, или работали без разрешения, или превысили предельный срок пребывания в России. Нужно всегда очень внимательно относиться к временной регистрации по месту жительства (миграционному учету)! Последствия нарушений, даже мелких формальных, очень серьезные! Срок постановки на учет на взаимной основе по межправительственному соглашению РУзб и России льготный - 15 дней со дня въезда в страну. Как и в Республике Узбекистан, если иностранец живет в России в лицензированной гостинице, она сама его регистрирует дистанционно, но если на частном секторе, то он обязан лично явиться вместе с собственником жилья в МФЦ (Центр госуслуг). Очень важно учитывать, что временная регистрация по месту жительства не дает права на работу. Нужно понимать особенности каждого трудового статуса в России, который определяется имеющимся у мигранта документом - трудовым патентом, РВП, ВНЖ или разрешением на работу. Все эти четыре документа дают право работать, но неодинаково.

Трудовой патент дает право работать в течение срока его действия, выбранного мигрантом (1-12 месяцев), только в регионе его выдачи по конкретной профессии, но у любого работодателя. Срок действия патента можно продлевать до 12 месяцев, но затем нужно приобретать новый. Работодателя можно менять без корректировки патента, если срок действия его не истек, но только в пределах одного региона и одной профессии. Исключения: взаимно признают трудовые патенты город Москва и Московская область; город Санкт-Петербург и Ленинградская область. Только один российский регион - город Москва - выдает трудовые патенты без указания профессии, он дает право трудиться на территории Москвы по любой профессии, разумеется, кроме государственной и муниципальной службы. При желании поменять регион или профессию, кроме вышеуказанных исключений, старый патент на будущее пропадет и нужно получать новый.

Стоимость трудового патента устанавливается региональными властями, она различается между российскими регионами. При этом оплата трудового патента состоит из двух частей - невозвращаемой госпошлины и возвращаемой части. Последняя является авансовой формой оплаты налога на доходы физических лиц (НДФЛ). В ее части оплата, внесенная мигрантом за патент, затем возвращается путем за-

чета в текущие обязательства по НДФЛ при выплате зарплаты. Иногда работодатели “забывают” уменьшить соответствующие обязательства работника по НДФЛ. Это не массовое явление, и является грубым нарушением трудовых прав работника исключительно по инициативе его работодателя. Российские власти это не поощряют.

Нужно также понимать, то часть трудовых мигрантов платят НДФЛ из своей зарплаты по ставке 13%, при очень высокой зарплате частично по ставкам 15%-22% (налоговые резиденты России), а часть - по ставке 30% (налоговые нерезиденты России). В большинстве случаев критерием разграничения является пробыл иностранец в текущем календарном году физически в России 183 дней или нет. Сколько из них он работал неважно. В этом плане приезжать во второй половине года менее выгодно, потому что не удастся набрать 183 дней пребывания, и налог будет 30%. Если мигрант приезжает в первой половине года, то сначала с его зарплаты удерживают 30%, но как только он набирает 183 дней пребывания в России в текущем году, его переводят на более низкий налог для местных налоговых резидентов ретроактивно с 1 января текущего года, в том числе возвращают за весь текущий год переплату налога. Такая политика России базируется на стремлении, чтобы трудовые мигранты приезжали работать на длительный период, а не ситуативно только на 3 или 5 месяцев.

Есть некоторые точечные исключения, когда граждане Узбекистана могут работать в России без трудового патента (например, сотрудники IT-компаний со специальной государственной аккредитацией; выдающиеся спортсмены и деятели культуры; педагоги и учёные, которых персонально пригласили на работу в образовательные или научные организации), но очевидно, что к подавляющему числу трудящихся эти исключения не относятся. Не получают трудовых патентов и не сдают никаких экзаменов высококвалифицированные специалисты с зарплатой от 250 тысяч рублей (примерно 3200 долларов США) в месяц. Они получают вместо патентов “разрешения на работу” в особом порядке. Нет никаких ограничений для получения этого статуса гражданами Узбекистана, но на рынке труда число рабочих мест с такой высокой зарплатой очень маленькое. Также студенты очной формы обучения вузов и средних специальных учебных заведений вправе подрабатывать без трудового патента, но строго в свободное от учебы время. Здесь нужно быть осторожным, так как работа во время любой учебной пары или любого экзамена, если иностранный студент на этом попался, нелегальна со всеми вытекающими последствиями. Мне известны случаи, когда студенты из Узбекистана работали в России во время своих учебных пар, это крайне рискованное поведение. Это касается учебы и в других странах - есть случаи выдворения студентов из Узбекистана из Южной Кореи за работу вместо учебы.

Разрешение на временное пребывание (РВП) дает право жить и работать (кроме государственной и муниципальной службы) в России 3 года без привязки к конкретной профессии, но только в регионе его выдачи. Регион действия РВП можно попросить изменить по уважительной причине, но это усмотрение органов внутренних дел. РВП выдается только один раз на 3 года, его никогда невозможно продлить. На выдачу РВП есть региональные квоты, они маленькие, чем объясняется небольшое количество лиц, которые сдают сейчас экзамены на РВП в рамках квот. Некоторые иностранцы вправе получать РВП без квот. Если говорить о гражданах Узбекистана, то, опуская некоторые очень специфические ситуации, в основном они могут получить РВП без квоты, если: либо родились на современной территории Российской Федерации (в т.ч в советское время) по государственной программе по переселению соотечественников, либо имеют граждан России-близких родственников, либо закончили российский вуз с отличием.

Вид на жительство (ВНЖ) предоставляет постоянное право жить и работать в любом регионе России (кроме государственной и муниципальной службы) без привязки к какой-либо профессии. Однако, владелец ВНЖ обязан ежегодно находиться физически в России суммарно не менее половины календарных дней. Исключение возможно только в случаях болезни или смерти близкого родственника, экстренного лечения или служебной необходимости. Иначе ВНЖ могут аннулировать. Также владелец ВНЖ обязан самостоятельно содержать себя и свою семью в России в пределах прожиточного минимума без помощи государства за исключением случая, если он официально признан нетрудоспособным.

Есть три вида экзаменов на знание русского языка, законодательства и истории России по нарастанию степени сложности: на трудовой патент, более сложный на трехлетнее разрешение на временное пребывание (РВП), еще более сложный на постоянный вид на жительство (ВНЖ). До террористической атаки в “Крокус сити” в сфере сдачи этих экзаменов в России было немало злоупотреблений, сейчас они устранены. В настоящее время их возможно сдать даже в Узбекистане до выезда, но пока что только в городе Ташкент.

Новация 2024 года заключается в том, что приобретение мигрантом трудового патента не дает больше автоматического права находиться в России в течение всего срока его действия. С января 2024 года введена обязанность мигранта уведомлять о трудоустройстве территориальные органы МВД России в течение 2 месяцев со дня получения патента. Если это не будет сделано, патент считается недействительным и больше не является основанием для нахождения на территории России. Владелец трудового патента должен предоставлять органам внутренних дел при указанном уведомлении копию заключенного им трудового или гражданско-правового договора.

С февраля 2025 года введен новый правовой режим высылки, который применяется к иностранцам, которые не приобрели или утратили основания для пребывания либо проживания на территории России. Учет таких иностранцев осуществляется путем внесения сведений о них, в том числе их персональных данных, в “реестр контролируемых лиц”. Поскольку для включенных в реестр иностранных граждан установлены законодательные ограничения на оказание ряда государственных и иных услуг, он является общедоступным и размещен на официальном сайте МВД России. В реестр попадают иностранцы, к которым возникли претензии и которые в перспективе должны оперативно покинуть страну самостоятельно либо будут высланы принудительно. Тем не менее попадание в реестр далеко не всегда означает высылку: в части случаев возможно оперативно устранить причину попадания в реестр, быть оттуда исключенным и остаться в России. Тем, кто попал в реестр и не исключен оттуда, запрещено регистрировать юридические лица или статус индивидуального предпринимателя, покупать и ставить на учет недвижимость и автомобили, сдавать экзамены на водительские права, открывать банковские счета, проводить банковские операции (кроме обязательных платежей и получения 30 тысяч рублей наличными в месяц), заключать брак и менять место жительства.

Еще одна новелла 2025 года – это уменьшение количества дней разрешенного пребывания иностранных граждан из безвизовых постсоветских стран в России, если они приезжают в целях, отличных от работы или учебы. Цель такой политики - мотивировать иностранцев искать работу в России дистанционно, находясь в своей стране. Это правило не распространяется на граждан трех прибалтийских стран и Туркменистана, поскольку у России с этими четырьмя государствами визовый режим, а также Беларуси, с которой у России особое партнерство. Важно отметить, что здесь нет какой-либо дискриминации граждан Узбекистана: правила

пребывания для граждан Казахстана и Киргизстана, которые не учатся и не работают в России, точно такие же несмотря на то, что эти государства входят в Евразийский экономический союз. Ранее правила были примерно как в Шенгенской зоне – 90 дней суммарно из последних 180. С 2025 года стало: суммарно 90 дней в любом календарном году, который начинается 1 января и заканчивается 31 декабря. Но есть тонкость – дополнительный 30-дневный срок внутри общего 90-дневного. Если мигрант подал заявление на трудовой патент более чем через 30 дней после последнего въезда в Россию, ему нужно будет уплатить штраф. Аналогично это должно мотивировать иностранцев искать работу в России дистанционно, то есть находясь в своей стране. Правда, этот срок можно обнулить выехав из РФ и заехав обратно, но только в пределах общего 90-дневного годового срока. Очень важно при въезде в РФ указывать цель въезда – на работу!

Правило о 90 сутках пребывания в год распространяется на супругов трудовых мигрантов даже если у них несколько маленьких детей. Цель такой государственной политики – социализация женщин, чтобы они тоже обязательно работали либо учились.

Также в 2025 году запущена система въезда граждан безвизовых стран с предварительной регистрацией въезда в специальном приложении и получением QR-кода на въезд. Система вводится в эксплуатацию постепенно, пока что еще можно въехать без предварительно сформированного QR кода, но очевидно, что это очень скоро изменится. Система имеет информационную функцию – уведомить человека заранее, нет ли у него запрета на въезд в Россию? Если запрет есть, то QR-код технически не сформируется. Эта система должна улучшить заблаговременное информирование иностранных граждан о наличии/отсутствии у них запрета на въезд в Россию, поскольку существующая уже много лет система проверки наличия таких запретов через интернет-сайт МВД России критиковалась за то, что в нее попадали не все запреты. Также на иностранных трудовых мигрантов возложена обязанность передавать свое местонахождение (геолокацию) один раз в 3 дня через приложение "Амина", но это относится только к тем, кто живет и работает в городе Москва и Московской области.

Также необходимо обратить внимание, что с 2025 года несовершеннолетние дети мигранта должны знать русский язык на уровне, достаточном для обучения в школах. Это объясняется тем, что иначе они просто мешают в классе учителям и другим детям. Последнее, чего хотят российские власти – это возникновения замкнутых этнических анклавов наподобие турецких в Германии. В 2025 году дети-иностранцы были протестированы на русский язык, не сдавшим тесты было предложено через 3 месяца попытаться сдать повторно. Тем, кто в итоге не сдал, было отказано в приеме в первый класс школ, а дети более старшего возраста были исключены из средних школ. Подрастая на улице без образования, они со временем скорее всего будут вовлечены в криминальную деятельность. Пока что российские власти воздерживаются от массовой высылки этих детей в страны их гражданства в надежде, что они быстро подучат сейчас русский язык, и их можно будет вернуть в школы. Но долгосрочно так не будет, по всей видимости скоро начнутся их высылки.

Формально в России есть три формы высылки иностранцев: депортация, выдворение и реадмиссия, но для самого мигранта принципиальной разницы между ними нет. Многие мигранты в России ошибочно думают, что их могут выслать только за миграционные правонарушения либо за уголовные преступления, но это не так. Выслать могут за любые административные правонарушения, просто за одни уже при первом нарушении, а за другие более мягкие – при многократности. В интернете можно встретить утверждения, что могут выслать

даже за систематические административные штрафы за матерную нецензурную брань в общественных местах. Я лично именно таких примеров не встречал, но за систематические нарушения правил дорожного движения выслать вполне могут.

Высылка независимо от ее вида влечет последующий запрет на въезд в Россию на срок от 1 до 10 лет. Нет смысла загромождать статью информацией о том, сколько точно длится запрет в каждом конкретном случае – ее легко найти в интернете. В любом случае очень важно никогда не начинать врать органам внутренних дел! Любое вранье, любые ложные документы означают, как минимум, высылку и временный запрет на въезд. Иногда запрет въезда устанавливается без четкого срока. Это либо очень серьезные случаи – персональные санкции, участие в экстремистских организациях и т.п. Либо это запрет до устранения финансового нарушения, если к человеку есть только финансовые претензии. Например, у мигранта, которого не выслали из России, есть в России просроченные задолженности по штрафам, налогам. Если они полностью погашаются, то запрет на въезд снимается.

Снятие запрета на въезд досрочно. Формально юридически это возможно сделать через органы внутренних дел или суд. Но нужно учитывать, что суд все равно запросит мнение полиции, и обычно с ним согласен. Нужно также разграничивать ситуации реальной ошибки полиции и когда ошибки не было. Например, если орган внутренних дел неправильно чисто арифметически подсчитал количество дней пребывания, то скорее всего вышестоящий начальник по вертикали сам признает и исправит ошибку, а если даже нет, то это сделает суд. Если же формальной ошибки нет, то не нужно пререкаться, а есть другой порядок – раскаяться в реальном правонарушении и просить снять досрочно запрет по гуманитарным основаниям. В любом случае нецелесообразно действовать в обход органов внутренних дел, нужно сначала просить досрочного снятия запрета у них. Даже с психологической точки зрения никакой судья не любит лишней работы – заниматься ситуациями, которые можно было урегулировать без него на уровне полиции, куда мигрант непонятно почему не захотел обращаться.

В интернете можно прочитать самые разнообразные советы, на что в таких случаях ссылаться, поскольку в российском законодательстве нет исчерпывающего перечня уважительных причин для досрочного снятия запрета на въезд в страну. Я не претендую на то, чтобы знать про все абсолютно случаи, когда запрет в России досрочно снимался. Но реальные случаи, о которых я лично знаю, были связаны с наличием у мигранта близких родственников – граждан РФ, проживающих в России и нуждающихся в уходе (престарелые родители, беременная жена или жена в декретном отпуске, несовершеннолетние дети). Не вызывает удивления, что российские органы внутренних дел и суды на практике более лояльны к такого рода ходатайствам, если при этом затронуты интересы российских граждан. Снять досрочно запрет на въезд очень сложно, поэтому нужно не доводить дело до высылки!

Кирилл МОЛОДЫКО,

*доцент сектора международного права и прав человека
Ташкентского государственного юридического
университета, кандидат юридических наук.*

Использованная литература:

